



# Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ЯНГИ  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
7 ЗАФАРЛИ ЙИЛИ**


**Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва  
амалиёти курси бўйича ўкув қўлланма**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ - 1999**

Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили (Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси бўйича ўқув қўлланма). О. Салимов ва бошк.—Т.: «Шарқ», 1999.—224 б.  
Сарл. олдида:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ББК 65.9(5У)я7+  
67.99(5У)Оя7+  
66.4(5У)я7



# **Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллигига багишиланган тантанали маросимида сўзлаган табрик нутқи**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни мустақиллигимизнинг етти йиллик шодиёнаси — халқимизнинг Миллий байрами билан са-мимиий муборакбод этаман.

Дарҳақиқат, мустақиллик байрами Ўзбекистон аталмиш гўзал ва қадимий, бетакрор ва табаррук заминда яшаётган ҳар қайси инсон учун, Ватанимизнинг ҳар бир фарзанди учун энг азиз, энг улуғ байрамга айла-ниб қолди.

Етти йил давомида амалга оширган ишларимиз ба-мисоли етмиш йилга тенглашиб, мамлакатимиз қиёфа-сини, юртимиз жамолини бутунлай ўзгартириб юборди.

Етти йиллик босиб ўтилган йўлимизга, янги тари-химизга назар ташлар эканмиз, мана шу даврда ҳаёти-мизда қандай ўзгаришлар рўй бергани, нималарга эриш-ганимиз ҳақида сарҳисоб қиласар эканмиз:

— аввало, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти-миздаги ислоҳотлар ва янгиланишлар орқага қайтмайди-ган тус олганини тўлиқ ишонч билан айтишга ҳаққи-миз бор;

— истиқдол туфайли тобора обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, қад ростлаётган янги-янги замонавий корхоналар, маданий-маиший иншоотлар, кўприклар ва йўллар бир сўз билан айтғанда, иқтисо-димизнинг тобора ўсиб мустаҳкам бўлаётганига, давла-тимизнинг салоҳияти, куч-қудрати юксалаётганига гу-воҳ бўлмоқдамиз;

— ҳалқаро ҳамжамиятда ва жаҳон бозорида мамла-катимиз ўрни, обруў-эътибори ва нуфузи ошиб бораёт-ганини катта мамнуният ва ифтихор билан тан оламиз;

— энг муҳими, одамларимизнинг дунё-қараши ва тафаккури, маънавий қиёфаси ўзгараётгани, ўзлигини англаб бораётгани, жамиятимизда аҳиллик, мурувват, меҳр-оқибат каби олижаноб фазилатлар, эл-юртимизда

тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганини, эртанги кунга ишончимиз кучаяётганини таъкидлаймиз.

Бир сўз билан айтганда, етти йил давомида биз келажагимиз пойдеворини қўйдик, истиқдол дарахтинг чукур илдиз отишига, фарзандларимиз баҳт-саодати йўлида эркин ва фаровоһ турмуш барпо этишга замин яратдик.

Буларнинг барчасини Худонинг ўз меҳнатсевар ва фидойи халқимизга инъом этган бебаҳо неъмати деб қабул қиласиз ва Яратганимизга чексиз шукроналар билдирамиз. **«Халқимизда етти қиши, етти ёзни омон ўтказган иморат асрлар бўйи салобат тўкиб туради»**, деган ҳикмат бор. Бугун Ўзбекистоннинг заҳматкаш ва бунёдкор халқи барпо этаётган мустақиллик иморати ҳам ана шундай мустаҳкам ва мангуликка дахлдор бўлиб қолажак, иншоллоҳ.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Барчамиз яхши биламизки, ўтган йиллар давомида эришган ютуқларимиз осонликча бўлмади. Етти йиллик янги тарих бизни ҳақиқий миллат сифатида имтиҳон қилди, сабот ва иродамизни синади.

Йўлимизда дуч келган машшақатли синов ва тўфонларни ягона халқ бўлиб, яхши-ёмон қунларда қийинчиликларга бардош бериб, бир-бирилизга суюниб, ҳамжиҳатлиқда енгигиб ўтдик.

Биз бугун яхши биламизки, олдимиизда турган вазифалар ва муаммоларни ечиш, одамларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларни рози қилиш учун ҳали кўп-кўп меҳнат қилишимиз даркор.

Агарки мендан, олиб бораётган сиёсатимизнинг энг долзарб, энг устувор вазифаси нимадан иборат, деб сўрашса, мен шундай жавоб берардим:

Энг аввало — халқимнинг омонлиги ва фаровонлиги, обод Ватанда эркин ва озод ҳаёт кечириши. Бу вазифанинг нақадар мураккаб ва оғирлигини холисона тасаввур қилиб, танлаган йўлимиздан қайтмасдан, ислоҳотлар маъно-моҳиятини теран англаб, бир ёқадан бош чиқариб, бошлаган ишимишни охирига етказишимиз даркор.

Биринчилар қаторида мулк масаласини оқилона ҳал этиш, ҳақиқий мулк эгаларининг йўлини очиб бериб, уларнинг жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган сиёсатни изчил давом эттириш зарур.

Тараққаётимизнинг яна бир муҳим шарти — ҳаёти-

мизда сақланиб келаётган эски замон асорат-иллатла-ридан тезроқ халос бўлишдан иборат.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Шу заминда яшаётган ҳар қайси оила, ота-она учун, жамиятимиз ва давлатимиз учун энг қатта ишонч-таянчимиз, суюнчимиз — ўсиб келаётган ёш авлод, севимли фарзандларимиздир.

Ёшларимизнинг билимга чанқоқлиги, мутелик ва қуллик асоратидан бутунлай озод экани бизни чексиз қувонтиради.

Бизнинг муқаддас бурчимиз — жондан азиз болаларимизга замон талаблари даражасида билим бериш, уларни ҳақиқий ватанпарвар ва юртпарвар этиб тарбиялаш, вояга етказишидир.

Бугун эркин, барқарор ва фаровон ҳаётни кўришни истар эканмиз, бунинг энг муҳим, энг зарур гарови — юртимиз ҳавфсизлигини, чегараларимизнинг дахлсизлигини, кўпмиллатли Ўзбекистон фуқароларининг тутувлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир.

Бизга яқин қўшни бўлган ўлкаларда авж олган сиёсий беқарорлик, ўзаро адоват, ижтимоий ларзалар, биродаркушлик урушлари, афсуски, барҳам топганича йўқ.

Атрофимизда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга, ҳасад кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас.

Бундай вазият барчамизни доимо огоҳ, сезгир ва хушёр бўлишга, ягона уйимиз, қўрғонимиз, муқаддас оиласиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлашга даъват этади, фидойиликка чорлайди.

Азиз ватандошларим!

Мана шундай ҳаяжонли дамларда одамнинг кўнгли беихтиёр шеър ёки қўшиқقا тўлиб кетади. Минг афсуски, мен шоир ёки қўшиқчи эмасман.

Агар Тангри таоло менга шундай истеъдод берганида эди, барчангизга, азиз дўстларим, қадрдонларим, шеърлар битган, қўшиқлар бағишлаган бўлардим. Лекин мен шу гўзал мўътабар оқшомда қалбимдаги энг самимий, энг эзгу туйфуларимни изҳор қилишим, айтишим зарур:

— Мен ҳаммангизни севаман! Ҳаммангизга соғлиқомонлик, бахту саодат тилайман!

— Мустақиллигимиз мангу яшасин!

— Эл-юртимиз омон бўлсин!

— Бугунимиз ва эртамизни Оллоҳнинг ўзи ёмон кўзлардан, бало-қазолардан, оғат ва фалокатлардан асрасин, эзгу ишларимизда мададкор бўлсин.

## КИРИШ

Жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон миллий мустақилликка эришди, сиёсий мутелик, қарамлик, асоратидан қутилди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистонда тараққиёттинг сифат жиҳатдан янги даври бошланди. У давлат ва ижтимоий ҳаёттинг барча йўналиш ва тармоқларида чуқур ва туб ўзгаришлар билан мустаҳкам боғланган. Давлат мустақиллиги тикланган Ўзбекистон олдида халқ тарихи ва анъаналарини, жаҳон тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда умумбашарий тараққиёттинг кенг маданий йўлига қайтишдек стратегик, ҳаётий масала кўндаланг турди.

Бунинг учун эски тузум кишанларидан бушаб олиш, давлат ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт механизмлари ва тузилмаларини янгидан шакллантириш вазифалари турарди.

**Ижтимоий-сиёсий соҳала:** маъмурий-буйруқбозлик, авторитар тузум механизми ва тузилмаларидан кутулиш, ҳамда давлат қурилишининг демократик, ҳуқуқий тамойил ва меъёрларига ўтиш, фуқаролик жамиятига ўтишнинг пойдеворини куриш.

**Ижтимоий-иктисодий соҳала:** инсоннинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувидан, режалитақсимотчилик тизимидан кечиш ва кўп укладли иқтисодга ҳамда бозор муносабатларига ўтиш.

**Маънавият соҳасила:** ақидабозлик ва ута сиёсатлаштирилган мафкура ҳукмронлигидан кутулиш.

**Халқаро муносабатлар соҳасила:** бутун дунё тараққиётидан ажралиб қолищдан, ўзни четга олишдан ва унга қарши туришдан воз кечиш, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш ва унинг билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликка йўл очиш.

Ислоҳотларнинг бу асосий йўналишлари орқали республикамиизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг

муракаблиги ва тенгсиз миқёсларини тасаввур қилиш мүмкін. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ўз халқи тарихи ва унинг онги-руҳиятидан, аниқ шаройтларидан келиб чиқиб танлади. Бу моделнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг беш тамойилида таърифлаб берилди. Мамлакатимиз аҳолиси ўз давлат мустақиллигининг етти йиллигини бутун жаҳон жамоатчилиги билан тантанали равишда нишонлаётган бугунги кунда, тўла ишонч билан айтиш мүмкинки, бу йўл тажриба синовидан ўтди. Тарихан қисқа, аммо зафарли натижаларга бой бўлган тараққиёт танланган моделнинг тўғрилигини исботлади.

Янада олға силжиш учун, тараққиёт ва ободончикликини таъминлаш учун республикада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг назарий асослари ва амалий усулларини тущуниб етиш ва чуқур ўзлаштириш жуда муҳим. Бу, айниқса, бугун бошланган ишни кекса авлод қулидан эртага ўз қўлига оладиган, мамлакатнинг келажаги, унинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган ёшлиар учун зарурдир.

Шу мақсадда республикамизнинг 6 та йирик университетида 1995-96 ўкув йилидан бошлаб “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” курси синов тариқасида жорий этилган эди. Ўтган 3' йил бу тадбирнинг тўғрилигини кўрсатди. 1997-98 ўкув йилида бошқа олий ўкув юртларида ҳам бу курс ўқитила бошланди.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 1998-99 ўкув йилидан бошлаб республикамизнинг барча олий ўкув юртларида мазкур курсни ўқитишга қарор қилди.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” ва бошқа асарлари, маърузалари, нутқлари, мухбирларнинг саволларига берган жавоблари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари курсни ўрганишнинг асосий манбалари бўлиб, хизмат қилади.

Бу тадқиқотлар, шунингдек И. А. Каримовнинг кейинги нутқлари ҳар бир талабанинг, ўкувчининг энг

керакли ва ҳар доим асқотадиган асарлари бўлиши керак. Буларни чуқур ўзлаштирмай туриб мустақил Ўзбекистоннинг ҳақиқий фуқароси ва ватанпарвари, янги жамият қурилишининг фаол иштирокчиси бўлиш мумкин эмас.

Мазкур қулланма юқорида саналган китоблар ва тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилди ва ўтказилаётган ислоҳотларнинг механизмлари ва бош йўналишларини муайян тизим шаклида ўрганиш ва ўзлаштириш вазифаларига бўйсиндирildi.

Қўлланма беш бобдан иборат бўлиб, ҳар бири янги жамият қурилишининг бош муаммоларидан бирига бағишлиланган. Назарий масалалар баёни турли схема ва диаграммалар билан таъминланган, ҳар бир бобга оид кенг библиография-маълумотнома берилган.

Қўлланма мамлакатда кечаётган ўзгаришларнинг барча жараёнларини тўла қамраб олишни даъво қилмайди. Бир текис ривожланиб бораётган ислоҳотлар давлат ва ижтимоий ҳаёт гуллаб-яшнашига, бизнинг ёш давлатимизнинг ижтимоий-иктисодий ва маънавий тараққиётига муҳим янгиликларни мунтазам киритиб боради.

# I БОБ

## Ўзбекистон мустақил давлат

### 1. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон йўл тутиши

XXI аср бўсағасида дунёда мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Моҳият жиҳатдан тоталитар тузум бўлмиш социалистик дунё, зўравонликка асосланган коммунистик мафкура таназзулга учради. Дунёни ларзага солиб ташвишга солиб келган СССР парчаланиб кетди.

130 йилдан ортиқроқ даврда қарамлик азобини тортиб келган Ўзбекистон халқи давлат мустақиллигини қўлга киритди.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов халқ хоҳиш иродасини бажариб, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ишига бошчилик қилди. 1989 йил 21 октябрда Республика Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақида қонун қабул қилди. Бу мамлакатимизнинг мустақиллик сари бошлаган биринчи қадами бўлди.

Ўзбекистоннинг давлат тили ўзбек тилидир. Муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш Республика Давлат тилида юритилади.

**Ўзбекистоннинг Давлат тили ҳақидаги қонунидан.**

1990 йил 24 март куни Республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида Ўзбекистонда Президентлик лавозимини тавсия этиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Сессия «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунини қабул қилди.

Мазкур сессияда Ўзбекистон Президенти сайлови ўтказилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримов яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланди.

**Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон  
ССРнинг Президенти этиб сайлансан.  
Ўзбекистон Олий кенгаши қароридан**

Ўзбекистонда Президент лавозимининг таъсис этилиши, Ўзбекистон Президентининг сайланиши мамлакатимизнинг мустақиллик сари ташлаган дадил қадамларидан биридир. Бу узоқни кўзлаган ва оқилона қарор эди. Унинг қабул қилиниши ўша пайтдаги кучли иттифоқ маркази шароитида катта жасорат талаб қиласр эди. Бу мустақилликка тинч, демократик, парламент йўли билан, жамиятда тинчлик ва тотувликни сақлаш орқали эришиш йўлидаги интилиш эди.

И. А. Каримов Президентлик лавозимини бажаришга киришар экан, Ўзбекистон халқарига сидқидилдан хизмат қилишига тантанали ваъда берди. Шундан бери у ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракати, сўзи ва фикр-заковати билан бу олижаноб мақсадга оғишмай амал қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг иккинчи сессияси 1990 йил 20 июнь куни “Мустақиллик Декларацияси”ни қабул қилди.

### **Мустақиллик декларацияси**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий совети:

ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари,

ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш хуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи,

ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда,

Ўзбекистон халқарининг келажаги учун тарихий масъулиятни чукур ҳис этган ҳолда,

халқаро хуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб,

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қиласди.

1. Ўзбекистон ССРнинг давлат мустақиллиғи Ўзбекистон ССР демократик давлатининг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлизиз ва бу худуд ҳалқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон ССР да давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқлидир.

4. СССР Олий Совети қабул қиласдиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиqlанганидан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади.

5. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради.

6. Ўзбекистон ССР ҳалқаро ҳуқуқининг асосий принципларини тан олади ва ҳурмат қиласди.

7. Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.

8. Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадхия) ўзи таъсис этади.

9. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси мустақиллигини Автоном Республика Конституцияси таъмин этади. Ўзбекистон ССР унинг Асосий Конуни ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида Қорақалпоғистон АССР манфаатларини ҳимоя қиласди.

10. Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркибини ва қурилишини белгилайди.

11. Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдиради, Ўзбекистон ССРда яша-

ётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига қафолат беради.

12. Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиши учун асосодир.

### **Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинди.**

*Тошкент шаҳри, 1990 йил 20 июнь*

“Мустақиллик декларацияси”нинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлган қадами бўлди. Шундан эътиборан мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал этила бошланди.

Мустақиллик йўлидаги навбатдаги муҳим қадам ҳам оғир шароитга тўғри келди. Бу Иттифоқни сақлаб қолиш ҳақидаги масала бўйича 1991 йил 17 мартағи үтказилган референдумни СССР халқларига мажбуран юклатилган бир шароит эди, дейиш мумкин. Ана шундай шароитда, ўша вақтдаги иттифоқдош республикалар орасида фақат Ўзбекистондагина “Ўзбекистон янгилаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил, тенг ҳуқуқли республика бўлиб қолишига розимисиз?” деган савол киритилган иккинчи бюллетенъ бўйича ҳам овоз бериш бир вақтнинг ўзида амалга оширилди-ки, бундай таъриф биринчисининг мазмунини амалда йўқса чиқарди. Референдум якуни шуни кўрсатдик, 9.215.571 қиши ёки овоз беришда қатнашчиларнинг 93,9 фоизи Ўзбекистоннинг мустақил тенг ҳуқуқли Республика бўлишини ёқлаб овоз берди.

Булар ҳаммаси, давлат тұнтарапиши қилишга уриниб кўрган ГКЧП билан тезда орани очиқ қилиб олишда ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақилгини эълон қилишда ҳуқуқий асос бўлиб ҳизмат қилди.

## **2. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, унинг умумхалқ томонидан маъқулланиши**

«...истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги кенг уфқларини очди. Ўз кела-жагимизни ўз қулимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик».

*И. А. Каримов*

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон тарихининг янги даври бошланди. Мамлакат тақдирида жуда муҳим аҳамият касб этган бу кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси чақирилди. Сессияда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Президент И.А.Каримов маъруза қилди. Маърузачи Ўзбекистоннинг мустақиллиги тўғрисида қонун қабул қилишни таклиф этди.

Олий Кенгаш “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида” қарор қабул қилди. Сессияда “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти” қабул қилинди. Унда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат -- Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Сессия “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида” ги Қонунни тасдиқлади.

1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни — умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

Мамлакат тақдири ҳал бўлган бу тарихий ҳужжатларда халқнинг асрий орзулари мужассамланди: у ўз тақдирини ўзи ҳал қиласдиган бўлди, ўз еридаги барча табиий бойликларнинг, ота-боболари меҳнати билан яратилган бутун ишлаб чиқариш ва илмий-техник куч-қурдатнинг тўла ҳуқуқли эгасига айланди, ўз буюк тарихи ва маданиятининг муносиб вориси, буюк аждод-

ларининг ажойиб урф-одатлари ва инсонпарвар анъ-аналарининг давомчиси ўз порлоқ келажагининг мустақил ижодкори бўлди.

Ўзбекистоннинг бутун тарихи халқининг мустақиллик учун доимий ва тинимсиз интилишидан гувоҳлик беради. Миллий озодлик ҳаракатлари, XIX аср охирлари ва XX асрнинг 30-йилларигача бўлиб ўтган қўзғолонлар бунинг яққол кўринишлариридир.

Улар қандай аниқ тарихий сабаблар ва баҳоналар асосида келиб чиққан бўлмасин, қандай шиорлар остида ўтказилмасин, халқнинг барча ҳаракатлари асосида мустақиллик ва эркинликка интилиш мавжуд эди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви бутун халқлар ва замонларнинг объектив тарихий қонуниятларига мос келади. Маълумки, қадимги асрлардаёқ Европада ҳам, Осиёда ҳам буюк империялар жуда катта куч-кудратга эришдилар (масалан, Рим империяси). Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳар доим халқларнинг миллий-озодлик ва мустақиллик учун курашлари натижасида қулади.

Бу тарихий жараён XX асрда айниқса тезкор ва кенг қамровли хусусият касб этди. Миллий-озодлик ҳаракатлари зарбалари остида ўтмишдан қолган империялар парчаланди, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўпчилик халқлари эса ўз давлат мустақиллигига, истиқдол ва эркинликка эришдилар.

Шу маънода, ер куррасида сўнгги қўпмиллатли империалистик давлат бўлган СССРнинг парчаланиши, тарихий тараққиётнинг муқаррар ва қонуний натижаси бўлди.

Ўзбекистон Давлат мустақиллигининг, истиқдол ва эркинлигининг зълон қилиниши ҳам худди шундай, унинг бутун тарихий тараққиёти натижаларидан келиб чиқадиган объектив ва қонуний ҳодисадир.

Турли мамлакатларнинг тарихи халқларнинг ўз мустақиллари учун курашларини акс эттирувчи фожиавий саҳифаларга бой. Улкан жасорат, қаҳрамонлик, Ватан озодлиги учун ҳаётини қурбон қилишдек астойдил ватантарварлик ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам Ўзбекистоннинг ҳақиқий яхши фарзандлари учун хос бўлган хусусиятдир.

Республика халқи ва раҳбариятининг донишмандлиги, саботли ва қатъиятлилиги, узоқни кўра билиши натижасида унинг давлат мустақиллигига эришуви

**тинч.**

**демократик.**

**парламент йўли билан.**

## ижтимоий ларзаларсиз, құрбонлар ва вайронагарчиликсиз амалға оипли.

СССРнинг парчаланиши билан боғлиқ сиёсий шартшароитлар ҳамма жойда бир хил бўлишига қарамасдан сабиқ иттифоқдаги сабиқ республикаларнинг мустақилликка эришуви уларнинг ҳаммасида ҳам бир хил кечгани йўқ.

Янги ташкил топган бир қатор давлатларда бу ҳол жамиятнинг парчаланиб кетишига, можаролар ва тўқнашувларга олиб келди.

Ўзбекистон истиқлол йўлининг дастлабки, энг оғир ва хавфли қисмини изчил, осойишта ва ўзига ишонч билан босиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессияси 1991 йил 29 декабрь, якшанба куни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича референдум ўтказишига қарор қилди. Овоз бериш бюллетенига “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?” деган савол киритилди.

### **Марказий сайлов комиссияси протоколидан**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши эълон қилган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?» — деган масала бўйича умумхалқ референдумида овоз бериш рўйхатига киритилган фуқаролар умумий сонининг 94,1 фоизи қатнаши.

Республиканинг давлат мустақиллигини маъқуллаб 98,2 фоиз сайловчи овоз берди.

**«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги конунининг 26-молласига мувофиқ референдумнинг марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши эълон қилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан маъқулланганлигини эътироф этди».**

Сиёсий луғатларда ва маълумотномаларда  
**мустақиллик**

**суверенитет**

**эркинлик**

тушунчалари айнан ўхшаш, бир хилдаги тушунчалар сифатида талқин этилади. Ва булар, давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатини юргизишда, давлат

Курилишини, ҳокимият ва бошқарув тизимларини белгилашда ҳеч кимга тобе бўлмаган олий ҳуқуқقا эга эканлигини, ҳудуднинг дахлсизлигини ва унда жойлашган барча ишлаб чиқариш корхоналари, табиий бойликлар маданий қадриятлардан фойдаланиш ва тасарруф этишга ҳеч қандай чекланмаган эгалик ҳуқуқини билдиради.

Шундай бўлса ҳам, халқаро ва давлат ичкарисидаги сиёсий тажрибалар бу тушунчалардаги бир қадар изчил босқичма-босқичликни ва уларнинг муайян сиёсий-иктисодий белгилар ва аломатлар билан шартли боғланишини кўрсатишга асос беради.

### **“МУСТАҚИЛЛИК”, “СУВЕРЕНИТЕТ”, “ЭРКИНЛИК” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МАЪНОЛАРИ**

| Сиёсий жиҳатдан   | Иктиносидий жиҳатдан  | Халқаро жиҳатдан   |
|---|---|--|
| Ўзининг ижтимоий-сиёсий қурилишини белгилашда, ички ва ташқи сиёсатни юргазишида давлатнинг ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмаган ҳуқуки | Барча ишлаб чиқариш, илмий-техник куч-қудрат ва имкониятларга, табиий бойликларга тўла эгалик<br>*<br>Мустақил ижтимоий-иктисодий сиёсат юргизиш<br>* | Халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект, халқаро ташкилотларда, икки ва кўп томонлама давлатлараро муносабатларда тўла ҳуқуқли ваколатлилик<br>* |
| Конституция   | Миллий валюта. Жаҳон ва давлатлараро халқ ҳўжалиги алоқаларида иштирок этиш   | Жаҳон ҳамжамияти давлатлари томонидан тан олиниш<br>*  |
| Давлат бошлиғи  | Ўз кучлари билан мамлакат ва аҳолининг ҳаёт фаолиятини таъминлаш  | Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, бошқа халқаро ташкилотларга аъзолик<br>*  |
| Ҳокимият ва бошқарув идоралари тизими   | Мулкчилик шакллари ва муносабатларини қонунчилик йўли билан белгилаш  | Бошқа давлатлар билан дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши<br>*  |
| Давлат рамзлари—<br>Герб,<br>Байроқ,<br>Маддия  | Жаҳон бозорида икки ва кўп томонлама иктиносидий муносабатларда тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш  | Энг муҳим халқаро битимларга қўшилиш   |
| *<br>Давлат мукофотлари   | *   |  |

Айтилганлардан кўринадики, мустақилликни эълон қилиш — бир зумлик воқеа холос, аммо унинг амалда ташкил топиши, мустаҳкамланиши ва ривожланиши — мураккаб, кўпқиррали, масъулиятли, босқичма-босқичли жараён бўлиб, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан улкан масалаларни ҳал этиши билан боғлиқдир.

### 3. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилгач, бошқарувнинг демократик тизими шакллантирила бошланди. Президентлик Республика бошқаруви давлат бошқарувининг ўзагини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб ёши 35 дан кам ва 65 дан ортиқ бўлмаган, Давлат тилини яхши биладиган, сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси сайланishi мумкин. Ўзбекистон Президенти 5 йил муддатга сайланади, бир фуқаронинг ўзи кетма-кет икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Президенти бўлиши мумкин эмас.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонундан.*

1991 йил 29 декабрда демократик меъёр ва тартибларга мос равишда, умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида тарихда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муқобиллик асосида умумхалқ сайлови бўлиб ўтди.

Унда 9 млн. 900 минг 958 киши, ёки овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 94,2 фоизи иштирок этди.

Ислом Абдуллоевни  
Каримов номзоди учун 8 млн.  
NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI  
Ahborot-tesurs markazi  
17 Davlat  
Universitetin n.c  
1687

## **Ислом Абдуғаниевич Каримов<sup>\*</sup> Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ сайлаган биринчи Президенти бўлди**

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқандда туғилди. Ўрта Осиё Политехника ва Тошкент халқ хўжалиги институтларини битириб, мухандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга бўлди.

И.Каримовнинг меҳнат фаолияти Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошланди. Бу ерда у уста ёрдамчиси, уста-технолог бўлиб ишлади. Ҳаётининг салмоқли даври оғир самолётлар ишлаб чиқариш бўйича энг йирик корхона бўлган Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан боғлиқдир. Бу ерда И.Каримов мухандислик ва етакчи муҳандис-конструктор лавозимларида ишлади.

И.Каримов 1966 йилдан бошлаб ҳукумат идораларида ишлайди. Дастреб, Ўзбекистон Давлат режалаштириш қўмитасида у бўлим бош мутахассислигидан тортиб, то Давлат режалаштириш қўмитаси раисининг биринчи ўринbosарлигигача бўлган босқичларни босиб ўтди.

И.Каримов 1983 йилда Ўзбекистон молия вазири, 1986 йилда Министрлар Совети Раис ўринbosари ва айни пайтда Давлат режалаштириш қўмитаси раиси этиб тайинланди.

И.Каримов 1990 йил 24 марта Ўзбекистон Олий Совети сессиясида Республика Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди.

И.Каримов мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлаш бўйича қатъий ва изчил сиёsat юритиб келмоқда.

1991 йил 29 декабрида биринчи умумхалқ президентлик сайловида И.Каримов муқобиллик асосида яна халқ ваколатига сазовор бўлди — Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб сайланди. Сайловчиларнинг 86 фоизидан кўпроғи унинг учун овоз бердилар. 1995 йил март ойида ўтказилган умумхалқ референдуми Президентнинг ваколат муддатини 2000 йилгacha узайтирди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, кўплаб илмий асарлар муаллифи, академик, қатор хорижий университетларнинг фахрий доктори.

Президент И.Каримов оилали. Унинг рафиқаси — Татьяна Акбаровна — Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисод институтининг илмий ходими. Оиласида икки қизи ва набиралари бор.

1995 йил 26 марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласи бўйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтди.

Унда 11 млн. 245 028 киши, ёки овоз бериш хукуқига эга бўлган фуқароларнинг 99,3 фоизи иштирок этди.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришга Сиз розимисиз” деган саволга 11 млн. 199 минг 415 киши, ёки овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 фоизи ижобий жавоб берди.

Шундай қилиб, мамлакат фуқароларининг мутлоқ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ваколат муддатини 2000 йилгача узайтириш тўғрисида фикр билдирилар ва бу референдум ўтказиш бўйича Марказий комиссия қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг тегишли қарори билан мустаҳкамланди. Референдум натижалари Президентнинг ички ва ташқи сиёсатининг умумхалқ томонидан маъқулланиши ва қўллаб-куватланишидан, мамлакат барча аҳолисининг унга бўлган тўла ишончидан гувоҳлик беради.

Республика фуқаролари Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришувини, иқтисодий мустақиллигини, мамлакат хавфсизлигининг мустаҳкамланиши ва жаҳон ҳамжамиятида унинг обрў-эътиборининг ортиб боришини хақли равишда И.А.Каримов фаолияти билан боғлайдилар. Президентимизнинг тутган йўли ва жiddий нуқтаи назари туфайли Республика фуқароларининг хукуқлари уларнинг ижтимоий аҳволи ва миллатидан қатъий назар ҳимоя қилинадиган, барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик, қонунга оғишмай амал қилиш ишончли таъминланадиган демократик, хукуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил олға қараб бормоқда.

Танланган мустақил йўл туфайли республика бозор муносабатлари сари изчил илгарилаб бормоқда. Кўпукладли иқтисодиёт ва бозор муносабатларига

ўтиш Ўзбекистонда МДҲ даги қўплаб бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ ишлаб чиқаришнинг ўпирлиш ва инқирозларисиз, айтайлик мамлакат ҳаётини таъминлайдиган асосий йўналишларда — ёнилғи-энергетика ва озиқ-овқат билан ўз-ўзини таъминлаш каби соҳаларда ижобий силжишлар сезилмоқда. Халқ хўжалигини жиддий равишда қайта қуриш амалга оширилмоқда, ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқалар ривожланмоқда.

Республикада кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилиб, кексалар ва ногиронлар, қўпболали оналар ва ёшлар ҳақида ғамхўрлик, ўтиш давридаги оғир шароитларда шаҳарни ободонлаштириш, қишлоқни газ ва сув билан таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш бўйича қилинаётган тадбирлар халқда қизғин хайриҳоҳлик уйғотяпди.

Маънавий-руҳий тикланиш, миллий анъаналарни қайтариш, кишиларнинг диний эътиқод ва туйғуларига хурмат билан тутилган йўл аҳоли томонидан мутлоқ қўллаб-кувватланмоқда.

Республика фуқаролари янги аср бошида Ўзбекистон тараққиётининг истиқболлари И.А.Каримов тадқиқотларида очиб борилишини қизғин табриклайдилар ва яқдиллик билан қўллаб-кувватлайдилар.

#### **4. Мустақиллик — халқнинг олий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий бойлиги**

«Огоҳ бўлинг одамлар!» — деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувлиқни асранг».

*Ислом Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...», 10-бет.*

**Мустақиллик нима?**

Президент И. А. Каримовнинг қуйидаги сўzlари бу саволга тўла жавоб беради.

“Биз учун мустақиллик — энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимиизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни саклашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат меҳру оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, ҳалқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқдол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтаратидиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва баҳтини куришдир. Ҳар бир фуқаромиз учун - миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъий назар - эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Биз учун истиқдол — давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимизнинг пойdevорини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир”.\*

Республика бойликлари ва имкониятларини мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва тараққети, ҳалқ ободончилиги, ҳалқаро доираларда тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш мақсадларида фойдаланиш имкони фақат мустақиллик, суверенлик, эркинлик туфайлигина амалга ошиши мумкин.

Яқин ўтмишда Республиkanинг тобелик, қарамлик, ҳолати унга ўз ерининг бойликлари ва ўз меҳнатининг натижаларини мустақил тасарруф этишга ҳуқуқ бермас эди.

Олтин ва уран, бошқа қимматбаҳо ва ноёб металл конлари, саноат корхоналари умумиттифоқ мулки деб эълон қилинди, маҳсулотлар иттифоқ тасарруфида ишлаб чиқарилди ва ҳеч қандай ҳисоб-китобсиз, бепул республикадан олиб чиқиб кетилди ва ўша пайтда ёзган-

\* Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. т.2 Т.: Ўзбекистон, 1996, 283-284-бетлар

ларидек, “оқсоч Урал мартен ва домналарида” ёқилди. Россиянинг марказий туманларига тарқатилди. Ернинг саҳоватини ўзида мужассам этган, республика аҳолисининг пешона тери эвазига, оғир меҳнат билан етиширилган Ўзбекистон пахтаси ҳам ҳақи тұланмай, деярли бепул мамлакат ташқарисига олиб чиқиб кетилди, бошқа “социалистик ҳамдүстлик” мамлакатларига берилди, уни парвариш этган эгаларига ҳеч қандай даромад келтирмади. Ҳатто республикада етиширилган хом ашёга ишлайдиган енгил саноат ҳам иттифоқ-республика тасарруфида деб ҳисобланар эди. Қайси ерда ва кимнинг меҳнати билан етиширилган бұлса үшаники булиши керак бұлган мева-сабзавот ҳам тенгсиз улушда булиніб, мажбурий равища давлатта топширилар вә четта олиб кетилар эди. Марказий Россия туманларига, Сибирь ва Шимолга амалда текинга юборилар эди.

“Умумиттифоқ меҳнат тақсими”, “СССРнинг ягона халқ хұжалик мажмуи” каби атамалар амалда ҳар бир миллий республикани Марказга хом ашё етишириб берувчи думга айлантириб құяр эди. Бунинг натижасыда Ўзбекистон иқтисоди фақат бир томонға қараб үсіб кетген, суный мажбурияттар ҳисобига республика халқ хұжалигининг табиий үсиши құпол равища бузилган, номутаносиблиқ ҳукм сурар эди.

Республикада етиширилган пахта толаси асосан Россия Федерациясининг марказий туманларида қайта ишланар эди. Ўзбекистонга эса аҳоли әхтиёжи учун зарур молларнинг ярмидан күпи, шу жумладан Ўзбекистон пахтасидан қилинған газлама ва тикувчилик маҳсулотлари ҳам четдан олиб келинар эди.

Республиканинг экологик жиҳатдан энг нозик воҳаларида кимёвий корхоналар жойлаштирилди, уларда ишлаб чиқарылган нитрон ва капролактам маҳсулотлари эса ташқарыда охирги ишлов берилиб, тайёрланиб сотилди.

Шунинг учун ҳам собиқ СССРда Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси энг паст бұлғанлиги, ижтимоий тармоқда — уй-жой, газ, сув билан таъминлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ҳам бежиз эмасди.

Иқтисодий зулм сиёсий ҳуқуқсизлик билан мустаҳкамланди. Республика Конституцияси ва қонунлари шунчаки хўжакўрсинга мавжуд эди, амалда иттифоқ қонунчилигини такрорлар ва ҳеч қандай юридик

кучга эга эмас эди. Республикадаги барча раҳбарлик лавозимлари КПСС МКнинг ҳисобида туарди ва аксарият Ўзбекистон манфаатлари ва эҳтиёжлари унга бегона бўлган гумашталар билан тез-тез алмаштириларди.

Ўзбекистон халқаро ҳукуқнинг мустақил субъекти мақомига эга эмас эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо ҳам эмасди.

Халқдан унинг ҳақиқий тарихи, ўтмиш аждодлар томонидан яратилган бой маънавий қадрияtlари яшириб келинар ва рад этилар эди, миллий анъаналар ва урф-одатлар таг-томири билан йўқ этилар, виждон эркинлиги ва эътиқод оёқ ости қилинарди.

Фақат мустақилликни қўлга киритиш туфайлигина Ўзбекистон:

- давлат ва жамият қурилишининг сиёсий тизими-ни мустақил белгилаш, демократик йўл билан сайланган органлар орқали ўз ҳукмини ўтказиш;

- бутун ишлаб чиқариш ва илмий-техник имкониятлардан, табиий ва хом ашё маҳсулотларидан ўз манфаатлари мақсадларида фойдаланиш, уларга тўла эгалик қилиш;

- тараққиёт йўлини жаҳон тажрибалари ва халқнинг тарихий анъаналаридан, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб мустақил танлаш;

- қадим аждодлардан қолган маънавий қадрияларни ва бутун тарихни қайта тиклаш ва умумхалқ мулкига айлантириш;

- халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш, нуфузли халқаро ташкилотларга тенг ҳукуқли аъзо бўлиб кириш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро фойдали шартнома ва битимлар тузиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакат ва халқнинг мустақилликка эришгунгача ва ундан кейинги аҳволини жадвал орқали тасаввур этиб кўрилса, қуйидаги манзара кўзга ташланади:

| Қарамлик   | Мустақіллік   |
|--|---|
| <b>Сиёсий соҳада</b>   |   |
| Мамлакатнинг, халқнинг сиёсий жиҳатдан мутелиги  | Халқнинг ўз тақдирини ўз құлига олиши, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилаши  |
| Халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилай олмаслиги | Миллий давлатчиликнинг тикланиши, демократик ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши, мустақил ички сиёсат юритилиши           |
| Миллий давлатчиликнинг инкор этилиши. Марказий ҳокимиятга бўйсуниши                                    | Халқ давлат ҳокимиятининг манбай эканлиги, жамият ва давлат ҳаёти масалаларини халқ муҳокамасига, референдумга қўйилиши |
| Ўлканинг бошқа ҳукмрон мамлакатнинг таркибий қисмига айлантирилиши                                     | Давлат бошлигининг халқ томонидан эркин сайлаб қўйиши. Конун чиқарувчи ҳокимиятнинг халқ томонидан сайлаб қўйиши        |
| Ҳокимият органлари ва бошқарув идора органларининг марказий ҳокимиятга тобелити                        | Мамлакатнинг бутун ҳудудида тұла давлат ҳокимиятининг ўрнатилғанлиги. Мустақил давлат ҳокимиятининг мавжудлиги          |
| Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда марказий ҳокимиятнинг ҳукмронлиги                               | Ўз давлат қурилиши, маъмурний-худудий тузилишини мустақил ўзи белгилаши   |
| Халқ томонидан сайлаб қўйиладиган давлат бошлигининг йўқлиги   | Ягона ҳудуднинг мавжудлиги, худудий бутунлик, чегаралар даҳлсизлиги   |
|  | Давлатнинг сиёсий маркази, пойтахтининг мавжудлиги, Олий давлат ҳокимияти органларининг пойтахтда жойлашганлиги         |

## Иқтисодий соҳада

Ўз табиий бойликларига, ер-  
сув, ўрмон ва бошқа ресурсларига ўзи эгалик қилолмаслиги, иқтисодиётнинг эркин эмаслиги, қарамлиги

Ўз ҳудудида қурилган ва  
фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг марказга буйсуниши, марказ манфаатининг  
устунлиги

Иқтисодий тараққиёт йўлини ўзи белгилай олмаслик, ўз ихтиёри билан корхона  
куролмаслик

Иқтисодий сиёsat ишлаб чиқиши ва амалга оширишнинг марказий ҳокимият тасарруфига олиниши, хом ашё базасига айлантирилиши

Ўз ҳудудида қанча маҳсулот ишлаб чиқараётгани ва қаерларда қанча қийматта реализация қилинаётганлигидан бехабарлик

Халқнинг ўз меҳнати самарасидан баҳраманд эмаслиги

Молия-кредит, банк сиёsatини юритишида қарамлик

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий захираларга тўла эгалик қилиниши

Ўз иқтисодий тараққиёт йўлини ўзи белгилаш эркинлиги. Иқтисодиётнинг бошқа мамлакат иқтисодига қарам бўлмаслиги

Мустақил ижтимоий-иктисодий сиёsat юргизиш. Ижобий (мусбат) ташқи савдо балансига эга бўлиши

Ўз ҳудудидаги турли хил мулк шаклларига қонуний йўл билан эгалик қилиши

Давлатнинг давлат бюджети, ўз пул бирлиги — миллий валютасининг, олтин захираси ва валюта жамғармасининг мавжудлиги

Мамлакатда мустақил молия-кредит, банк сиёsatини юритиши, мустақил солиқ ва банк сиёsatининг мавжудлиги

Ўз иқтисодий кучлари, озиқ-овқат, истеъмол моллари билан мамлакат ва ахолининг ҳаёт фаолиятини таъминлай олиши

Ўзининг миллий валютаси-  
га эга эмаслиги, валюта  
жамғармасининг йўқлиги

Ҳар бир инсон, ҳар бир ои-  
ла учун муносиб ҳаёт қуриш.

## Маданий-маънавий соҳада

Миллий қадриятлар, урф-  
одатларнинг оёқ ости қи-  
линиши

Маънавий меросга бепи-  
сандлик, эътиборсизлик

Она тилининг қадрсизлани-  
ши, унинг оиласвий-мулоқот  
тили даражасида қолдириш-  
га интилиш

Халқимиз, мамлакатимиз  
тарихининг унутилиши,  
сохталашибтирилиши. Син-  
фийлик ва партиявийлик  
методологияси асосида бу-  
зуб ёритилиши

Аждодларимиз етиштирган  
алломаларимизга идеалист  
деган ёриқнинг ёпиштири-  
лиши ва унинг салбий оқи-  
батлари

Ислом дини қадриятлари,  
мусулмонлар эътиқодлари-  
нинг оёқ ости қилиниши

Жадидлар, истиқолчилар  
ҳаракатининг зўравонларча  
бостирилиши

Фуқаролар устидан тотали-

Ўзлигимизни англаш, мил-  
лий қадриятларни, урф-  
одатларни тиклаш

Миллий ифтихор, миллий  
фурурни юксалтириш

Аждодларимиз қолдириган  
маънавий меросни эъзоз-  
лаш, унга содиқлик, ривож-  
лантириш

Она тилининг давлат тили  
мақомида жамиятда муно-  
сиб ўрин тутиши

Ватан тарихининг холисона  
ёритилиши ва уни ўқитиш  
ва ўрганишнинг йўлга  
қўйилганлиги

Халқимиз орасидан етишиб  
чиқсан олимлар, мутафак-  
кирлар, истиқолчиларга  
хурмат эҳтиромнинг тикла-  
ниши ва улар хотирасининг  
абадийлашибтирилиши

Диний қадриятлар ислом  
маънавиятининг тиклани-  
ши, инсонлар диний эъти-  
қодининг эътироф этилиши  
ва хурмат қилиниши.

Коммунистик мафкура

тар назоратнинг ўрнатилиши. Сиёсий қатағонликнинг хукмронлиги хукмронлигига чек қўйилиши. Миллӣй истиқлол мафқурасининг ишлаб чиқилиши, умумхалқ томонидан эътироф этилиши

Коммунистик мафкура хукмронлиги

Соғлом авлод, баркамол ўғил-қизларни тарбиялаш

### Халқаро соҳада

Халқаро муносабатлар соҳасида жаҳон ҳамжамиятидан ажралиб қолиш

Халқаро майдонда мустақил давлат сифатида тан олиниши. Мустақил ташқи сиёсат юритиш

Халқаро доираларда ҳуқуқсизлик

Халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти

Халқаро ташкилотларда ваколатларнинг йўқлиги

Халқаро ҳамжамиятнинг, халқаро ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси. Жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш

Мустақил ташқи сиёсат юрита олмаслик

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан дипломатик, иқтисодий, маданий ҳамкорлик тўғрисида шартнома ва битимлар тузиш

Хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқаларнинг, шартнома ва битимларнинг йўқлиги

Ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан шартнома ва битимлар орқали боғланиш ва ҳамкорлик

Мустақиллик ижтимоий тараққиётнинг янги, аниқ истиқболларини очиб беради. Амалга ошмайдиган, хаёлий “коммунистик жаннат” ўрнига мамлакатнинг буюк келажаги сари ҳаракат қиласидиган аниқ ва реал асосланган йўл, халқа муносиб турмуш шароитни яратади.

Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва эркинлигини эъзозлайди, халқаро муносабатлар масалаларига зийраклик ва талабчанлик билан ёндашади, миллатдан юқори турадиган ҳар қандай бирлашма ва иттифоқлар тузишнинг мақсаддага мувофиқ эмаслигини

таъкидлайди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг аъзоси сифатида у бундан бошқа давлатлараро бирлашмаларнинг ташкил этилишига, хоҳ у Евроосиё иттифоқи бўлсин, хоҳ конфедерация ёки федерация бўлсин, бунда собиқ империя тузумини бошқа қиёфада қайта тиклашга ўтишни кўради ва қатъий қаршилик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Корақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, вилоят, шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган қўшма қарорида Россия Федерацияси Давлат думасининг Беловеж битимини бир томонлама бекор қилиш тұғрисидаги қарорига ва собиқ ўшро ҳудудидаги давлатлараро муносабатларнинг айрим жараёнларига салбий баҳо берилди. Ўз кучига ва имкониятларига, тарих тажрибаси ва халқнинг ўзига хос ҳусусиятларига таянган ҳолда мустақил тараққиёт йўлидан оғишмай бориш, бошқа мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг халқаро ташкilotлари билан тенг ҳукуқли ҳамкорлик қилиш тъкидланди.

## 5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики, мустақил демократик ҳукуқий давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишининг асосий шарти давлат ва жамиятнинг сиёсий қурилиш тизимини белгилайдиган, фуқароларнинг эркинликлари ва ҳукуқларини ҳимоя қиласидиган, халқнинг муайян тарихий тажрибаси ва қабул қилинган халқаро меъёрларга жавоб берадиган Конституциясининг мавжудлигидир.

Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқиши тоғаси “Мустақиллик Декларацияси”нинг қабул қилиниши муносабати билан илгари сурилган эди. Олий Кенгашнинг иккинчи сессияси (1990 йил июнь) Президент Ислом Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузди.

Конституциявий комиссия деярли 2,5 йил давомида Конституция лойиҳасини тайёрлаш устида ишлади. Аждодларимизнинг давлатчилик қурилиши, уни мустаҳкамлаш йўлидаги тоғ ва фикрлари, халқаро ҳукуқий ва сиёсий тафаккур, жаҳондаги етакчи давлатларнинг Конституциявийлик тажрибаси асосида Ўзбекистон Конституцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Конституция лойиҳаси 1992 йил сентябрда матбуотда эълон қилинди ва З ой давомида умумхалқ муҳокамасида бўлди. Халқ томонидан 6 мингдан ортиқ тақлиф ва муроҷазалар билдирилди.

Республика Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 1992 йил 8 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида” қонунни қабул қилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни деб эълон қилинсин.

8 декабрь дам олиш куни ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисидаги қонундан.

## **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари**

- \* Давлат суверенитети
- \* Халқ ҳокимиятчилиги
- \* Фуқаро (инсон) эркинликлари ва ҳукуқларининг дахлсиз ва устуворлиги
- \* Демократизм
- \* Давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги
- \* Конунийлик
- \* Конституциянинг устунлиги
- \* Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши
- \* Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш
- \* Суд (идоралари) тузилиши ва судлов

## **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши**

(Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги Қонуни) “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида”

# **КИРИШ**

## **Биринчи бўлим**

### **Асосий принциплари**

- I. Давлат суверенитети
- II. Ҳалқ ҳокимиятчилиги
- III. Конституция ва қонуннинг устунлиги
- IV. Ташқи сиёsat

### **Иккинчи бўлим**

- Инсон ва фуқароларнинг асосий хуқуқлари ва бурчлари
- V. Умумий қоидалар
- VI. Фуқаролик
- VII. Шахсий хуқуқ ва эркинликлари
- VIII. Сиёсий хуқуқлар
- IX. Иқтисодий ва ижтимоий хуқуқлар
- X. Инсон хуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари
- XI. Фуқароларнинг бурчлари

### **Тўртинчи бўлим**

- Маъмурий-худудий ва давлат тузилиши
- XVI. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши
- XVII. Қорақалпоғистон Республикаси

### **Учинчи бўлим**

- Жамият ва шахс
- XII. Жамиятнинг иқтисодий асослари
- XIII. Жамоат бирлашмалари
- XIV. Оила
- XV. Оммавий ахборот воситалари

### **Бешинчи бўлим**

- Давлат ҳокимиятини тузиш
- XVIII. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
- XIX. Ўзбекистон Республикасининг Президенти
- XX. Вазирлар Маҳкамаси
- XXI. Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари
- XXII. Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти
- XXIII. Сайлов тизими
- XXIV. Прокуратура
- XXV. Молия ва кредит
- XXVI. Мудофаа ва хавфсизлик

### **Олтинчи бўлим**

- Конституцияга ўзгартериш киритиш тартиби

## **6. Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ва мукофотлари**

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари — Байроғи, Герби ва Мадҳиясига эга.

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 5-модда*

### **Давлат байроғи**

“Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида” қонун 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рамзи мамлакатимиз худудида илгари мавжуд бўлган фоят қудратли салтанатлар байроқларига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республика табиатига хос хусусиятларни, ҳалқимизнинг миллий ва маданий ўзлигини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги ҳаворанг — зангори осмон ва мусаффо сув рамзиdir. Мовий — ложувард — ҳаворанг Шарқда азалдан қадрланади, вақтида буюк Амир Темур ҳам ўз байроғига бу рангни танлаган.

Оқ ранг — тинчлик ва поклик тимсолидир. Ёш мустақил давлат ўз йўлида баланд довонлардан ошиб ўтиши керак. Байроғимиздаги оқ ранг йўлимизнинг мусаффо ва чароғон бўлиши учун яхши ният рамзиdir.

Қизил йўллар — бу ҳар бир тирик жоннинг қон томирида уриб турган ҳаётй куч, ҳаёт рамзиdir.

Яшил ранг — сернеъмат ва оромбахш табиат тимсоли. Ҳозирги вақтда бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракатлари кенг ёйилмоқда; унинг рамзи ҳам яшил рангdir.

Яримой — Ўзбекистон ҳалқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. Яримой ва юлдузлар — мусаффо осмоннинг ва тинчликнинг рамзларидир.

Байроғимизда 12 юлдуз тасвири бор. 12 рақами қадимдан буён мукаммалик тимсоли ҳисобланади.

Давлат байроғи - бизнинг ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва келажагимиз рамзиdir.

## **Давлат герби**

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тұғрисида” қонун 1992 йил 2 июля Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида қабул қилинди.

Гербнинг марказида тасвиirlанган — қанотларини көңг ёзиб турған Хумо қуши — баҳт-саодат ва эркес-варлик рамзидир. Буюқ бобокалонимиз Алишер Навоий Хумо қушини барча тирик мавжудотлар ичидә әңг саховатлisisи деб таърифлаган.

Гербнинг юқори қисмida республикамизнинг событва барқарорлигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвиirlанган. Унинг ичидә яримой ва беш қиррали юлдуз ифодаланган.

Күёш тасвири — давлатимизнинг йұли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган яхши ният тимсоли. Айни пайтда у Республикализнинг ноёб табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб туради.

Бошоқлар — ризқ-рўзимиз бўлмиш фалланинг тимсоли, оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвиirlанган фўза шохлари — серқёш юртимизнинг донфини бутун дунёга таратган асосий бойлигимиз рамзидир. Буғдой бошоқлари ва пахта чаноқларининг давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилганлиги — бу республикада яшаётган халқлар яқдиллигининг тимсолидир.

Герб рангли тасвиирда бўлиб, Хумо қуши қумуш рангда; қуёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва “Ўзбекистон” деган ёзув тилла рангда; фўза шохлари ва барглари, вёдийлар яшил рангда; тоғлар ҳаворангда; чаноқдаги пахта, дарёлар, яримой ва юлдуз оқ рангда; Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвиirlанган лента тўрт хил рангда берилган.

## **Давлат мадҳияси**

“Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тұғрисида” қонун 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида қабул қилинди.

Шоир Абдулла Орипов ва бастакор Мутал Бурхонов томонидан таклиф этилган вариант тасдиқланди.

Давлат мадҳияси, давлат мустақиллигининг тимсо-

ли бўлиб, у Ўзбекистон фуқаросида ватанпарварлик туйгуларини уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси жамоатчилик олдида ижро этилганида иштирокчилар уни тик туриб эркаклар бош кийимларини ечиб ёки унга қулини “честь” қилиб туриб эшитадилар.

## Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси

Абдулла Орипов  
*сўзи*

Мутал Бурхонов  
*мусиқаси*

Серкуёш, ҳур ўлкам, элга баҳт, нажот  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

### Нақорат

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон  
Оlamни маҳлиёй айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,  
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!  
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,  
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл озод!

### Нақорат

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,  
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!  
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оlamни маҳлиёй айлаган диёр!

## Давлат мукофотлари

1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан биринчи орден — биринчи ва иккинчи даражали “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди.

1994 йил 5 майда қуийлагилар таъсис этилди:  
— “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва “Олтин юлдуз” медали;

- “Мустақиллик” ордени;
- “Дұстлик” ордени;
- “Жасорат” медали;
- “Шұхрат” медали.

1995 йил 30 августда қуидагилар таъсис этилди:

- “Меңнат шұхрати” ордени.
- Биринчи ва иккінчи даражали “Шон-шараф” ордени.

1996 йил 26 апрелда таъсис этилди:

- “Амир Темур” ордени.
- “Буюк хизматлари учун” ордени.

1998 йил 28 августда таъсис этилди:

- “Эл-юрт ҳұрмати” ордени.

## **Ўзбекистон Республикасининг фахрий увонлари**

“Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”

“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”

“Ўзбекистон ифтихори”

“Ўзбекистон Республикаси ҳалқ артисти”

“Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ёзувчisi”

“Ўзбекистон Республикаси ҳалқ рассоми”

“Ўзбекистон Республикаси ҳалқ шоири”

“Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ўқитувчisi”

“Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ҳофизи”

“Ўзбекистон Республикаси ҳалқ устаси”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат күрсатған алоқа ходими”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат күрсатған артист”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат күрсатған журналист”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат күрсатған ирригатор”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат күрсатған ихтирочи ва рационализатор”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат күрсатған қишлоқ ҳұжалик ходими”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат күрсатған фуқаро авиацияси ходими”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат ходими”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчичи”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳалқтаълими ходими”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган аҳолига хизмат қилиш соҳаси ходими”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор”

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист”

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июнда қабул қилинган “Байрам кунлари ҳақида”ги қонунга ва 1995 йил 21 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексининг 137-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги кунлар байрамлар дам олиш кунлари деб белгиланди.

1 январ — Янги йил

8 март — Ҳалқаро хотин-қизлар куни

21 март — Наврӯз байрами

9 май — Фалаба куни

1 сентябрь — Мустақиллик куни

8 декабрь — Конституция куни

Рўза ҳайити (Ийд ал Фитр) — диний байрамининг биринчи куни

Курбон ҳайити (Ийд ал Адҳа) — диний байрамининг биринчи куни

## **7. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши. Мустақилликнинг шартшароитлари**

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий давлат ва маъмурий-худудий тузилишини... белгилайди... Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.


*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 3-модда*

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёдаги йирик сувйуллари бўлган Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган. Мамлакат ҳудуди 447,4 минг квадрат километрни ташкил қиласди. Бу Буюк Британия, Белгия, Дания, Австрия ва Швейцария ҳудудларини қўшиб ҳисобланганда улардан кўпдир.

Ўрта Осиё минтақасида муҳим ўрин тутган Ўзбекистон қадимда ҳам, ҳозир ва келажакда ҳам шарқ ва гарб, шимол ва жануб орасидаги алоқаларни бир-бири билан боғловчи мамлакатdir.

Мамлакат ноёб табиий-иклим шароитларига, табиий бойликларга, меҳнат ва илмий-техник имкониятларга эга.

### **Ўзбекистон Республикаси**



| Вилоятлар                    | Туманлар |              |            | Шаҳарлар |                                 |                      | Шаҳарчалар | Киплодж (овул)лар |
|------------------------------|----------|--------------|------------|----------|---------------------------------|----------------------|------------|-------------------|
|                              | Жами     | Киплодж тум. | Шаҳар тум. | Жами     | Республика вилоят тасарруфидаги | Туман тасар-руфидаги |            |                   |
| Андижон                      | 14       | 14           | —          | 11       | 5                               | 6                    | 5          | 96                |
| Бухоро                       | 13       | 11           | 2          | 11       | 3                               | 8                    | 2          | 107               |
| Жиззах                       | 11       | 11           | —          | 7        | 2                               | 5                    | 8          | 96                |
| Навоий                       | 8        | 8            | —          | 7        | 3                               | 4                    | 7          | 53                |
| Наманган                     | 12       | 11           | 1          | 8        | 6                               | 2                    | 12         | 99                |
| Самарқанд                    | 19       | 16           | 3          | 11       | 4                               | 7                    | 12         | 125               |
| Сирдарё                      | 9        | 9            | —          | 5        | 5                               | —                    | 6          | 75                |
| Сурхондарё                   | 14       | 14           | —          | 8        | 2                               | 6                    | 7          | 114               |
| Тошкент                      | 15       | 15           | —          | 16       | 7                               | 9                    | 18         | 146               |
| Фарғона                      | 16       | 15           | 1          | 9        | 5                               | 4                    | 10         | 164               |
| Хоразм                       | 10       | 10           | —          | 3        | 3                               | —                    | 7          | 100               |
| Қашқадарё                    | 14       | 14           | —          | 12       | 2                               | 10                   | 4          | 142               |
| Тошкент шаҳри                | 11       | —            | 11         | 1        | 1                               | —                    | 1          | —                 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 15       | 15           | —          | 12       | 7                               | 5                    | 16         | 112               |
| Жами                         | 181      | 163          | 18         | 121      | 55                              | 66                   | 115        | 1428              |

Ўзбекистон давлат мустақиллиги, суверенитет ва эркинлик учун зарур бўлган тарихий, сиёсий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий шарт-шароитларнинг ҳаммасига эга мамлакатdir.

## **Марказий Осиёning дунё маданиятида мислсиз катта мавқе ва ўрни:**

— Ўзбекистон — Осиё ва Европа халқлари ва мамлакатлари ўзаро алоқалари ва ҳамкорлигининг инсоният тарихида энг қадимги ва биринчи савдо йўли - Буюк Ипак йўлининг марказий таянч нуқталаридан бири;

— бу ерда куч қудрат ва тараққиётда жуда юксак даражаларга эришган буюк давлатлар бўлган, масалан Амир Темур даврида. Инсоният маданияти тарихида унинг тутган буюк ўрни дунё миқёсида тан олинди. 1996 йилда БМТ қарорига мувофиқ Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланди;

— ўзбек халқининг Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб шонли фарзандларисиз тасаввур қилиб бўлмайдиган умумбашарий маданиятни бойитган олиймақом маданият, фан, фалсафа ва санъат бешиги;

Ўзбекистон, мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қоплабгина қолмай, шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятида ҳам фахрли ўринни эгаллай оладиган барча имкониятларга — жуда бой ишлаб чиқариш, илмий-техник ва табиий-икълим, хом ашё маҳсулотларига, меҳнат ва ақлий имкониятларга эга.

## **Айрим рақамлар ва далиллар:**

Тупроқ-икълим шароити, йилига қўёшли 3000 соат бир йилда уч марта ҳосил олиш имконини беради. Ўзбекистон жаҳон бозорида ҳаридоргир бўлган 1,4 млн., тонна пахта толаси ишлаб чиқаради. 5 млн. тонна ширин-шакар мева ва сабзавот, кўплаб пилла, қоракўл териси ва бошқа маҳсулотлар етишириади. Лалмикор ва суфориладиган ерлардан самарали фойдаланиш эвазига мамлакатнинг галла мустақиллиги таъминланмоқда.

Республикада 900 ер ости конлари аниқланган; уларда 95 турдаги қимматбаҳо минерал хом ашёлар мужассам; хорижий мутахассисларнинг текшириш натижаларига кўра умумий минерал хом ашё потенциал 3,3 триллион АҚШ долларига баҳоланади.

Олтин захиралари бўйича Ўзбекистон дунёда тўртинчи ўринда туради. Республикада кумуш, уран, мис, молибден, рух, вольфром, литий ва бошқа қимматбаҳо ва нодир маҳсулотларнинг ноёб конлари мавжуд.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ноёб гранит ва мармар конлари мавжуд; коалин, шпат, кварц, бентонит лойи, боксит, фосфат ва бошқа қимматбаҳо табиий материалларнинг жуда катта захиралари бор.

Республика қудратли ва айрим ҳолларда жуда ноёб саноат корхоналари — металургия, радиотехника ва радиоэлектроника, кимё, машинасозлик, авиасозлик, енгил саноат ва бошқа муҳим соҳаларга оид корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон темир йўл — 6,7 минг км., автомобил йўуллари — 80 минг км. — тармоқлари кенг ривожланган; у жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари билан ҳаво йўуллари орқали замонавий телекоммуникациялар, шу жумладан ер йўлдошлари орқали боғланган.

Республика деярли чекланмаган меҳнат ресурсларига эга. Аҳоли сони 24 млн. киши, ўртacha ёши 24 йил. Аҳолининг деярли ярми ёшлар. Ҳар тўрт ходимдан биттаси олий ва ўрта маҳсус маълумотга эга бўлиб, бу кўрсаткич жаҳон миқёсига мос келади.

58 олий ўқув юртида, жумладан 16 университетда 192 минг талаба ўқийди. 258 ўрта маҳсус билим юртлари, шундан 75 коллежларда 195 минг киши таҳсил кўради. 5 млн.дан кўпроқ болалар 9,3 минг мактабларда таълим олмоқдалар.

Ўзбекистон — юқори илмий имкониятларга эга мамлакат. Миллий академияда 40 институт, илмий марказ ва тажрибахоналар бор. Ўсимликлар моддаси кимёси, ядро физикаси, геология ва фаннинг бошқа фундаментал йўналишлари бўйича бизнинг олимларимизнинг тадқиқотлари жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан кенг тан олинган.

Ўзбекистон халқи ўзи учун қайта тиклаётган ва жаҳонга қайтараётган асосий бойликларидан бири — бу буюк аждодларининг бой ва бебаҳо маданий-маънавий меросидир. Ўзбек олимлари, мутафаккирлари, ёзувчилари илоҳиёт тараққиётига жуда катта ҳисса бўлиб кўшилди. Улар инсонпарварлик, сабр-тоқат, яхши қушничилик руҳи билан сугорилган бўлиб, асрлар ва минг йилликлар туташган паллада ер куррасининг кўплаб қитъаларини қуршаб олган экстремизм, террорчилик, ихтилоф кабиларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этишга қаратилган.

Ўзбекистон табиати сахий, ранг-баранг ва бой; унинг худудида жойлашган қадимги маданиятнинг ноёб ёдгорликлари сони 4 мингдан ортиқ. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Кўкон, Термиз халқаро саёҳатлар марказлари

сифатида бутун дунёда машхур. Республикаизни ҳар йили 4 млн. сайёҳ келиб кўради. 1997 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди.

## 8. Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли

Мустақиллик, суверенлик ва эркинликка эришилиши муносабати билан республика олдида келажакда қайси йўлда ва қандай ривожланиш керак деган оғир ва қийин саволлар кўндаланг бўлиб турди.

Биринчи савол бўйича унчалик жиддий шубҳа туғилгани йўқ: жаҳон тажрибалари, халқнинг ўз тарихи шуни аниқ кўрсатадики, ижтимоий миллий тараққиётнинг бош йўналишлари:

- демократия ва қонунийлик;
- мулкчилик шаклларининг ранг-баранглиги ва бозор муносабатлари;
- юксак маънавият ва маданият кишиларни ўз тарихига, халқнинг маънавий мероси ва анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш, жаҳон маданияти ютуқларини эгаллаш;
- халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш;

Бироқ белгиланган мақсадларга қандай қилиб эришиш керак?

Инкилобий силтov, сакраш орқалими ёки мавжуд аҳвол ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда тадрижий, босқичма-босқичли ўзгаришлар йўли — эволюцион йўл биланми?

Турли мамлакатлар ва халқлар тарихида бу икки вариант бир неча бор синовлардан ўтган. Бир томондан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси, шунингдек Ўрта Осиё минтақасининг буюк ўтмиши ҳам шуни яққол кўрсатдики, ислоҳотларнинг босқичма-босқич эволюцион йўлини танлаган мамлакатлар юксак тараққиёт ва гуллаб-яшнашга ва нисбатан кам ижтимоий ва маънавий-ахлоқий, моддий чиқимлар орқали эришганлар.

Ижтимоий тузум биносини шунчаки енгил ёки атрофлича таъмир этиш эмас, балки уни тамомила янги тамойиллар асосида пойдеворидан томигача тубдан қайта қуриш вазифаси туарар эди:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан демократик, бутун жамиятнинг хуқуқий тузилишига ўтиш;

— мулкчиликнинг бегоналашувига асосланган хўжаликнинг режали-тақсимчилик тизимидаń кўпуклади иқтисодиётга, бозор муносабатларига, мулкчиликнинг ранг-баранг шаклларига ўтиш:

— тоталитар, ақидапарастлик мафкурасидан хурфикликка, кўп фирмаликка, ўзида халқ тарихи ва буюк меросини, умумисоний қадриятларни мужассам этган асл маданият ва маънавиятга қайтиш:

— дунёдан ўзни ажратиб, ривожланган мамлакатларга қарама-қарши қўйишдан жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига интилиш.

Маълумки, МДҲга кирувчи айрим мамлақатлар тез ривожланиш, чигал масалаларни бир зарб билан ҳал этишдек ҳавасдан ўзларини тийиб туролмай, “катта сакрашлар”, “шок терапияси”, мақсадга ҳар қандай йўл билан интилиш каби стратегияни танладилар.

Ўзбекистон жаҳон тажрибаларига, ўз халқи хусусиятлари ва тарихий донишмандлигига таяниб ўз тараққиёт йўлини танлади ва бунда асосий умидни ўз манбалари ва имкониятларига қаратди. Ўз вақтида буюк Саъдий шундай деган эди: “Апил-тапил қилинган ишнинг умри қисқа”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов эса халқ донишмандлигига кўп марта мурожаат этди: янгисини қурмай, эскисини бузма. Ўзбекистон ислоҳотлар концепцияси бир мунча умумий ва мужассам ҳолда Президент Ислом Каримов таърифлаб берган беш тамойилларда ўз ифодасини топган.

Бу тамойилларнинг мазмуни III бобда атрофлича кенг ифодасини топган.

Бу ерда эса, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, ижтимоий ва маънавий-руҳий соҳаларда кечеётган туб ўзгаришларнинг тактика ва стратегиясини тушуниш учун, жаҳон жамоатчилигига катта қизиқиши уйфотаётган республикамиз тараққиётининг ўзига хос йўли, ўз моделининг моҳиятини, тараққиётнинг табиий-тарихий ва ўзбошимча иродавий-зўравонлик концепциялари орасидаги жиддий фарқларини белгилаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Коммунистик ташвиқот инқилобий-зўравонлик усулини тарихий тараққиётнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида кўкларга қутариб мақтади ва бутун амалиётни шу асосга қурди. Инқилоблар, буюк бурилишлар, беш йиллик режа учун курашлар — булар ҳаммаси тоталитар ўтмишда кенг тарқалган атамаларгина бўлиб қолмасдан, балки собиқ СССРда давлат ва хўжалик курилишининг амалиёти ҳам эди.

Сиёсатга бўйсундирилган, зуравонлик йўллари билан шаклланган ва иқтисодий жаҳатдан асосланмаган моделлар ва қолиплар мамлакатга маъмурий-буйруқ-бозлиқ тузуми томонидан мажбуран қабул қилдирилган эди. На моддий, на иқтисодий харажатлар билан ҳисоблашилмасди, кишилар тарихнинг қурилиш материали, давлат машинасининг “ғилдираги ва винтчалири” деб қаралар эди. Бу сон-саноқсиз қурбонларга, чуқур тузилмавий бузулишларга ва оқибат натижада бутун тузумнинг ҳалокатига олиб келди.

Тарих тажрибаси ва тараққий этган мамлакатлар амалиёти шуни аниқ исботламоқдаки, жамият тараққиёти ва цивилизациянинг ҳақиқий йўли — бу табиий-тарихий, эволюцион жараёндир. Тараққиёт заминида мафкуравий ақидалар эмас, балки иқтисодиётнинг обьектив қонунлари ётади. Ҳақиқий тараққиётта муқаррар равишда қурбонлар ва вайроналикларга олиб келадиган инқилобий силтовлар орқали эмас, балки аста-секин ва босқичма-босқич ривожланиш натижасида эришилади. Давлат ва жамиятнинг барча фаолиятлари марказида инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ётиши керак. Жамият ўзбошимчалик билан эмас, қонун билан бошқарилиши лозим. Демократик ва иқтисодий ўзгаришлар жараёнларини муваффақиятли ислоҳ этиш учун бу тамойиллар бир хил муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга сазовордир. Ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги, айрим ичи қора кишиларнинг тасаввур қилишларича, сусткашликни, бир жойда депсиниб туришни ва тўхтаб қолишни билдирмайди. У фақат ўзгаришларга пухта тайёргарлик қуришни, ижтимоий иморатни қаватма-қават бунёд этишни билдиради.

Бугун Ўзбекистон бозор ислоҳотларининг чуқурлиги ва миқёслари бўйича МДҲдаги қатор мамлакатлар билан қиёслаганда анча илгарилаб кетди. Республикадаги мавжуд 91800 корхонадан 75905 таси иқтисоднинг нодавлат секторига мансублигини айтишнинг ўзи кифоядир.

1996 йил якунига кўра ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 70 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,5 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97,7 фоизи, халқ хўжалигига банд кишиларнинг 70 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди.

*Манбаа: И. А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. т.5, Т.: Ўзбекистон. 1997, 361-бет.*

**1991-1997 йилларда МДХ мамлакатлари ЯИМ джамининг  
үсиш суръатлари (1990 йилига нисбатан фоизэда)**

|             | 1990 | 1991 | 1992 | 1993 | 1994 | 1995 | 1996 | 1996<br>йилда<br>1995<br>йилга<br>нисбатан | 1997<br>йилда<br>1996<br>йилга<br>нисбатан |
|-------------|------|------|------|------|------|------|------|--|--|
| Ўзбекистон  | 100  | 99,5 | 89   | 86   | 82   | 81   | 83   | 102  | 87   |
| Белорусия   | 100  | 99   | 89   | 83   | 72   | 65   | 66   | 102,6                                      | 73   |
| Молдова     | 100  | 83   | 59   | 58   | 69   | 68   | 62   | 92   | 63   |
| Қозоғистон  | 100  | 89   | 84   | 75   | 66   | 61   | 61   | 101,1                                      | 62   |
| Қирғизистон | 100  | 92   | 79   | 67   | 54   | 52   | 54   | 105,8                                      | 60   |
| Россия      | 100  | 95   | 81   | 74   | 65   | 62   | 59   | 95,1                                       | 59   |
| Арманистон  | 100  | 88   | 51   | 47   | 49   | 53   | 56   | 105,4                                      | 58   |
| Озарбайжон  | 100  | 99   | 77   | 59   | 48   | 42   | 42   | 101,3                                      | 44   |
| Грузия      | 100  | 79   | 44   | 31   | 33   | 35   | 38   | 111,2                                      | 42   |
| Украина     | 100  | 91   | 82   | 71   | 54   | 48   | 43   | 90   | 42   |

Шундай қилиб, бозор тузилиши халқ хўжалигида устунлик қила бошлади. Бироқ бунда Ўзбекистон МДҲдаги бошқа мамлакатлардан фарқ қилароқ ишлаб чиқаришнинг ўтирилиш ва инқирозларига дуч келмади, унинг ўсиши ва қайта қурилиши учун шароит яратилди. Бу эса 43-бетдаги жадвалда аниқ ифодаланган.

Иқтисодиётни бозор муносабатлари йўлига ўтказиш билан бир қаторда республикада аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва кишиларни психологияк жиҳатдан кўнигириш, жамиятни ижтимоий-сиёсий ва маънавий янгилаш юзасидан кенг миқёсда тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ислоҳотлар йўлининг умумхалқ томонидан қўллаб-қувватланишини, сиёсий барқарорликни, жамиятда миллатлараро тотувлик ва фуқаролар тинчлигини таъминлади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг тараққиёт ва гуллаб-яшнаши йўлидан олға қараб муваффақиятли боришининг гаровидир.

«Ўзбекистон эришган натижаларни Ҳамдустлик мамлакатлари билан қиёслаган, таққослаган ҳолда, бир нарсани очиқ айтиш мумкинки, бу кўрсаткичлар Ўзбекистон танлаган йўл тўғри эканини, Ўзбекистон модели тарих имтиҳонидан муваффақиятли ўтаётганини амалда тасдиқлайди. Бу кўрсаткичлар барча ислоҳотларимиз пойdevорида турган асосий тамойилларимизнинг тўғри эканини исботлайди»

*И. Каримов  
Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил якунларига  
багишиланган мажлисдаги нутқидан «Халқ сўзи»  
1996 йил 1 марта*

## Маълумотномалар бўлими

### Ўзбекистон парламенти қабул қилган хужжатлар

“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори, 1991 йил 31 август.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти”, 1991 йил 31 август.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” Конун, 1991 йил 31 август.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги “Ўзбекистон Республикаси Конунига Конституциявий мақом бериш ҳақида” Конун, 1991 йил 30 сентябрь.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроти тўғрисида” Конун, 1991 йил 18 ноябрь.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” Конун, 1991 йил 18 ноябрь.

“Ўзбекистон Республикаси Президентига сайловларни тайинлаш тўғрисида” Олий Кенгаш қарори, 1991 йил 18 ноябрь.

“Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида” Олий Кенгаш қарори, 1991 йил 18 ноябрь.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум якунлари тўғрисида” Олий Кенгаш қарори, 1992 йил 4 январь.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртлари тўғрисида” Олий Кенгаш қарори, 1992 йил 4 январь.

“Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тўғрисида” Конун, 1992 йил 2 июль.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” Конун, 1992 йил 3 июль.

“Мудофаа тўғрисида” Конун, 1992 йил 2 июль.

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” Конун, 1992 йил 3 июль.

“Муқобил хизмат тўғрисида” Конун, 1992 йил 3 июль.

“Ҳарбий қасамёд тўғрисида” Олий Кенгаш қарори, 1992 йил 3 июль.

“Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даражаси ва мартабани белгилаш тўғрисида” Конун, 1992 йил 3 июль.

“Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида” Конун, 1992 йил 3 июль.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисида” Конун, 1992 йил 8 декабрь.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида” Конун, 1992 йил 8 декабрь.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амал

га киритиш тартиби тўғрисида” Қонун, 1992 йил 8 декабрь.

“Узбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”. Қонун, 1992 йил 10 декабрь.

“Давлат сирларини сақлаш тўғрисида” Қонун, 1993 йил 7 май.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” Қонун, 1993 йил 28 декабрь.

“Халқ депутатларининг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида” Қонун, 1994 йил 15 май.

“Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида”, Олий Мажлис қарори, 1995 йил 24 феврал.

## П Б О Б

# Сиёсий ислоҳотлар. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият асосларининг барпо этилиши

«...ислоҳотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди, деб хулоса чиқариш мумкин. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди».

*И. Каримов  
Олий Мажлиснинг VI сессиясидаги нутқидан*

Мустақилликка эришилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси олдида муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган масала — ўзининг янги давлатчилиги ва уни амалга оширишнинг бош ва асосий тамойилларини аниқлаб олиш масаласи кўндаланг бўлиб турди.

Жаҳон тажрибаларига, ҳалқнинг тарихий тажрибаси ва ўзига хос хусусиятларига мувофиқ шундай тўхтамга келинди: собиқ СССР пайтида давлат ва ижтимоий ҳаёт тизимини белгилаб берган авторитар идора усули ва маъмурий-буйруқбозлик тузумдан тамомила воз кечиб, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуради. Мамлакатда давлат қурилиши ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг беш йиллик тажрибаси республиканинг ўз ҳалқи анъаналари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳалқаро тан олинган маданий меъёрларига, демократик ва ҳуқуқий тамойилларига содиқ эканлигини тасдиқламоқда.

## 1. Демократия ва ҳукуқ: асосий тушунчалар ва тамойиллар

Демократия юононча сўз бўлиб, таржимада ҳалқ ҳокимияти (демос — ҳалқ, кратос — ҳокимият) маъносини

билдиради. Демократик деб олий ҳокимият бевосита халққа тегишли бўлган ва халқнинг хоҳиш-иродаси билан амалга ошадиган давлат ва жамиятга айтилади.

Демократия ҳақидаги тушунча давлат қурилишининг бош тамойили сифатида кўп асрлик тарихга эга. Ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг демократик меъёrlари жуда қадим замонларда пайдо бўлиб, жаҳондаги кўплаб ривожланган мамлакатларда асосий ва етакчи тамойилга айлангунча инсоният тараққиётининг турли босқичларида мураккаб, зиддиятли, кўпинча фожиали ўзгаришларга учради.

Умумий тарзда демократия деганда ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчилликнинг иродасини хурмат қилиш тушунилади. Батафсил таҳдил қилганда эса демократия-халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсингдаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли ҳам эканлиги аён бўлади.<sup>1</sup>

Тарихий тажриба ва назарий тафаккур давлат ва унинг моҳиятига оид бир қанча, хилма-хил концепцияларни билади.

### **Улардан бир мунча кенг тарқалғанлари қўйидагилар:**

Синфий давлат концепцияси марксизм-ленинизм таълимотининг асосини ташкил этиб, у давлатнинг моҳиятини бир синфнинг иккинчи бир синф устидан ҳокимиятини таъминлашда қўради. Бундай ёндашувга мувофиқ давлат иқтисодий хукмрон синф қўлида бошқа синфларни бостириб туриш учун қурол, машина вазифасини бажаради. Бу концепцияга мувофиқ давлат бор жойда ҳеч қандай демократия ҳақида гап бўлиши мумкин эмас: хоҳ буржуазия ҳокимияти бўлсин, хоҳ пролетариат хукумронлиги бўлсин, зўравонликка асосланмиш.

Бунга қарама-қарши ўлароқ анаҳия-ҳокимиятсизлик концепцияси кишилар эркинлигини чеклайдиган ҳар қандай ҳокимиятчиликни ташкилот сифатида рад этади.

Либерал-демократик концепция заиф давлат тўғри-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 180 бет.

сидаги тасаввурлардан келиб чиқсан бўлиб, унинг вазифаси жамиятдаги турли синфлар ва ижтимоий қатламларни ўзаро муросага келтиришдан иборат.

Тоталитар давлат концепцияси эса ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ялпи давлатлаштиришни, ҳар қандай ижтимоий қатлам ва гурухлар манфаатларининг ва ҳатто ҳар бир фуқаро манфаатининг давлат манфаатларига бўйсундирилишини талаб қилади.

Бу ва бошқа концепциялар, шу жумладан этнократик, теократик, корпоратив ва бошқалар турли шакл ва типдаги давлатларни назарий жиҳатдан қўллаб келдилар. Ҳозирги даврда ҳам давлатларнинг кўплаб турва шакллари мавжуд: монархия ва республика, демократик ва автократик каби. Бундай давлатлар ҳам ўзи ичидаги муайян фарқларга эга: масалан, мутлоқ ва чегараланган монархия, Парламентар Республика, Президентлик Республикаси ва шу кабилар.

Мустақилликка эришган ҳар бир халқ давлат қурилишининг у ёки бу турини аниқ сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва бошқа шароитларига, тарихий анъаналари ва маънавий-ахлоқий қадриятларига қараб ўзи танлайди.

Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакат ва халқнинг давлат қурилиши ўзига хос ва фарқли хусусиятларга эга бўлади. Шунга қарамасдан, халқаро тан олинган бир қанча муҳим тамойиллар борки, улар инсоният тарихий тараққиётининг ҳозирги босқичида маданий, демократик давлатнинг асосий хусусиятларини ифодалайди.

Биринчидан, давлат жамият тараққиётининг маҳсули, инсониятнинг буюк қашфиётидир. Давлат — бу зарурый обьектив реаллик бўлиб, жамият мавжудлиги ва фаолиятининг, ҳаётни адолатли ва ҳукуқий асосда ташкил этишнинг асосий шартидир. Бу жиҳатдан, марксизм ва анархизмдан фарқли ӯлароқ, давлатнинг илмий концепцияси унинг заифлигидан, ўлиши ёки йўқ қилинишидан эмас, балки ривожланиши, такомиллашуви, фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш хусусиятидан келиб чиқади.

Иккинчидан, давлат — бу шунчаки зарурый обьектив реаллик бўлибгина қолмай, у жамиятнинг эҳтиёжи, унинг барча аъзолари учун муайян қадрият ҳамдир. Тарихнинг кўп асрлик тажрибаси ва ҳозирги замон тажрибалари ҳам шуни аниқ кўрсатиб турибдики, давлат ҳокимиятининг заифлиги, кучсизлиги аксарият фожиавий ҳодисаларга олиб келади.

Учинчидан, демократик давлат айрим бир ижтимоий қатламлар, гуруҳлар ва синфларга эмас, балки бутун жамият манфаатлариға хизмат қилиш учун керак. У бутун халқ, бутун жамият манфаатларини информалайди.

Тұртингидан, демократик давлат ҳуқуқни, фаолият усуулари ва механизмларини тақомиллаштириш, фуқаролик жамияттың тобора яқынлашиш йүлидан мунтазам ривожланиб боради.

Бешинчидан демократик давлатнинг вазифаси инсон ва фуқаролар әрқинликлари ва ҳуқуқларини кафолатлашдан иборат.

«Ҳақиқатан ҳам демократия — фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир... Демократия жамиятнинг қадриятыга, ҳар бир инсоннинг бойлиги га айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас.

*Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 185 бет.*

Шу маънода демократияни давлат қурилишини ташкил этишнинг шундай бир шакли деб белгилаш мумкинки, унда сиёсий ҳокимиятни ташкил этишда, унинг фаолиятининг бош йўналишларини белгилашда ва назорат қилишда халқ иштирок этади.

Жаҳон тажрибаларининг гувоҳлик беришича, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат қурилишининг олий, маданий шакли демократиядир ва у қўйидаги асосий тамойилларга таянади.

- халқнинг эркин ҳоҳиши-иродаси;
- фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- инсон ҳуқуқларининг устуворлиги
- ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши;
- уларнинг сайловчиларга бўйсуниши;
- тайинлаш йўли билан ўзакланадиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга бурчлилиги;
- ҳокимият тармоқларининг тақсімланганлиги.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ва энг демократик меъёрларга жавоб берадиган бу тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ ифодаланган ва қонуний мустаҳкамланган.

Конституция мамлакатнинг Асосий Қонуни ҳисобланади. Унда фуқароларнинг эркинликлари ва ҳукуқлари, давлат ва ижтимоий-сиёсий қурилишнинг давлат-ҳукуқий, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий тамойиллари олий даражада қонуний ифодасини топган.

Хеч бир қонун ёки бошқа ҳукуқий-меъёрий хужжат Конституцияга зид бўлиши, ҳеч қандай давлат идораси ёки мансабдор шахс Асосий Қонунда белгиланган тегишли меъёр ва тамойилларга мувофиқ келмайдиган қарорларни қабул қилиш ҳукуқига эга бўлиши мумкин эмас.

Демократик меъёр ва тамойилларни амалга оширишнинг асосий шакли ҳукуқдир ва у жамият ҳаётининг барча соҳаларини тартибга соладиган қонунлар тизимида мужассам бўлади. Қонунлар бутун ҳокимият органлари ва бошқармаларнинг, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларнинг ваколатлари, ҳукуқлари ва масъулиятларини, фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилаб беради. Фақат қонунларга оғишмай амал қилишгина жамиятни ҳаддан ташқари ўзбошимчадик ва анархиядан, бюрократик айнишлардан ҳимоя қилишни, “қўнғироқ ҳукуқи” деб аталган раҳбарлик ва авторитарликка қарама-қарши туриши мумкин. Қонунлар мустаҳкамлик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча туб ўзгаришларни белгилаб бермоқда.

Мустаҳкам ҳукуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тұла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Ҳозирги мутлақо янги сиёсий-иктисодий ва ҳукуқий муносабатларни акс эттирувчи янги қонунлар мажмуигина биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қиласди. Республиkaning барча аҳолиси манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар мавжуд бўлгандагина туб ўзгаришларнинг кучли ижтимоий асослари яратилади. Ўзбекистоннинг ёрқин келажигига ишонч уйғотилади.

И. Каримов  
«Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобидан 29-бет.

Хуқуқ тушунчаси ҳам давлат тушунчаси каби кўп томонлама мураккаб хусусиятларга эга. Фанда ҳуқуқнинг қўйидаги турлари фарқланади.

— умумий хуқуқ, ноюридик, умумсоциологик тушунча бўлиб, умумлашган ҳуқуқий тасаввурлар тизимини ва умуминсоний феъл-авторнинг қарор топишини билдиради ва ижтимоий муносабатларни тартиба солишда маданийлик мезони бўлиб хизмат қиласди;

— табиий хуқуқ аниқ юридик тушунча сифатида эмас, балки инсон табиатининг ўзидан келиб чиқадиган меъёрлар ва тамойиллар мажмуи (яшаш ҳуқуқи, ном олиш ҳуқуқи ва ш.к.)дир;

— диний (ақидавий) хуқуқ диний қоидалар мажмумини ва ижтимоий муносабатларнинг баъзи бошқа турларини, жумладан, айрим мамлакатларда оила-никоҳ муносабатларини белгилайди;

— халқаро хуқуқ — давлатлараро муносабатларда қабул қилинган қоида ва меъёрлар мажмуи. Шунингдек ҳуқуқнинг айрим бошқа турлари.

— Ҳуқуқий давлат тушунчаси демократик давлат тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. У юқорида санаб ўтилган меъёрлар ва тамойилларнинг жуда кўпини ўз ичига олади ва шу билан бирга қатор фарқли белгилар ва талабларга ҳам эга.

Биринчидан, демократик, ҳуқуқий давлат куч билан, инқилоб билан эмас, балки табиий-тарихий, эволюция йўли билан, ҳуқуқ қадрининг жамият томонидан англаниши, фуқаролар маданиятининг ўсиши орқали шаклланади.

Иккинчидан, ҳуқуқий давлат тушунчаси у ёки бу конунларнинг мавжудлигини англатмайди. Қонунлар, ҳуқуқ сифатида ҳар бир давлатда мавжуд ва ҳар қандай ҳокимият улардан фойдаланади. Ҳамма гап ўша қонунларнинг қандайлигига ва уларнинг қандай бажарилишидадир.

Ҳозирги замондаги юксак маданий тафаккур нуқтаи назардан қараганда ҳуқуқий давлат деб қонун чиқариш ва қонунни бажаришда умуминсоний ҳуқуқий меъёрларга таянадиган ва бунда, албатта, халқнинг миллий, тарихий, маънавий ва маданий хусусиятларини, анъ-аналарини сўзсиз, тўла ҳисобга оладиган давлатни айтиш мумкин.

Ҳуқуқий давлатда конунчилик хеч қандай мафкура таъсирига берилмаган ва унга бўйсундирилмаган бўлади,

фақат битта синфга ёки жамиятнинг бирон-бир қатла-  
мигагина хизмат қилмайди.

Учинчидан, ҳуқуқий давлат барча фуқаролар учун, уларнинг ижтимоий аҳволидан қатъий назар, барча мансабдор шаҳслар учун, уларнинг қандай юксак лавозими-  
ни эгаллашидан қатъий назар ҳокимиятнинг барча институтлари учун конуннинг устунлигини, унинг бажа-  
рилиши муқаррарлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, ҳуқуқий давлатда қонунларнинг бир тизимга солинганлиги, зиддиятсизлиги, амалда бажа-  
риш учун шароит бўлиши, кафолатли ва ҳар бир киши учун тушунарли бўлиши таъминланади.

Бешинчидан, ҳуқуқий давлат қонунларни қабул килиш ва амалга оширишнинг мвайян, одатда зўравонликка мажбурийликка асосланмаган механиз-  
ларига эга бўлади.

Қонунни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилишнинг демократик тадбирлари ошкораликни, жамоат фикрини ҳисобга олишни назарда тутади, бунда куч ишлатиш ва тазийқ ўтказишни (масалан инқилобий декретларни қабул қилишда бўлганидек) қатъян истисно қиласди.

Қонунларни бажариш механизmlари ҳам демократик ҳуқуқий органлар ва хизматлар тизимига таянади, тушунтириш, маслаҳат, текшириш ва огоҳлантириш каби усуllардан кенг фойдаланади. Албатта, ҳар бир давлат Конституция ва қонунчиликни зўравонлик билан ўзгартириш учун ҳар қандай уринишдан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиши ва бунга тайёр туриши керак.

Бироқ бу энг сўнгги, охирги чора бўлиб, одатда юксак маданий давлатнинг демократик ва ҳуқуқий таж-  
рибаларининг ўзи буни истисно этади.

## **2. Халқ ҳокимиятчилиги. Сайлов тизими**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шундай белгилайди:

“Ўзбекистон — суверен демократик республика”.

1 - м о д д а .

“Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансаб-

дор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”.

## 2 - м о д д а .

“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбайдир, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади”.

## 7 - м о д д а .

“Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”.

## 8 - м о д д а .

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида шундай дейилган:

“Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалини халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади”.

Референдум ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Конунига ва Конституцияга мувофиқ мамлакат халқи 1991 йил декабрда Референдумда бевосита овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қўллаб-куватлашини билдири ва 1995 йил 26 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиради.

Референдум — бу халқнинг тўғридан-тўғри, бевосита хоҳиш-иродасидир. Бироқ, мутлақо шак-шубҳа йўқки, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча масалалари бўйича референдум ўтказиш мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам, бутун маданий оламда бўлганидек, халқ ҳокимиятчилиги, асосан вакилликлар йўли билан, яъни ҳокимият органлари умумхалқ сайловлари орқали амалга оширилади. Конституцияга мувофиқ уларга давлат ва ижтимоий ҳаётнинг асосий масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш топширилади. Тўғридан-тўғри, тенг ва умумий овоз бериш йўли билан сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис халқнинг ана шундай мухтор ҳуқуқли вакиллари ҳисобланадилар.

Шундай қилиб, халқ ҳокимияти сайловда қатнашиш йўли билан амалга оширилади ва сайлов ҳукуқи билан аниқланади.

Сайлов тизими. Мамлакатда сайловлар ҳақидаги қонунчилик Узбекистон Республикаси Конституциясининг XXIII бобида келтирилган сайлов ҳукуқларининг асосий тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Сайлов тизими куйидаги қонунлар асосида ишлайди:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида (1993 й. 28.12);

Ўзбекистон Республикаси Президентига сайловлар тўғрисида (1991 й. 18.11):

Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашига сайловлар тўғрисида (1994 й. 5.05):

“Фуқароларнинг сайлов ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида” Конун (1994 й. 5.05).

Республика сайлов тизими сайлов кунигача 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаронинг овоз беришда бевосита иштирок этишни таъминлайдиган демократик тамойилларга асосланади. Суд томонидан ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз, деб топилган ёки суд ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этилган шахслар сайловларга қатнаша олмайдилар.

Ўзбекистонда сайловлар умумий ва тенгликка асослангандир. Бу шуни англатадики, ҳар бир сайловчи битта овозга эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, фаолият тури ва ҳаракати, шахсий, ижтимоий ва моддий аҳволидан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистонда сайловлар номзодни тўғридан-тўғри, бевосита сайлашга қаратилган сайловлардир. Бунинг маъноси ўзуни, Президент, Олий Мажлис, ҳокимиятнинг маҳаллий органларига сайловларда фуқаролар бевосита иштирок этадилар. Айрим мамлакатларда, масалан АҚШда аввал сайловчилар танланади, кейин улар Президентни сайлайдилар.

Сайловларда яширин овоз бериш таъминланади. Сайлов участкасининг овоз бериладиган жойида сайлов бюллетенларини тўлдириш учун алоҳида хона ёки кабиналар мавжуд бўлади. Кабинада овоз берувчидан бошқа бирон бир кишининг бўлиши манъ қилинади. Бюллетени мустақил тўлдириш имконига эга бўлган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси аъзосидан бошқа бирор шахсни кабинага таклиф этиши

мумкин. Сайлов бюллетенида яширин овоз бериш тартибини бузадиган бирон-бир белги, ишора рақам ёки сайловчининг фамилияси йўқ.

Сайловлар бир мандатли округларда ҳудудийлик таомиллари бўйича ўтказилади. Ҳокимиятнинг вакиллик органи шаклланадиган ҳудуд сайловчиларнинг тахминан тенг миқдори асосида сайлов округларига бўлинади.

Бизнинг сайлов тизимимизнинг муҳим тамойилларидан бири сайловларнинг кўп партиявийлик асосида ўтказилишидир. Сайлов белгиланган кундан камида олти ой бурун Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашига берилган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари туман ва шаҳар кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Сайлов ҳақидаги қонунлар сайлов комиссияларининг мустақиллигини ҳар қандай бошқа органлар таъсиридан ҳимоя қиласди. Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил қилинган ва шу билан барча даражадаги сайлов комиссияларининг ишида уйғунлик таъминланади. Асосий талаблардан бири, сайлов комиссиялари таркибида сиёсий партиялар аъзоларининг бўлмаслигидир.

Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимида фуқароларни ижтимоий ва моддий аҳволига, ёши, жинси, ирқий ёки миллий мансублиги ва динга муносабатига қараб сайлов ҳуқуқларидан ҳар қандай чеклашга, унга тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистонда сайлов якунлари энг демократик маҷоритар усулда аниқланади. Сайлов натижасида сайловда қатнашганларнинг 50 фоизи + 1 овоз олган номзод сайланган ҳисобланади.

### **3. Давлат ҳокимияти тизими**

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ва ташкил этилишининг муҳим демократик таомили, Конституциянинг 11-моддасига мувофик, ҳоки-

мият тармоқларининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишидир. Булардан ҳар қайси ўзаро чамбарчас алоқада ҳаракат қилиши билан бирга, ўз ваколатлари доирасида мустақил ва эркин фаолият кўрсатадилар. Бу эса ҳокимиятнинг бир органда ҳаддан ташқари мужассам бўлмаслигини таъминлайди, уларнинг халқ ва қонун олдидағи хукуқларини аниқ тақсимлаб беришга хизмат қиласи (59-бетдаги жадвалга қаранг).

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Маълумот учун

“Президент” сўзи лотинчадан келиб чиққан бўлиб, “олдида, бошида, тепасида ўтирувчи” деган маънони билдиради. Президентлар давлатнинг парламент ва президентлик республикаси шаклига, сайлов усули ва ваколатлари миқёсига қараб фарқланади. Германия, Италия, Хиндистон парламент республикалариридир. АҚШ ва Ўзбекистон каби президентлик республикаларида давлат бошлиги умумий овоз бериш йўли билан сайланади. Бунинг турли вариантлари бўлиши мумкин. Масалан, АҚШда ҳокимиятнинг президентлик республика шакли ватанида аввал ҳар бир штатда сайловчилар танланади ва улар сўнгра президентни сайлайдилар. Ўзбекистонда Президент тўғридан-тўғри умумий овоз бериш йўли билан сайланади.

Конституциянинг XIX бобида Ўзбекистон Республикаси Президентининг юксак ваколатлари тўла ифодаланган.

Кўйила шулардан айримлари кўрсатилди:

Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Президент айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

Президент Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов хукуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти:


— фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафидир;

— ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; республика вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдифига киритади;

— Олий мажлисга Конституциявий, Олий ва хўжалик судлари раислари ва аъзолари лавозимларига номзодларни тақдим этади;

— вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдифига қўяди. Конституция, 89, 90, 91, 93-моддалар:

## Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизими



Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятнинг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 11-модда

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вактда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 89-модда

Вазирлар Маҳкамаси гаркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти туazzi va у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

98-моддадан  
76-модда

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

166-моддадан

Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлilikтига қараб вилюят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

102-модда  
99-модда

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 107, 108, 109-моддалар  
110-моддадан

111-моддадан

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 105-модда

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини-ўзи бошқарish органлари бўлиб, улар икки ярим йиғ муддатта раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 105-модда

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Маълумот учун

Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимият органи дастлаб Олий Кенгаш деб аталарди. Унинг таркиби 1990 йил февралда сайланган эди. Олий Кенгаш 1990—1994 йилларда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, янги жамият қуриш йўлида фаолият кўрсатди, 200 га яқин қонунлар ва 500 дан зиёд қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1994 йил 25 декабрда сайланган бўлиб, мамлакат ва жамиятда демократия тараққиётининг янги босқичини ўзида ифодалайди. Давлатнинг қонун чиқарувчи органига сайловлар Ўзбекистон тарихида биринчи марта кўпартиялик асосида бўлиб ўтди. Ҳар бир округ бўйича парламентдаги бир ўринга ўша пайтда рўйхатдан ўтган икки партия ва ваколатли ҳокимият органларида депутатликка номзодлар ўз номларини кўйдилар. Сайловчилар овоз беришда номзодларнинг фақат шахсигагина эмас, балки уларнинг номларини депутатликка кўрсатган партияларнинг дастурлари, сайловолди платформаларига ҳам аҳамият бердилар. 1995—1997 йилларда Олий Мажлис 100 га яқин қонун ва 120 дан ортиқ қарорлар қабул қилди.

Олий Мажлис олий давлат органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади, ҳудудий сайлов округлари бўйича кўпартиялийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат.

Конституция ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Олий Мажлиснинг мутлоқ ваколатлари жумласига:

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

— Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

— қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилаш;

— халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барваҳт тўхтатиш) қилиш.

— Олий Мажлисга ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлайди, Марказий сайлов комиссиясини тузади;

- ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини тайинлайди;
  - Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судларини сайлади;
  - Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш түғрисидаги Президент фармонларини тасдиқлайди;
  - Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларини амалга оширади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 78-моддасидан). (63-бетдаги жадвалга қаранг).
- Парламентга сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар. Бунда уларнинг келиб чиқиши, ижтимоий ва моддий аҳволи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, фаолият тури бўйича ҳеч қандай чеклашларга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, “Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида”ги Қонунда белгиланишича судланган, сайлов тайинланган кунгача ўтган 5 йил мобайнида Ўзбекистон худудида яшамаган, ҳарбий ихтисосли, диний хизматчи фуқаролар депутатликка номзодлар рўйхатига олинмайдилар.
- Ҳокимиятни тақсимлаш тамойилини амалда бажариш мақсадларидан келиб чиқиб, шу нарса белгилаб қўйилдики, ҳукумат аъзолари, судъялар, прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирлик идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари (вилоят, туман, шаҳар, ҳокимлари бундан мустасно) Олий мажлис депутати була олмайдилар.
- Олий Мажлис бутун Ўзбекистон худудида ҳаракат қиласиган қонунларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди; давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди; стратегик давлат дастурларини қабул қиласи; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг тизими ва ваколатларини белгилайди; мамлакат бюджетини қабул қиласи ва унинг бажарилишини назорат этади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилайди.

Парламент ишини ташкил этиш учун Олий Мажлис раиси раҳбарлигида Олий Мажлис Кенгаши ташкил қилинган.

Лавозими бўйича унинг таркибига:

Раис ўринбосари, Олий Мажлис қўмиталари ва Ман-


дат комиссияси раислари, блок ва фракциялар вакиллари киради.

**Олий Мажлис қўмиталари рўйхати:**

- бюджет, банк ва молиявий масалалар бўйича;
- иқтисодий ислоҳотлар ва ишбилармонликни ривожлантириш;
- қонун чиқариш ва суд-ҳуқуқий масалалар бўйича;
- халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар бўйича;
- фан, таълим, маданият ва спорт бўйича;
- саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича;
- аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат бўйича;
- меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича;
- атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича;
- қурилиш ва уй-жой ҳўжалиги бўйича;
- матбуот ва ахборот бўйича;
- мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича;
- инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (омбудсман).

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг**

**ТУЗИЛИШИ**



## Депутатлик бирлашмалари:

- ҳокимиятнинг вакиллик органларидан депутатлар блоки — 120 киши
- Халқ демократик партиясидан депутатлар фракцияси — 69 киши
- “Адолат” социал-демократик партиясидан депутатлар фракцияси — 47 киши
- “Ватан тараққиёти” партиясидан депутатлар фракцияси — 14 киши

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимиятнинг вакиллик органлари ижро этувчи ҳокимиятдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти айни бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

### ТУЗИЛИШИ



## Конституциянинг 98-молласи

Вазирлар Маҳкамаси таркиби, Президент томонидан тузилади ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, унинг биринчи ўринbosари ва ўринbosарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси киради. 1995 йил 5 майда Вазирлар Маҳкамасининг 35 кишидан иборат таркиби тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

## **Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари**

Маҳаллий ҳокимият тизимига вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, шаҳар таркибидаги туман, қишлоқ, посёлка доирасидаги ҳокимият муассасалари киради. Мустақиллик йилларда маҳаллий ҳокимият органлари тубдан ислоҳ қилинди.

### **99-модда.**

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, ўзинингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиласидаган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир.

### **101-модда.**

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қиласидаги ҳокимларни ҳудудий тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқарадилар.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати — беш йил.

### **102-модда**

Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини ҳудудий тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқарадилар.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Пре-

зидент томонидан тайинланади ва лавозимдан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарда, ҳусусан мамлакатимизда қадимдан ижтимоий-сиёсий ҳаётда маҳалла мухим ўрин тутиб келган. Мустақиллик даврида маҳалла ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида ҳуқуқий жиҳатдан ўз ўрнини топди.

## 105-модда.

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ республика мизда 12 мингдан ортиқроқ ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳалла қўмиталари тузилди. Президент фармони билан “Маҳалла” хайрия жамғармалари тузилди. Унга давлат ва нодавлат йўли билан маблағлар ўтказилди. Маҳалла кам таъминланган оиласаларга, ногиронларга, ёлғиз кексаларга моддий кўмак бермоқда.


## 4. Суд ҳокимияти

❖ Мустақиллик йилларида суд ислоҳотлари изчилик билан амалга оширилмоқда. Суд ислоҳотларига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси,  
106-модда

## Ўзбекистон Республикасининг суд тизими



## 107- м о д д а .

Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судларидан, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

## 108- м о д д а .

Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг хужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

## 110- м о д д а .

Олий суд фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юритиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

## 111- м о д д а .

Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

## 112- м о д д а .

Судъялар мустақиллар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судъяларнинг одил судловни амалга ошириш борасида фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашибш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судъяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланиди.

Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлиснинг депутати бўла олмайдилар.

Судъялар шу жумладан туман судъялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзолари бўлишлари ва ҳақ туланадиган бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

Судъя ваколат муддати тугагунга қадар судъялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандағина озод этилиши мумкин.

## **113- м о д д а .**

Ҳамма судларда ишлар очиқ күрилади. Йишларни ёпік мажлисда тинглашга қонунда белгиланған ҳоллардагина йўл қўйилади.

## **114- м о д д а .**

Суд ҳокимияти чиқарған ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

## **115- м о д д а .**

Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

## **116- м о д д а .**

. Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

## **5. Демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши**

**Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз.**

Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халқقا топшириш, яъни ўзини-ўзи бошқариш органдарини янада ривожлантириш демакдир.

*И. А. Каримов*

*Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари, 12-бет.*

Демократик, ҳуқуқий давлат ривожининг мантифи, ички қонуниятлари давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувининг сиёсий партиялар ва жамият бирлашмалари — касаба уюшмалари, фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари, ижтимоий ва ижодий жамғармалар, фуқароларнинг бошқа кўнгилли бирлашмалари билан ҳар томонлама яқин алоқалари ва ҳамкорлигини тақозо этади.

Бошқа сўз билан айтганда, ҳақиқий демократия фуқароларнинг Президент ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларда қатнашишидангина иборат бўлмай, балки уларнинг мамлакатда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жараёнларнинг боришига, давлат ва жамиятнинг барча ишлари бошқарувига бевосита, шунингдек жамият бирлашмаларининг фаолиятида иштирок этиш орқали ҳар куни таъсир ўтказишини ҳам бирлдиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг маҳсус XIII боби уларнинг ҳуқуқий мақомига бағишланган.

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

*Конституция, 36-модда.*

Чинақам демократик, ҳуқуқий давлат ўзаро яқин алоқада бўлган ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ икки қисмдан: давлат ҳокимияти органлари ва бошқарви ҳамда фуқароларнинг турли-туман манфаатларини ўзида ифодалаган мустақил сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларидан иборат. Бу нодавлат қисми шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти деб айтилади.

Мустақилликка эришгунга қадар биз яшаган тоталитар давлатда фуқаролик жамияти йўқ эди ва бўлиши мумкин ҳам эмасди. Бир партиянинг мутлоқ ҳукмронлиги, ижтимоий институтларнинг тўла давлатлаштирилиши ва ҳатто касаба уюшмалари ва ёшлар бирлашма-

лари ҳам партия ва давлатнинг қўлида фақатгина “жилов” сифатида фойдаланилган шароитда тўғри маънодаги фуқаролик жамияти йўқ эди.

Демократия ва бозор ислоҳотларининг чуқурлашуви билан фуқароларнинг ижтимоий ташаббускорлиги, фуқаролик жамияти қайта тикланмоқда ва тобора катта аҳамият касб этмоқда.

“Фуқаролик жамияти” ва “жамият” тушунчалари айнан бир нарса эмас. Жамият — бу кишилар умумийлиги, давлатнинг бутун белгиларини ҳам ўз ичига оладиган бирлиги. Фуқаролик жамияти — бу жамиятнинг бир қисми, ҳокимиятнинг давлат органлари ва бошқарувидан ташқари қисми.

Фуқаролик жамияти давлатнинг вужудга келиши билан юзага келади ва шакланади, мавқеи унинг демократиклик даражасига мувофиқ белгиланади.

Фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро алоқалари объектив муқаррар. Давлат ҳокимияти тизими ва фаолиятида демократик тамойиллар ва меъёрлар қанчалик тўла ва чуқур мужассам бўлса, фуқаролик жамиятининг фаолияти ҳам шунчалик кенг, унинг давлат билан алоқалари хилма-хил бўлади. Агар давлат, яқин ўтмишда бўлганидек, фуқаролик жамияти манфаатларидан узилиб қолса, унда у муқаррар равишда инқирозга учрайди, ўзининг табиий-тарихий, ижтимоий вазифасидан маҳрум бўлади.

Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқшига қўмаклашади... Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт.

Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида...  
173-бет.

Давлатда демократия ва фуқаролик жамиятининг етуклик даражаси фуқароларнинг сиёсий ва жамоат ташкилотларининг таъсири ва тараққиёт даражаси билан белгиланади.

Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик ҳабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир.

*Ислом Каримов.*

*Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...*

*181-бет.*

Мустақилликнинг ўтган етти йили мобайнида Ўзбекистонда давлат ва жамият, қурилиши ва ижтимоий-сиёсий тараққиёт тажрибалари шуни кўрсатадики, мамлакат демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан мақсадга қараб, оғишмасдан ва ишонч билан олға силжимоқда. Уларнинг тобора чуқурлашиб бораётган ва самарали ҳамкорлиги мамлакатда сиёсий барқарорлик, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминламоқда.

Ҳозирги вақтда республикада тўртта сиёсий партия рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатмоқда: Ўзбекистон халқ-демократик партияси, “Ватан тараққиёти” партияси, “Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Халқ бирлиги” ҳаракати. Уларнинг ҳар бири жамиятнинг муайян қатламларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ифодалайди.

## Ўзбекистоннинг сиёсий партиялари

### Халқ демократик партияси

1991 йил 1 ноябрда ташкил топган. Ҳозирда у 69 кишидан иборат Олий Мажлиси депутатлари фракциясига эга. У «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналларининг муассисидир. Республикаизда бу партия аъзолари кўпчиликни ташкил этади.

### «Ватан тараққиёти» партияси

1992 йилда таъсис этилган. Партия ўз сафларида бизнесменларни, ишбилармонларни ва бошқа кишиларни бирлаштирган. Партиянинг 14 кишидан иборат Олий Мажлиси депутатлари фракцияси рўйхатга олинган.

Партия «Ватан» газетасининг таъсисчисидир.

### **«Адолат» социал-демократик партияси**

1995 йилнинг февраль ойида таъсис этилган. Партия жамиятнинг турли соҳаларида инсоний ва ижтимоий адолатни амалда жорий этишга хизмат қиласди.

«Адолат» партиясининг 47 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси фаолият кўрсатмоқда. Партия ўзининг «Адолат» номли газетасига эга.

### **«Миллий тикланиш» партияси**

1995 йил 3 июль куни дунёга келди. Партия Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини мустаҳкамлаш, ҳалқ маданиятини ривожлантириш, республика миздаги ижодкорларни, зиёлиларни бирлаштиришга хизмат қиласди. Партия ўз атрофига илм-фан, маданият ва маорифда хизмат қилаётган, йирик олимларни, бирлаштирган. У ўзининг «Миллий тикланиш» газетасига эга.

Парламент типидаги партиялар сифатида улар қатъий мамлакат Конституцияси доирасида ҳаракат қиласдилар, қонун чиқарувчи, вакиллик ҳокимияти органлари га сайловларда қатнашадилар, сайланган депутатлар ва депутатлик вазифалари орқали қонунларни ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилишда иштирок этадилар, ўз матбуот органларига, сўз эркинлиги, мажлислар ўтказиш ва бошқа ҳукуқларга эга.

«Сиёсий партиялар турли табақа ва гурӯҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва уларнинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар».

*Конституция, 60-модда.*

Шу билан бирга, Конституция ва қонунчиликда жамоат бирлашмалари ҳақида шу нарса ҳам қатъий таъкидланадики, бирон бир партия ёки жамоат ташкилоти ўз қарашлари ва нуқтаи назарини жамиятга куч билан ўтказиши, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқиши, фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларига тажовуз қилиши, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилиши мумкин эмас. Шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги партияларнинг ташкил этилиши ҳам тақиқланади.

Бундан ташқари, собиқ СССРда партияянинг ҳукм-

ронлик ролини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамият ва давлатни авторитаризмнинг ҳар қандай урунишларидан ҳимоя қиладиган қоидаларга ҳам эга.

«Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

*Конституция, 12-модда.*

Халқ хўжалиги ходимларининг, деҳқонлар, талабалар нафақаҳурларнинг энг оммавий жамоат ташкилоти касаба уюшмаларидир. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясига кирган касаба уюшмалари аъзолари сони 7,5 миллионни ташкил этади.

Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар.

Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

*Конституция, 59-модда.*

“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқ ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Мехнат қонунлари меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш ишида касаба уюшмаларига катта ҳуқуқлар беради. Улар ҳодимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларига, у ёки бу даражада тааллуқли бўлган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва текшириб баҳолашда иштирок этадилар, ҳукумат, тармоқ органлари хўжалик ва тадбиркорлик тузилмалари билан катта битимлар ва жамоа шартномалари тузадилар. Ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш учун ижтимоий суғурта маблағларидан бир қисми уларнинг ҳисобига ўтказилади. Улар кишиларни меҳнат билан таъминлаш бўйича давлат идоралари билан яқин алоқада бўладилар, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилишни на-

зорат қиладилар, ҳусусийлаштириш вақтида меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифодалайдилар, кишилар учун ҳаётий муҳим бўлган кўплаб масалаларни ҳал қилишда иштирок этадилар.

Жамият ҳаётида фахрийлар, ёшлар, хотин-қизлар, кўп сонли жамоат фондларининг ўрни катта ва у табора ортиб бормоқда. Давлат уларнинг фаолиятига аралашмаган ҳолда амалий жаҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига... йўл қўйилмайди.

*Конституция, 58-модда.*

Жамоат бирлашмаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, уларнинг фаолиятини ривожлантиришдан манфаатдорлиги, жумладан, хотин-қизлар қўмиталарининг раислари ижро этувчи ҳокимиётларда тегишли органлар раисларининг ўринbosарлари эканлиги, кўплаб жамоат ташкилотларини моддий қўллаб-қувватлаш учун устав фондларига маҳаллий ва республика бюджетидан маблағлар киритилаётганлиги, хайрия бирлашмаларига солиқларда ва бошқа имтиёзлар белгиланаётганлиги ҳам яққол мисолдир.

Давлат ҳокимиёти идоралари билан фуқароларнинг ташаббускор жамият бирлашмалари орасида яқинлик ва ўзаро алоқаларда маҳаллаларнинг алоҳида хизмати бор. Шарқдаги бу анъанавий жамоат ташкилотлари халқ орасида катта обрў-эътибор ва таъсир кучига эга: маҳаллада кўплаб майший масалалар ҳал қилинади, ҳашарлар, миллий маросимлар байрам, тўй, маъракалар ўтказилади. Ёшларни тарбиялаш кишилар орасида бир-бирига ҳурмат, яхши қўшничилик ва ўзаро ёрдам каби қадриятларни кенг ёйиш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлашда маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамияти катта.

Маҳалла жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилоти сифатида катта ҳуқуқ ва ва-

колатларга эга, унга ҳокимият органларининг бир қисми берилган. 1995 йилда маҳалла қўмиталари қарори билан 500 мингдан ортиқ муҳтож оиласалар 6 млрд. сўм миқдорида ёрдам олди. Давлатнинг бу бюджет маблаглари маҳаллалар ихтиёрига берилди.

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимлари билан фуқароларнинг тушаббускор бирлашмалари нисбати, уларнинг ўзаро муносабатларини кўйидаги жадвал кўринишида тасаввур қилиш мумкин:

### Ижтимоий-сиёсий тузум



Жадвалга шарҳ:

#### I. Сиёсий партиялар

- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида иштирок этадилар;
- Олий Мажлис сайловларида иштирок этадилар;
- маҳаллий вакиллик органларини тузишда иштирок этадилар;

#### II. Касаба уюшмалари

- хукумат, тармоқларнинг раҳбарлари, мулкчилик нинг барча щакллари раҳбарлари ва тадбиркорлар билан йирик битим ва жамоа шартномаларини тузадилар;

— ижтимоий сугурта маблағларининг бир қисмини тасарруф этади.

### III. Жамоат бирлашмалари

— хотин-қизлар қўмиталарининг раислари қоидага биноан ижро этувчи ҳокимият бошлигининг ўринbosаси ҳисобланади;

— маҳалла қўмиталари ижтимоий ёрдам учун ажратилган бюджет маблағларининг бир қисмини тасарруф этади.

### IV. Жамоат фонdlари

— Президент фармони билан таъсис этилади;  
— устав капиталида давлат маблағи ўз улушига эга;  
— солиқда ва бошқа имтиёзларга эга.

Айтилганлардан хулоса тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъruzасидан қўйида-ги ўринни келтириш мумкин:

«Эски қотиб қолган тизим билан янги тизим ўртасидаги кураш кескин тус олган ҳозирги ўтиш даврида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун кучли ижро ҳокимияти зарур...

Аммо ҳақиқий миллий равнақча биз факат... фуқаролик жамияти шароитидагина эришмоғимиз мумкин».

*И. Каримов*

*Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари, 12-бет.*

## **6. Ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг асосий йўналишлари ва бошқарув механизмларини такомиллаштириш**

«Биз XXI асрда яшайдиган янги уйимизнинг пойдеворини қуришни бошладик, холос. «Ўзбекистон янги аср бошида» деган узоқ муддатга мўлжалланган, кенг қамровли ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳайётга татбиқ этиш вақти келди.

«Бугун биз қандай давлат қураяпмиз? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, унинг қиёфаси қандай бўлиши керак? Янги демократик жамият шаклланишида унинг таъсири қандай бўлади?» — деган саволларга жавоб топиш, бу хусусда атрофлича фикр юритиш фурсати етди».

*И. Каримов*

*Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари, 5, б-бетлар.*

Мустақиллик ва янги, демократик, ҳукуқий давлат қуришнинг ўтган беш йили мобайнида Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида давлат ва жамият қурилишининг сиёсий асосларида туб бурилишлар ясаган муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакат авторитар, маъмурӣ-буйруқбозлик тизимнинг кишанларидан, якка партия ҳукмронлиги ва жамият ҳаётининг барча тармоқларини давлатлаштириш иллатидан озод бўлди. Янги давлат биносининг мустаҳкам пойдевори, устун ва тўсинлари қурилди. Энди унинг бутун меъморий қиёфаси тобора аниқроқ кўзга ташланмоқда.

Кенг ҳалқаро тажрибалардан ўтган ва демократиянинг барча талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Умумий, тенг сайлов ҳукуқи асосида вакиллик ҳокимияти тизими шаклланишининг демократик механизми вужудга келди. Мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органи — Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органлари биринчи марта қўппартиялик асосида сайланди. Ҳокимият тармоқлари бўлинишининг конституциявий тамоили қонун билан мустаҳкамланди ва амалда қўллани-

ла бошланди. Республика ва маҳаллий ҳокимият орғанларининг ваколат ва ҳуқуқлари дойраси аниқ белгиланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳалқаро қабул қилинган меъёрларга мувофиқ қонунлар ва Конституция билан мустаҳкамланди, бу соҳада қонунчиликка амал қилишни назорат этиш бўйича маҳсус орган тузилди.

Республикада сиёсий ҳаёт плюрализм, сиёсий тузилмалар, мафкура ва фикрларнинг ранг-баранглиги асосида ривожланмоқда. Кўп партияли тизим яратилди ва фаолият кўрсатмоқда, касаба уюшмалари, фахрийлар, ёшлар хотин-қизлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари ҳақиқий эркинликни ва қонун билан мустаҳкамланган кенг ҳуқуқларни қўлга киритдилар. Маҳаллалар ёшларни энг яхши анъаналар, ўзаро ёрдам, яхши қўшничилик ва ўзаро хурмат руҳида тарбиялайдиган асл марказларга айланди. Қонунчилик ва ҳуқуқтартибот мустаҳкамланди. Қонун жамиятни бошқаришнинг универсал воситасига айланди.

Хуллас, мустақилликнинг етти йили давомида Ўзбекистон Демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида шундай масофани босиб ўтдики, бошқа мамлакатлар бунга ўн йилликлар ва асрлар мобайнида эришган бўларди.

Шуниси муҳимки, бу катта ўзгаришлар ҳалқнинг ўзига хос ҳусусиятлари ва миллий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, ислоҳотларнинг босқичма-босқич усули билан ва иқтисодий можароларсиз, ларзаларсиз амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида, сиёсий барқарорликни, жамиядда умуммиллий тотувликни таъминлади.

Демократиялаш, ҳуқуқий маданият, фуқаролар фаолияти — булар бир зумлик ҳодисалар бўлмай, балки мунтазам ривожланиб борувчи жараёндир. Шу маънода, ҳаракат истиқболини олдиндан кўриш, зарур тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш мўлжалланган мақсадга етишнинг муҳим омилидир.

Тараққиётнинг янги вазифалари ва босқичлари Президент И.А.Каримовнинг нутқларида ва тадқиқотларида аниқлаб берилган ва демократияни янада чуқурлаштиришга, ҳуқуқни мустаҳкамлашга, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва фуқаровий фаолиятини оширишга йўналтирилган.

Навбатдаги вазифалар сифатида қўйидагилар белгиланган:

Жамиядда ижтимоий мувозанатни тартибга солиш

бўйича зарур қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Жамиятнинг ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга табақалашуви ихтилофларга сабаб бўлиши мумкин ва бу ижтимоий адолат тамойилларига тўғри келмайди ҳам.

Бозор муносабатларига ўтиш, албатта, кишиларнинг моддий жиҳатдан тенгсизлиги билан муқаррар равишда боғлиқ. Бироқ давлатнинг вазифаси шундан иборатки, жамиятнинг барча аъзолариға ўз ташаббус ва қобилиятларини юзага чиқариш учун тенг имкониятлар яратиб бериш, кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш ва ривожлантириш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кейинги йилларда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган қонунлар кўп сонли ўрга синфни шакллантиришга, кишиларда бир вақтнинг ўзида ҳам ишчи-ходим, ҳам даромад келтирадиган мулк ва қимматбаҳо қофозларга эгалик қилиш каби хўжайинлик туйгуларини қайта тиклашга йўналтирилган.

Давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонунлар тизимини такомиллаштиришни давом эттириш. Бунда уларнинг вақолат доираларини аниқ белгилаш, фаолиятларини уйғунлаштириш. Асосан — келажакда бошқарувни марказлаштирмаслик, бошқарув ишларининг катта қисмини секин-аста марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар ва туман органларига ўтишини таъминлаш. Жамиятни ортиқча бошқарув тармоқларидан тобора озод эта бориб, бу ишни ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказиш.

Ҳокимиятнинг суд тармоғи, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бутун тизими фаолиятининг йўналишларини ва мазмунини жиддий ислоҳ қилиш вазифаси турибди. Асосан жазоловчиликдан, у тобора кўпроқ, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишни касб эта боради. Шу маънода кейинги вақтларда Меҳнат қонунлари, фуқаролик кодексининг қабул қилиниши жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда иштирок этишининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш давом этмоқда. Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, ижодий уюшмалар ва ҳайрия жамғармалари ҳақида янги қонунлар ишлаб чиқилди.

Бозор ислоҳотларини қонун билан мустаҳкамлаш ишлари мунтазам такомиллаштирилмоқда. Бу ҳақда кейинги бобда батафсил тўхттаймиз. Бу ерда асосий вазифа шундан иборатки, бозор муносабатларининг бундан

кейинги ривожини, шунчаки буйруқбозлик билан идора қилиш эмас, балки қонун билан мустаҳкамлаш зарур.

Кучли ва адолатли ижтимоий сиёсатни, жамиятнинг маънавий покланишини таъминлайдиган қонунчиликни ҳам такомиллаштириш зарур, албатта.

Бу муаммолар ва йўналишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1996 йил 29 августанда Олий Мажлиснинг VI сессиясида “Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари” нутқида чукур ишлаб чиқилган ва ҳар томонлама кенг умумлаштирилган.

Давлатнинг ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий асосларини, демократияни такомиллаштиришнинг фақат мазмунигина эмас, шу билан бирга қонун чиқарувчилик ишларининг жараёни ва механизmlари ҳам фавқулодда муҳимдир. Бу ҳақда И.А. Каримов ўзининг “Ўзбекистон бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида” китобида шундай дейди:

“Ҳозирги вақтда ислоҳотлар жараёнини давлат-хуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг яхлит тизими таркиб топди. Бу тизим ҳокимиятнинг ҳамма тармоқларини: Президентлик бошқаруви шаклини, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларини ўзида узвий қовуштиради. Бундан ташқари, у ошкоралик, қабул қилинаётган қарорларни очиқ ва кенг кўламда муҳокама қилиш қоидаларига қаттиқ асосланади”.

Давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, фоят муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқлади ва унинг фармонлари билан тасдиқланади. Айни шу фармонлар ислоҳотларнинг асосий мафкурасини ва уларни амалга оширишнинг муҳим босқичларини ўзида акс эттиради. Қабул қилинаётган муҳим қарорлар қандай мақсадга қаратилганлиги, уларни амалга ошириш механизми фармонларда очиб берилади.

Фундаментал, барқарор ва узоқ амал қиладиган меъёрлар ва қоидалар Қонунларда ўз аксини топади. Қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган талаблар мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўғридан-тўғри ва мажбурий суратда бажарилиши шарт. Ислоҳотлар жараёни ривожланиб ва чуқурлашиб борган сари, уларнинг ҳуқуқий негизи сайқалланиб ва такомиллашиб борилади, қабул қилинган қонун ҳужжатларига ўз вақтида зарур ўзгаришлар киритилади. Бу ҳол қонунларнинг таъсирчанлигини

ошириш, уларнинг амалда таркиб топаётган ижтимоий-иқтисодий шароитлар билан бевосита алоқасини кучайтириш имконини беради.

Фармонларда қабул қилинадиган ечимлар ҳукумат қарорларида ҳуқуқий асосда батафсил ёритиб берилади ва аниқ чора-тадбирлар билан мустаҳкамланади. Ҳукумат қарорларини қабул қилиш йўли билан иқтисодий ислоҳотларнинг боришини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан жадал суратда тартибга солиш, иқтисодиётнинг фоят муҳим бўғинлари ва соҳаларини ўзгартириш жараёни амалга оширилади.

Ҳукумат даражасида қабул қилинадиган чора-тадбирлар фоят муҳим халқ ҳужалик муаммоларини ҳал қилишга бўйсундирилади, ислоҳот жараённинг ҳамма қатнашчиларини бу жараённинг фоят муҳим томонларига йўналтирилади. Кўпгина қарорлар муаммоларнинг баён этилиши ва мазмуни жиҳатидан белгиловчи ҳарактерга эга бўлиб, иқтисодиётнинг айрим бўғинларида ислоҳотларни авж олдиришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қиласи. 1994—1998 йилларда бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди, улар миллий валютани мустаҳкамлаш, пул эмиссиясини қисқартириш, республиканинг истеъмол бозорини товарлар билан бойитиш, валютани тартибга солиш, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фермер (дехқон) ҳўжалигини ривожлантириш, саноатни бошқариш структурасини такомиллаштириш ва бошқа муаммоларни ҳал қилишда мутлақо янгича ёндашувларни очиб берди.

Қонунлар, фармонлар ва қарорларни умумий ва ўзаро алоқадорликда олган ҳолда, бизда амалга оширилаётган ислоҳотларни давлат-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг яхлит, прогрессив тизими таркиб топди.

Кейинги йилларда қонун чиқариш тизимининг ўзигина эмас, балки қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш қабул қилиш механизми ҳам вужудга келди. Қабул қилиниши мўлжалланаётган фоят муҳим ҳужжатларнинг лойиҳаларини ошкора ва кенг муҳокамага қўйиш амалиётда мустаҳкам қарор топди. Қабул қилинаётган барча қонунлар, меъёрий ҳужжатлар матбуотда босилиб чиқмоқда, телевидение орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ёритилмоқда, аҳолининг фоят кенг қатламларига етказилмоқда. Жуда муҳим масалалар бўйича, уларни омма онгига етказиш учун фаол тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, бу ишда ҳуку-

мат аъзолари, депутатлар, олимлар ва мутахассислар қатнашмоқдалар.

Бундай тизим ва механизмларнинг самарадорлиги ни қуидаги мисолда кўриш мумкин. 1994 йил 21 январда республикамиз Президенти Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни муҳофаза қилиш тадбирлари тўғрисидаги фармонни имзолади. Бу эса Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишида сифат жиҳатдан янги, иккинч босқичга киришини кўрсатар эди.

Бу ҳужжатнинг мазмунини ташкил этган янги қоидалар “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”, “Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Хорижий инвесторлар ва инвесторларга кафолат бериш тўғрисида” ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган ва ўзининг ҳар томонлама кенг ҳукуқий ривожини топган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳам, ўз навбатида бозор ислоҳотларини жадаллаштиришга, инвесторлар ва тадбиркорларнинг суғурта ва бошқа кафолатларини кучайтиришга, кичик корхоналарни рўйхатга олиш ишларини соддалаштириш кабиларга йўналтирилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқди.

Мустақиллик йилларида Президентнинг 1500 га яқин фармонлари, 300 дан ортиқ қонунлар ва парламентнинг 600 дан ортиқ қарорлари қабул қилинди, 100 дан ортиқ ҳалқаро конвенциялар ратификация қилинди. Буларнинг ҳаммаси демократия ва бозор ислоҳотларининг янада чуқурлашуви учун, тараққиёт ва ободончилик йўлидан илгарилаб бориш учун кенг ва ишончли ҳукуқий майдонни юзага келтирди.

«Ҳозирги вақтда демократик сиёсий тизимнинг энг муҳим субъекти бўлмиш давлатчиликни ислоҳ қилишда янги вазифалар кўндаланг турибди. Бу, авваламбор, ҳозирги босқичда сиёсий институтларнинг ва нодавлат ижтимоий уюшмаларнинг хилма-хиллиги ҳамда уларнинг роли мустаҳкамланиши, аҳолининг сиёсий фаоллиги ошиши асосида жамият ҳаётини янада демократиялаш вазифалари муҳим ва долзарб бўлиб қолганилиги билан изоҳланади».

*И. А. Каримов*

## **Маълумотномалар қисми**

Ўзбекистон парламенти қабул қилган хужжатлар:  
Жамоат бирлашмалари тўғрисида қонун, 1991 йил  
15 февраль.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисида қонун, 1997  
йил.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида  
қонун, 1997 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғ-  
рисида қонун, 1991 йил 18 ноябрь.

“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фао-  
лиятининг кафолатлари тўғрисида қонун”, 1992 йил 2  
июль.

“Прокуратура тўғрисида” Ўзбекистон Республика-  
си қонуни, 1992 йил 9 декабрь.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1993  
йил 6 май.

“Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди  
тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1993 йил  
2 сентябрь.

“Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари  
тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1993 йил  
2 сентябрь.

“Судлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қону-  
ни, 1993 йил 2 сентябрь.

“Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессу-  
ал Кодексини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Рес-  
публикаси қонуни, 1993 йил 2 сентябрь.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сай-  
лов тўғрисида” Ўзбекистон республикаси қонуни, 1993  
йил 28 декабрь.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенга-  
шига сайлов тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қону-  
ни, 1994 йил 5 май.

“Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари  
тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1994 йил  
5 май.

“Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” Ўзбекис-  
тон Республикаси қонуни, 1994 йил 6 май.

“Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси  
тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1994 йил  
22 сентябрь.

“Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини тасдиқлаш тұғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1994 йил 22 сентябрь.

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини тасдиқлаш тұғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1994 йил 22 сентябрь.

“Ўзбекистон республикасининг Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида” қонун, 1994 йил 22 сентябрь.

“Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бүйича вакилини сайлаш тұғрисида” қарор, 1995 йил 23 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Олий хұжалик судини сайлаш тұғрисида қарор, 1995 йил 5 май.

Ўзбекистон республикасида депутатларнинг мақоми тұғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1995 йил 5 май.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бүйича Вакили ҳузурида Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссиясини тузиш тұғрисида қарор, 1995 йил 5 май.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тұғрисида” қонун, 1995 йил 30 август.

“Ўзбекистон Республикаси Мәдненет кодекси” қонуни, 1995 йил 21 декабрь.

“Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси” 1995 йил 21 декабрь.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судини сайлаш тұғрисида қарор, 1995 йил 22 декабрь.

“Сиёсий партиялар тұғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1996 йил 26 декабрь.

“Адвокатура тұғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1996 йил 27 декабрь.

“Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бүйича вакили (Омбудсман) тұғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1997 йил 24 апрель.

## **Вазирліклар ва давлат құмиталари**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат қўрса-тиш вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир-лиги

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазир-лиги

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги, Ме-лиорация ва сув хўжалик вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаш-тириш вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда ҳолатлар бўйича вазирлик

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки ва тадбир-корликни қўллаб-қувватлашни бошқариш Давлат қўми-таси

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси — “Ўздавархитектқурилиш”

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва мине-ресурслар қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Деҳқончилик саноати комплексини моддий-техникавий таъминлаш ва техни-кани тузатиш давлат кооператив қўмитаси - “Ўзқишлоқ хўжаликтаъминоттузатиши”

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва ста-тистика вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмончилик қўми-таси

## **Ўзбекистон Республикаси марказий муассасалари**

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси  
Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Ўзиккиламчиранглиметалл” акционерлик жамияти  
Ўзбекистон давлат коинотни тадқиқ этиш агентлиги — “Ўзбеккоинот”  
“Махсусқотишишма” — республика ташкилоти  
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - “ЎзА”  
Ўзбекистон Республикаси Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Давлат агентлиги  
Ўзбекистон Карлар жамияти  
Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти  
Ўзбекистон Республикаси матлубот жамиятлари уюшмаси  
Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-куватлаш жамғармаси  
Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта ҳимоялаш агентлиги  
Чет эл инвестициялари агентлиги  
“Ўзбекинвест” миллий суғурта компанияси

## **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги марказий муассасалар**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика ишлаб чиқариш давлат-кооператив қурилиш бирлашмаси — “Ўздеҳқончиликкурилиш”  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ёғоч тайёрлаш, қурилиш конструкциялари ишлаб чиқариш ва ёғочни қайта ишлаш бош бошқармаси — “Ўзбошқурилишёғочсаноат”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метеорология ва сертификация маркази — “Ўздавстандарт”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия ва картография бош бошқармаси — “Ўзгеодезия”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси — “Бошгидромет”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Давлат моддий захиралар бош бошқармаси - “Ўздавзахира”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги олий аттестация комиссияси — “ЎзОАК”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси - “Атамақўм”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Диний ишлар бўйича қўмита.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат алоқаси хизмати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Бош архив бошқармаси — “Ўзбошархив”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси хузуридаги миллий комиссияси

### **Корпорациялар, концернлар, ўюшмалар, компаниялар**

Ўзбекистон Республикаси “Ўзбектуризм” миллий компанияси

Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси — “Ўздавкинокомпания”

Ўзбекистон Миллий суғурта компанияси — “Ўзбекинвест”

Ўзбекистон давлат телевидение ва радиоэшиттириш компанияси — “Ўздавтерадио”

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акционерлик компанияси

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий компанияси

“Ўзбекнефтгаз” нефть ва газ саноати миллий корпорацияси

Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши давлат корпорацияси — “Ўзсаноатхўжаликқурилиш”

“Маҳаллий саноат” давлат корпорацияси

Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорацияси — “Ўзавтотранс”

“Тошкент уй-жойинвестқурилиш” Тошкент молия-курилиш корпорацияси

Дон маҳсулотлари давлат-акционерлик корпорацияси — “Ўздонмаҳсулот”

“Ўзбалиқ” давлат акционерлик корпорацияси  
Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиш давлат концерни - “Ўзсувқурилиш”

Ўзбекистон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш давлат концерни — “Ўзқурилишматериаллари”

Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металлар ва олтин давлат концерни — “Қизилқумнодирметаллолтин”

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акционерлик концерни — “Ўзавтойўл”

Ўзбекистон фармацевтика саноат давлат-акционерлик концерни — “Ўзфармсаноат”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги “Шарқ” нациёнт-матбаа концерни

Ўзбекистон “Савдо” давлат-акционерлик уюшмаси — “Ўзбексавдо”

Ўзбекистон республика савдо-харид уюшмаси — “Ўзтайёрловсавдо”

Ўзбекистон енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси — “Ўзбекенгилсаноат”

Ўзбекистон матлубот жамиятлари республика уюшмаси — “Ўзбекбирлашув”

Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси — “Ўзулгуржибиржасавдо”

Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш давлат-акционерлик уюшмаси — “Ўздавпахтасаноатсотиши”

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналари давлат уюшмаси — “Тоашаҳарийўловчитранс”

Ўзбекистон Давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси — “Ўзбектрансқурилиш”

Ўзбекистон монтаж ва маҳсус қурилиш ишлари уюшмаси — “Ўзмашсаноат”

Ўзбекистон олтин қазиб олиш ва олмосга ишлов бериш корхоналари уюшмаси — “Ўзолмосолтин”

Ўзбекистон радиоэлектроника, электроника ва асбобсозлик саноати корхоналари уюшмаси — “Ўзэлтехсаноат”

Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмаси — “Ўзавтосаноат”

Ўзбекистон кимё саноат корхоналари уюшмаси — “Ўзкимёсаноат”

Ўзбекистон республика мева-сабзавот ва узумчилик саноат уюшмаси — “Ўзмевасабзавотузумсаноат”

ЁF-мой ва тамаки саноати корхоналари уюшмаси - “ЁFмойтамакисаноат”

Қандолатчилик чой ва пиво-алкоголсиз ичимликлар саноати Корхоналар уюшмаси — “ Озиқовқатсаноат”

Ўзбекистон республикаси аҳолига майший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар уюшмаси - “Ўзмаишийуюшма”

Ўзбекистон Республикаси гүшт-сут саноат давлат-акционерлик уюшмаси — “Ўзгүштсұтсаноат”

Ўзбекистон республикаси Ҳалқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси

“Ўзагрокимёсервис” давлат-акционерлик уюшмаси

Ўзбекистон республикаси Шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмаси

Кўмир қазиб олиш ва сотиш акционерлик бирлашмаси — “Кўмир”АБ

“Ўзбекистон металлургия комбинати” акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси — “Ўзметкомбинат”

Ўзбекистон нефть ва газ саноат соҳаларида лойиҳалаш ва илмий-текшириш ишларини олиб борувчи давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси — “Ўзнефтгазфан”

Ўзбекистон нефть ва газ саноати иншоотлари қурилиши бўйича давлат-акционерлик бирлашмаси — “Ўзнефтгаз-курилиш”

Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат-акционерлик бирлашмаси — “Ўздавнефтмаҳсулот”

Ўзбекистон нефть ва газ қазиб олиш давлат-акционерлик бирлашмаси — “Ўзнефтгазқазиболиш”

Ўзбекистон Республикаси Паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси — “Ўзпаррандасаноат”

Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт-санитария бирлашмаси

Республикаси Пиллачилар уюшмаси — “Пилла”

“Ўзсабзавотнавуруғ” республика бирлашмаси

Ўзбекистон табиий газ узатиш давлат бирлашмаси — “Ўзгазузатиш”

Ўзбекистон Республикаси ҳалқ истеъмол товарларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш бирлашмаси — “Ўзсаноатжорий”

“Сирдарё” ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг жамоа хўжаликларида қурилиш бўйича рес-

публика давлат-кооператив бирлашмаси — “Ўзжамоа-хўжаликқурилиш”

## **Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари ва жамғармалари**

Ўзбекистон халқ демократик партияси

“Ватан тараққиёти” партияси

“Халқ бирлиғи” ҳаракати

“Адолат” социал-демократик партияси

“Миллий тикланиш” демократик партияси

Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармаси

“Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаған халқаро ҳайрия жамғармаси

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси

“Маҳалла” Республика ҳайрия жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси

Республика “Наврӯз” ҳайрия жамғармаси

Абдулла Қодирий номли жамғарма

Алишер Навоий номли жамғарма

Ўзбекистон Республикаси “Истеъдод” истеъдодли ёшлар жамғармаси

Ўзбекистон ижодкорлар жамғармаси

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси

“Умид” жамғармаси

“Устоз” жамғармаси

“Бобур” номли халқаро жамғарма

Ўзбекистон маданият жамғармаси

Республика матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма

Республика меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси

Халқаро нодавлат экология ва саломатлик “Экосан” жамғармаси

Ўзбекистон “Ҳайрия, саломатлик ва спорт” ногиронлар жамғармаси

Т. Содиқов номли халқаро ҳайрия жамғармаси

Амир Темир номли халқаро жамғарма

Собир Раҳимов номли Республика ҳайрия жамғармаси

## ІІІ БОБ.

### Иқтисодий ислоҳотлар. Бозор муносабатларининг шакллантирилиши

Бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонунлар асосида ишлайдиган иқтисоддир.

Бозор иқтисодиёти қадим замонлардан бошлаб минг йиллар давомида шаклланиб, такомиллашиб келмоқда. Иқтисодий тараққиётда бозор муносабатлари икки хил шаклда намоён бўлди.

Биринчisi, тартибсиз стихияли фаолият юритувчи бозор иқтисодиёти. Бунда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар тарқоқ ҳолда, стихияли ҳолда фаолият юритадилар.

Иккинчisi, давлат, иқтисодий қонунлар ва иқтисодий воситалар билан тартибга солинадиган, бошқариладиган бозор иқтисодиёти. Унинг хусусиятлари:

- товар ишлаб чиқарувчилар иқтисодий эркин бўлади;

- кишилар мулк эгаси бўлади, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот эгаси бўлиб, уни ўзи хоҳлаганича сотиш ва сотмай туриши мумкин;

- товар олди-соттиси сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига асосланади;

- товар ишлаб чиқарувчилар бозорда эркин рақобатда бўладилар;

- бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, истеъмолчи ўз шартини қўяди, чунки пул унинг қўлида бўлади;

- бозорда нимага талаб ошса, шу нарсани ишлаб чиқариш фойдали бўлади;

- жамият аъзолари ўз даромадига кўра табақаланади.

Бугунги кунда дунёда тартибга солинадиган бозор муносабатлари иқтисодиётнинг етакчи шаклига айланниб бормоқда. Бироқ, барча мамлакатларда бозор муносабатлари айнан бир хилда бўлмайди. Иқтисодиёт, хоҳ АҚШ ёки Буюк Британияда бўлсин, хоҳ Япония ёки Германияда бўлсин, умумий қонунлар бўйича шаклланиб ва ривожланиб борган ҳолда ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлади.

# 1. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви унинг мустақил иқтисодий сиёсат юргазиши учун қулай шароит яратди.

Иқтисодий муносабатларни маъмурӣ-буйруқбозлиқ, марказий-режалаштирувчи механизм ва шаклларидан демократик, бозор иқтисодиёти шароитларига ўтказишни мустақил, ўз эрки билан белгилаш имконини берди, шунингдек жаҳон хўжалиги алоқалари тизимиға киришнинг самарали йўлларини топиш мумкин бўлди.

Мустақиллик йиллари — бу республика иқтисодини ривожлантиришнинг ўз йўлини фаол излаш ва уни амалга ошириш, шунингдек иқтисодий муносабатларни ва халқ хўжалигини қайта қуриш, тизимларни ислоҳ қилиш йўлида зур файрат кўрсатиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини, жаҳон ҳамжамияти билан алоқаларини мустаҳкам боғлаш даври бўлди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг илмий-назарий асослари, қоидалари И. Каримовнинг “Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” ва бошқа асарларида пухта ишлаб чиқилди ва иқтисодий ислоҳотлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

Жамиятни ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янгилашнинг ўз йўли иккита ибтидоий асоснинг бирикувига асосланади:

Биринчи — жаҳон тажрибаларини ҳар томонлама ўрганиш, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш бўйича жаҳон тажрибасида тўпланган барча мутараққий ишларни кенг қўллаш;

Иккинчи — Республиканинг ўзига хос шароитини, анъаналари, урф-одатлари, Ўзбекистон халқининг ҳаёт тарзини ҳар томонлама кенг ва тўла ҳисобга олиш.

“Бундай шароитда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозасини танлаб олиш жуда катта аҳамиятга молик. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек Ўзбекистон халқининг миллий тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналар ва руҳияти хусусиятига таяниши лозим”.

И. А. Каримов  
Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, 5-бет.

Иқтисодий ислоҳотлардан мақсад — иқтисодий тангликин бартараф этиш, маъмурий ривожлантирув тизими келтириб чиқарган ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришдаги номувофиқликка, соҳалардаги ҳудудий номутаносибликка барҳам бериш, ижтимоий йўналтирилган очиқ бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, иқтисодий муносабатларни, энг аввало мулкчиликка муносабатни ва хусусий мулкчилик қатламини шакллантиришга муносабатни ўзгартириш.

Ўзбекистон танлаган ислоҳот йўли ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатини шакллантиришга қаратилган.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди бир вақтнинг ўзида ҳам бозор, ҳам ижтимоий муносабатлардир. У иқтисодий ривожланишда бозор механизмининг самарали бўлишини, кучли ижтимоий кафолатни назарда тутади, аҳоли турмушининг юқори даражада бўлишини таъминлайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тақозо этади.

Давлат қурилиши дастурининг ва Ўзбекистон иқтисодини ислоҳ этишнинг бутун ўзаги мамлакат Президенти И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойилдир. Бу тамойиллар ҳаёт синовидан ўтди. Тажриба уларнинг тўғрилигини ва самарадорлигини тасдиқлади. У жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди, энг муҳими уни халқ қабул қилди ва қўллабкуватлади.

Бу тамойилларнинг турмушга татбиқ этилиши республикада сиёсий барқарорликни таъминлайди, шу билан бирга, бозор муносабатларига ўтишда изчилликни вужудга келтиради.

Иқтисодиётни ислоҳ этиш тамойиллари қуидагилардан иборат:

Биринчидан, иқтисодиётни мафкурадан батамом холи қилиш. Иқтисодиёт сиёсатдан устун турмоги, уни ички мазмунини ташкил қилмоғи лозим. Айнан иқтисодиёт, уни янада ривожлантириш муаммолари ҳозирги сиёсатимизнинг асосий мазмунидир.

Иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислоҳотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётининг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий

ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқарйши керак.

Учинчидан, янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоғи зарур. Иқтисодий ўзгаришлар синалган, амалий кучга эга бўлган қонунга таянгандаги на бу ўзгаришлар сезиларли натижа бериши, муқаррар бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, Демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолини мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чоратадбирларни олдиндан амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин.

Ниҳоят бешинчидан, иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатларини шакллантириш, пухта ўйлаб босқичмабосқич амалга оширилиши лозим.

Беш тамойилнинг ҳаммаси ҳам демократик ва иқтисодий ўзгаришларни муваффақиятли ислоҳ қилиб борища бирдай муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга бозорга босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Бу етакчи тамойиллардан биридир. Бу иқтисодий ислоҳотларнинг бутун ички мантиқини, ривожланиб бориши ва характеристини белгилаб беради.

Кейинги мавзуларда бу тамойилларни ҳар бири ва уларни бажаришнинг чора-тадбирлари батафсил кўриб чиқилади. Бу ерда эса муаммони тафсилотлари билан очишнинг олдини олган ҳолда, шуни таъкидлаш мақсадга мувофиқи, ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги, айрим ичиқора кишиларнинг тасаввур қилишларича, сусткашликни, бир жойда депсиниб туришни ва тўхтаб қолишни билдирамайди. Бу фақат ўзгаришларга пухта тайёргарлик кўришни, ижтимоий иморатни қаватмават бунёд этишни билдиради. Ҳар бир босқичнинг мазмуни мақсадларнинг бирлигини ва уларга эришишда изчилликни таъминлаши зарур. Ҳар бир босқич учун белгиланган аниқ мақсадлар ва уларни бажариш учун ишлаб чиқилган тўғри механизмларгина танланган йўлдан ишонч билан мунтазам олга силжишни таъминлайди. Бу, белгиланган мақсадларга эришиш учун мавжуд кучларни ва имкониятларни мужассам этиш иложини туғдиради, энг муҳим ва биринчи ўриндаг вазифаларни аниқлаш ва уларни ижтимоий ислоҳотларни таъминлайди.

муваффақияти йўлида хизмат қилдиришга шароит яратади.

Бир босқични охирига етказиб ва тегишли асос замин яратиб кенг янги босқичга ўтиш мумкин. Иқтисодий ислоҳотлар секин-аста, қадамба-қадам бозор муносабатларининг аниқ механизмларни шакллантириши керак. Бу механизмлар бирданига ишга тушмайди, улар аста-секинлик билан ишлайди ва тобора йўлга кўйила боради.

Ҳар бир босқичда фикрни жамлаб, янги тизимнинг афзаликларига кишиларни аниқ натижалар асосида ишонтирибгина ислоҳотларни охирига етказиш мумкин, иқтисодий тизими ривожланган, самарали ижтимоий муносабатлар йўлга кўйилган жамият қуриш мумкин.

Демократик жараёнларни ва иқтисодий ўзгаришларни муваффақиятли ислоҳ қилиш учун барча тамойиллар ҳам бирдай муҳим белгиловчи аҳамият касб этади.

Бутун ислоҳот жараёнларининг бошланғич нуқтаси узоқни кўзлаган мақсадни — стратегияни тўғри ташлан иборатлир. Умумий стратегияга эга бўлмай туриб ва мақсаднинг оқибат-натижасини кўз олдига аниқ келтирмасдан, иқтисодий ислоҳотларнинг самарали тадбирларини белгилаб бўлмайди.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг охир-оқибат мақсадини аниқлаб олиш ислоҳотларда ҳозирги замон стратегиясининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка, ўз миллий давлатчилигини қуришга ва мустаҳкам моддий база яратишга эришиш манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда унинг иқтисодий ислоҳотлар соҳасидаги стратегик мақсадлари қўйидагича белгиланган:

**Биринчи.** Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини босқичма-босқич шакллантириш, миллий бойликларнинг ўсишини, кишилар турмуши ва фаолияти учун муносиб шароитни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб борувчи тизим яратиш.

**Иккинчи.** Кўпукладли иқтисодни вужудга келтириш, кишининг мулқдан бегоналашувини бартараф этиш, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар тарафлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

**Учинчи.** Корхоналар ва фуқораларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик ишларига дав-

латнинг тўғридан-тўғри аралашувидан воз кечиш, иқтисодни бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлиқ усулларини йўқ қилиш, иқтисодий воситалар ва рафбатлантиришларни кенг қўлаш.

**Тўртингчи.** Моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни, рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни, жаҳон иқтисодиёт тизимига кириб боришни таъминлайдиган чуқур иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш.

**Бешинччи.** Кишиларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини қўлаш соҳалари ва шаклларини ўзи мустақил белгилаб олиши учун имконият яратиш.

Стратегик мақсадларга изчил эришув натижасида ислоҳотлар биринчи босқичининг асосий ва муҳим томонлари аниқ белгилаб олинди. Энг аввало, бир мунча ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни яқин вақtlар ичида ҳал этишга ёрдам берадиган асосий тармоқлар топилди.

«Мустақил ривожланишнинг ўтган даврини умумлаштириш ва таҳлил этиш ислоҳ қилишнинг Ўзбекистон модели асосли ва тўғри бўлиб чиқди, деб айтиш учун тўла асос бор».

*И. Каримов*

## 2. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари ва бошқарув тизими

«Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатdir».

*И. Каримов*  
Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни  
чуқурлаштириши ўйлида, 29-бет.

Янги қонунлар туркумини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш бир қанча сабаблар туфайли зарур эди.

**Биринчидан,** илгари амал қилиб келган қонунлар

аввалги тоталитар тузумни ҳимоя қилиш манфаатлари-га хизмат қилиб келарди. Уларда корхоналарнинг иқтисодий эркинлигига ҳам, хўжалик юритишдаги ташаббусга ҳам, тадбиркорликка ҳам ўрин йўқ эди.

**Иккинчидан**, илгари Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ҳаммаси умумиттифоқ талабларига мослаштирилган бўлиб, республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмас эди.

**Учинчидан**, жаҳондаги демократик меъёрлар ва етакчи давлатларнинг қонун чиқариш соҳасидаги тажрибаларини ўргангандан ҳолда Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлига мос келадиган замонавий қонунчилик негизини шакллантириш, ислоҳотларни ҳукуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ўз механизмимизни яратиш зарур эди.

“Мустаҳкам ҳукуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин”.

*И. Каримов.*

*Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириши йўлида, 29-бет.*

Тубдан янги, замонавий сиёсий, иқтисодий ва ҳукуқий муносабатларни ифодаловчи янги қонунлар мажмуи ҳукуқий демократик давлатга асос бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни давлат-ҳукуқий таъминлашнинг яхлит ва илгор тизими шаклланди. Унда ҳокимиятнинг барча тармоқлари: президент бошқарув шакли, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари мужассамдир. У ошкоралик, рўйи-ростлик ва қабул қилинаётган қарорларнинг кенг муҳокама қилиш тамойилларига қаттиқ таянади.

Республика иқтисодиётининг ҳукуқий асослари Президентнинг қатор фармонларида, қонунларда, ҳукумат фармойишларида ва бошқа меъёрий ҳужжатларда яна-да такомиллаштирилган. Бозор муносабатларининг ҳукуқий тизими шундай қурилганки, тарраққиётнинг ҳар бир босқичида ва аниқ бир ҳолат ёки ҳодиса муносабати билан қўлланиладиган муҳим ва Конституцияда мустаҳкамланган юридик ҳукуқий меъёрлар давлат бошлигининг фармонлари билан аниқланади ва, одат-

да, тараққиётдаги янгича йұналишни күрсатади. Кеңинчалик бу янги қоидалар қонұларда ўзининг ҳар томонлама асосланған ҳуқуқий заминини топади ва шунга мувоғиқ равищда уларни амалға оширишнинг бутун механизмларини ўз ичига олған батафсил мейёрдің ҳужжатлар ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқылади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бир неча муҳим йұналишлар бўйича амалға оширилди.

Бир неча муҳим йұналишлар бўйича иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари вужудга келтирилди.

**Биринчи йұналиш** — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва иқтисодий эркинлигининг ҳуқуқий асосларини яратиш, давлат бошқаруви тамойилларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилиш. Бу йұналиш доирасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”, “Ер ости бойликлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ва бошқа Қонунлар қабул қилинди.

Қабул қилинган қонунлар натижасида республика ва маҳаллий миқёсдаги бошқарув тизимларининг вазифалари аниқ белгиланди. Айниқса, миллий шароитларга мос келадиган ва жойларда ваколатли ҳокимиятнинг тўла ҳуқуқли органи бўлган ҳокимиятлар таркиб топди. Тарихан таркиб топган ва ўз илдизлари билан ҳалқнинг қадимий анъаналарига бориб тақаладиган ноёб механизм — фуқароларнинг ўзини-ӯзи бошқариш усули бўлган маҳаллалар қайта тикланди.

**Иккинчи йұналиш** — изчил ва мунтазам ўзгаришларга, сифат жихатидан янги иқтисодий муносабатларга, энг аввало, мулкчиликка муносабатга асос яратадиган қонунлар мажмuinи шакллантириш. Бундай қонунлар сирасига мулк тўғрисида, ер ҳақида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ижара ҳақида, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш ҳақидаги ва бошқа қонунлар киради.

Бозор муносабатларининг асослари ва зарур шартшароитлари бўлган кўпукладли иқтисодиётнинг шаклланышига имконият яратувчи барча ҳуқуқий мейёрлар бугунги кунда амалда вужудга келтирилди.

**Учинчи йұналиш** — хўжалик юритишнинг янги механизmlари ва ижтимоий қурилиш шаклларидаги ўзга-

ришлар учун тегишли шарт-шароитлар яратиш. Бу йўналиш корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик юритиш фаолиятини ҳар томонлама тартибга соладиган, бозорнинг мисли кўрилмаган янги тузилишларининг - инфратузилишларининг вужудга келишини таъминлайдиган кўплаб қонунлар ва меъёрий хўжжатларни ўз ичига олади.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида хўжалик юритувчи субъектларнинг мақомини, ҳуқуқ ва иқтисодий эркинликларни белгиловчи қонунлар қабул қилинди. Корхоналар ҳақидаги, кооперация ҳақидаги, деҳқон хўжалиги ҳақидаги, хўжалик уюшмалари ва ширкатлар ҳақидаги Қонунлар шулар жумласига киради. Бу қонунларда республикада янги хўжалик механизмининг асосий тамойиллари биринчи марта акс этган бўлиб, улар иқтисодий манфаатга, фаолиятдан келадиган фойдага ва унинг натижалари учун масъулиятга асосланган.

Бу қонунларнинг амалга киритилиши билан корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳам ўзгарди, ўз тури ва фаолиятига, бошқарувни ташкил этиш тизимига анча мос келадиган бўлди.

Бозор инфратузилишининг вужудга келиши ва фаолият курсатиш жараёнларини тартибга солишини таъминлайдиган қонунчилик меъёрлари фаол шаклланди. Уларнинг асосий қоидалари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, пул тизими тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, суурта тўғрисидаги, биржа ва биржа фаолияти тўғрисидаги, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги, қимматли қоғозлар бозорининг фаолият курсатиш механизми тўғрисидаги, акционерлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва бошқа қонунларда ўз ифодасини топган. Бу қонунларнинг қабул қилиниши билан республикада бозор механизmlарини ривожлантириш ишига мустаҳкам пойдевор қўйилди. Танҳо эгаликка асосланган (монопол) фаолиятни чегараловчи, корхоналарнинг синиш (банкрот)ини тан олиш тартибларини қоидалаштирувчи қонунчилик хўжжатларининг қабул қилиниши бозор муносабатларининг қарор топишида катта аҳамият касб этилиши керак. Бунинг учун Ўзбекистон республикасининг Хўжалик процессуал кодекси қабул қилинган ва хўжалик суди ташкил этилган.

Тўртинчи йўналиш — Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларда тенгҳуқуқли субъект эканлигини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрдарни яратиш. Ташқи иқтисодий

фаолият тұғрисида, Үзбекистон Республикасининг етакчи халқаро ташкилотларда аъзолиги тұғрисида, валютаны тартибга солиш тұғрисида, әркін иқтисодий миңтақалар тұғрисида қабул қилинган қонунлар шу жумлага киради. Үзбекистон томонидан асосий халқаро битим ва шартномаларнинг имзоланиши, унинг жағон бозорида үзаро фаол ҳаракат қилиши, жағон иқтисоди тизимиға кириб бориши учун ҳуқуқиң асослар яратди.

Республика иқтисодига хорижий инвестицияларни кенг жалб этишни таъминлайдиган, хорижий инвесторларнинг манбаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ишончли кафолат яратадиган қонунчилік ҳужжатларининг қабул қилиниши Үзбекистон учун алоҳида аҳамиятли бўлди.

**Бешинчи йўналиш — инсоннинг ишончли конституциявий ва юрилик ҳуқуқларини, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватланиши ва ижтимоий кафолатини таъминлайдиган қонунчилікни шакллантириш.**

Аҳолини иш билан таъминлаш тұғрисидаги, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тұғрисидаги, фуқароларни давлат нафақалари билан таъминлаш ҳақидаги, таълим тұғрисидаги, давлат ёшлар сиёсати асослари ҳақидаги, виждан әркинлиги ва диний ташкилотлар тұғрисида қабул қилинган қонунлар бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб шароитида аҳолининг бирмунча муҳтоҷ қатламлари манбаатларини қонун кучи билан ҳимоя қилиш, кишиларнинг руҳий, ижодий имкониятларини очиш, ислоҳотларни мустаҳкам ижтимоий асослар билан таъмин этиш имконини яратди.

Давлат ва иқтисодий ислоҳотларнинг Үзбекистон Республикаси Қонунлари ва Фармонларида баён этилган ҳамда амалда бажарилаётган асосий тамойиллари ўтиш даврининг, шунингдек, тугаб бораётган иқтисодий муносабатлар ва сиёсий тузумнинг ҳақиқий демократик қоидалар ва ижтимоий кафолатлар билан ҳуқуқиң алмашинуви жараёнининг мустаҳкам қонуний асосларини яратади.

“Мустақиллик йилларида республикада Халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва әркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқиң қоидалар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқиң макон вұждуга келтирилди”.

И. Каримов.  
Ўзбекистон XXI аср бусагасида ..., 201-бет.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш институционал (муассасалар соҳасидаги) ўзгаришларни, бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилишни талаб қиларди.

“... тоталитар тузумдан демократик тузумга, марказлаштирилган тартибда қайта тақсимлаш механизмидан бозор механизмига, қаттиқ маҳкамачилик ва маъмурий буйруқбозликдан иқтисодий омиллар ва рафбатлантириш чоралари асосида ўзини-ўзи бошқаришга ва ўзини-ўзи идора этишга ўтиш қийин, баъзан мاشаққатли бўлди”.

И. Каримов.

Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириши йўлида, 76-бет.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичидаёқ, маъмурий буйруқбозлик, тўрачилик тизимининг ўзагини ташкил этган Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат агравилоат қўмитаси ва шуларга ўхшаш бошқа Давлат қўмиталари ва вазирликлари, катта маъмурий аппаратлар тутатилди.

Янги бошқариш бўғинлари тузилди. Давлат макро-иқтисодиёт ва статистика вазирлиги тузилди. У иқтисодиётни ислоҳ қилиш қоидалари ва устуворликлар, уларни амалга ошириш механизmlари асосида ислоҳотларни таҳдил қилиб, таклифлар ишлаб чиқиш билан шуғулланади, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг кўп вариантили истиқболларини белгиламоқда.

Давлат таъминот қўмитаси ўрнига янги бозор структураси — Республика улгуржи ва биржа савдоси акциядорлик уюшмаси тузилди. Унинг таркибига республика акциядорлик биржа банки, ҳудудий акциядорлик тижорат-воситачи компаниялар киритилди. Булар мулчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш, teng шароитлар яратиш билан шуғулланмоқда.

Давлат нарх қўмитаси батамом тутатилди. Молия вазирлиги таркибида нарх-навони белгилашда яккаҳокимликни чеклаш, нархларни назорат қилувчи маҳсус бошқарма фаолият кўрсатмоқда.

Молия ва банк тизими тубдан ислоҳ қилинди. Молия

лия вазирлиги давлат бюджетини шакллантирадиган, давлат солиқ сиёсати ва молия сиёсатини белгилайдиган, валюта ишларини бошқарадиган булди. Банк тизими бозор иқтисодиётiga мослаштирилди. Давлат назорат тизими тартибга солинди. Президент девони ва ҳокимиятларда назорат инспекцияси тузилди. Давлат солиқ қумитаси ва Давлат божхона қўмитаси ташкил этилди.

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тузилди. У мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шугулланмоқда.

Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида республика тарихида биринчи марта Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди. Бу вазирлик товарлар ва хизматлар халқаро бозорини таҳлил қилиш, ташқи иқтисодий стратегияни ишлаб чиқиш, экспорт-импорт бўйича марказлашган тартибда маҳсулотлар етказиб бериш ишларини ташкил қўйимоқда. Ташқи иқтисодиёт Миллий банки, вазирликлар, идоралар ва корхоналарда ташқи иқтисодий бўлимлар, фирмалар ташкил этилди ва фаолият юритмоқда.

“Республикада ташқи алоқаларни таъминлайдиган яхлит тизим таркиб топди”.

*И. Каримов.  
Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни  
чукурлаштириш ўйлида, 83-бет.*

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт бўйича эски тармоқ вазирликлари тугатилди. Улар ўрнида бозор шароитларига мослашган хўжалик бирлашмалари, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, холдинг компаниялари тузилди.

Иқтисодий ислоҳотларни мувофиқлаштириш мақсадида Президент ҳузурида иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идоралараро кенгаш тузилди. У умуммиллий аҳамиятга молик бўлган долзарб муаммолар ечимини топиш билан шуғулланмоқда.

### **3. Кўп укладли иқтисодиёт ва мулкдорлар синфининг шаклланиши**

Бозор иқтисодиёти, аввало, турли мулк шаклларига, кўп укладли иқтисодиётга асосланади. Шу боисдан Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотларда етакчи ўринда турди.

Хусусийлаштириш танлов ва ким ошди савдоси орқали амалга оширилди. Дастреб савдо-сотиққа фақат мол-мулкнинг ўзи қўйилган бўлса, кейинроқ хусусийлаштирилаётган мол-мулк жойлашган ер участкалари, янги қурилиш қилиш учун ер майдонлари ҳам ким ошди савдосига қўйилди.

Республикамизда хусусийлаштириш қандайdir кишилар манфаатига бўйсундирилмади, чек (ваучер) асосида хусусийлаштиришга йўл қўйилмади. Хусусийлаштиришга давлат бошчилик қилди. Мол-мулкни сотиш асосида мулкчиликнинг бошқа шакллари, мулкдорлар вужудга келди.

Хусусийлаштириш, мулкчилик шаклларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун ва маҳсус давлат дастурлари асосида амалга оширилди.

Хусусийлаштириш уй-жой фондидан, савдо, хизмат курсатиш ва маҳаллий саноат корхоналаридан бошланди. Бу кичик хусусийлаштириш деб ном олди.

Давлат мулкини хусусийлаштириш бошланган даврдан бери 1994 йил охиригача 54 мингтга яқин корхона ва обьект давлат тасарруфидан чиқарилди. Уларнинг 18,4 мингтаси хусусий мулк булиб қолди. 26,1 мингтаси акциядорлик, 8,7 мингтаси жамоа, 661 таси ижара корхоналарига айланди.

*И. Каримов.  
Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни  
чукурлаштириш йўлида, 56-бет.*

1994 йилда мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг деярли ярми иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқилди, бу секторда 4 миллионга яқин киши иш билан банд бўлди.

1995 йилдан бошлаб халқ хўжалигида оммавий хусусийлаштириш авж олди. 1997 йил 1 январига келиб аксарият корхоналар хусусийлаштирилди. Агар 1993 йилда жами корхоналарнинг 39,4 фоизи давлатга тегишли бўлмаган бўлса, 1997 йил бошида бу кўрсаткич 82,7 фоизга етди. Шу йилларда нодавлат секторида ишловчиларнинг салмофи халқ хўжалигида банд бўлган барча аҳоли таркибида 48 фоиздан 70 фоизга кўтарилди.

Хўжаликнинг аграр секторида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. 1992—95 йилларда қишлоқ туманларидағи 1137 давлат хўжалиги (совхоз) бошқа мулк шаклига — 530 жамоа хўжалигига, 350 кооперативга, 100 дан ортиқ ижара ва бошқа мулк шаклларига айлантирилди. Қишлоқ туманларидағи колхозларнинг чинакам кооператив моҳияти тикланди.

Қишлоқ аҳолисига шахсий таморқа учун қўшимча равишда 550 минг гектар суғориладиган ер ажратилди. Шахсий томорқа учун берилган ер майдони 700 минг гектарга етди. 9 миллиондан ортиқ қишлоқ аҳолиси ана шу ер ҳосилидан фойдаланмоқда. Қишлоқларда дәҳқон (фермер) хўжаликлари вужудга келди, уларнинг сони 1997 йил бошларида 19,5 мингдан ошиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида “Ер Кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги, “Дәҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонун хужжатларининг қабул қилиниши иқтисодиётнинг аграр секторида туб ўзгаришлар ясаш имкониятини яратди. Ўтган давр мобайнида янги шаклдаги хўжаликларни шакллантириш учун хукуқий ва моддий-техникавий замин яратилди.

Ўзбекистон иқтисодиётида асосий ўринни эгаллаган қишлоқ хўжалигининг улуши 1997 йилда халқ хўжалигини ялпи маҳсулоти таркибининг 27,1% ни (1993 йилнинг таққослама баҳоларида) ёки 1392,8 млн. сўмни ташкил этди.

Республикада 15 млн. кишига яқин аҳоли қишлоқда яшаб, жами аҳоли сонига нисбатан 62,2%ни ташкил этди (1997 й.) ёки бу кўрсаткич 1996 йилга нисбатан 325,3 минг кишига ёки 2,2 %га ошиди.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг халқ хўжалигида банд бўлганлар таркибидаги улуши 1997 йилда 40%га яқин бўлди. Агарда бу кўрсаткични мулк шакллари бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, у ҳолда

ширкат хўжаликларида — 18,4%, деҳқон хўжаликларида — 1,6%, шахсий ёрдамчи хўжаликларида — 16,2%, фермер хўжаликларида — 2,2% аҳоли банд бўлган.

Ўзбекистон йирик пахта ишлаб чиқарувчи давлатлардан бири ҳисобланниб (Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Покистон давлатларидан кейин бешинчи ўринда), экспорт бўйича АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туради.

Охирги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида маълум даражада структуравий силжишлар юз берди. Суғориладиган ерлардаги экин майдонларининг улуши умумий экин майдонларига нисбатан 87%ни, шундан донли ва дуккаклилар 44,5 %, пахта 36,5%, картошка 1,4% ва сабзавотлар 3,1%ни ташкил этди.

Республика аҳолисини дон маҳсулотлари билан тўла таъминлаш қишлоқ хўжалиги олдида турган асосий вазифа ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда бошоқли дон экинлари майдони охирги йилларда кўпайиб, 1997 йилда 1577 минг гектарга етди. Донли экинлар ишлаб чиқариш ушбу йилда 3788,1 минг тоннани ташкил этиб, 1996 йилга нисбатан 226,1 минг тоннага ёки 6,3%га ошди. Донли экинлар таркибида буғдой ишлаб чиқариш 331,6 минг тоннага ёки 21,1% кўпайди. Давлатга 1997 йилда 1859,3 минг тонна бошоқли дон, шу жумладан 1707,8 минг тонна буғдой сотилди. Бу кўрсаткич 1996 йилга нисбатан 30,3 ва 27,5 минг тоннага кўпдир.

1994 йилда пахта ва дондан ташқари барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмаларини ўрнатиш бекор қилинди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, пахта ва дондан ташқари, хўжаликлар томонидан эркин бозор нархларида сотилмоқда. Пахта ва донга қисман давлат ҳаридлари сақланиб қолди. 1998 йилдан бошлаб пахта толасининг давлат ҳариди жами ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 30% ташкил этади, деб белгиланди. Донга эса давлат ҳариди ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 25% миқдорида ўрнатилган.


Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти таркибида охирги йилларда шахсий ёрдамчи хўжаликлари салмоғининг ўсиш суръатлари кузатилди. Масалан, 1994 йилда унинг салмоғи 39,1%ни ташкил этган бўлса, 1997 йилга келиб 59,6%га етди. Шахсий ёрдамчи хўжаликлари салмоғига жами ишлаб чиқарилган картошканинг 69%, меванинг 55%, сабзавотнинг 69%, гўштнинг 80,6%, сутнинг 87,6% ва тухумнинг 69,1% тўғри келади.

Ер, амалдаги қонун ҳужжатларига асосан, Ўзбекистон Республикасида давлат мулки ҳисобланиб, тегишли бошқарув тизимлари орқали бошқарилиб турилади. Ерга мулкчилик түғрисида гапирилганда эса шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, республика дәҳқончилиги асосан пахта ва дон ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши сугориладиган ер ва ҳўжаликлараро ирригация тизимлари билан чамбарчас боғланганлиги учун ер олди-сотди обьекти бўлиши мумкин эмас.

| Йиллар | Экин майдонлари, млн. га | Ишлаб чиқариш |        |      |      |      |
|--------|--------------------------|---------------|--------|------|------|------|
|        |                          | Пахта         | Буғдой | Гўшт | Сут  | Жун  |
| 1991   | 4.20                     | 4.65          | 1.91   | 492  | 3310 | —    |
| 1992   | 4.22                     | 4.13          | 2.26   | 469  | 3679 | —    |
| 1993   | 4.23                     | 4.23          | 2.14   | 504  | 3764 | —    |
| 1994   | 4.24                     | 3.94          | 2.47   | 509  | 3732 | 24.9 |
| 1995   | 4.17                     | 3.93          | 3.22   | 524  | 3677 | 19.5 |
| 1996   | 4.01                     | 3.35          | 3.56   | 461  | 3404 | 16.6 |
| 1997   | 4.12                     | 3.64          | 3.79   | 461  | 3406 | 15.3 |

Манба: Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари, 1998 йил, биринчи чорак, 29-бет.

**Четдан истеъмол учун ғалла келтиришнинг камайиб бориши, тонна ҳисобида**



“Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қиласди ... Худди шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига биринчи фишт қўйилди”.

*И. Каримов.*

*Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ўйлида, 43-бет.*

Давлат мулкини хусусийлаштириш мулкдорлар синфини келтириб чиқарди.

“Ҳар бир шахс мулкдор бўлишта ҳақли”.

*Конституция, 36-модда.*

Ўзбекистонда мулкчилик ҳуқуқи иқтисодий ўзгаришларнинг асосидир. Республикада мулкдор ҳуқуқи қонун билан тан олинган ва ҳимоя қилинади. Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг асосини турли шакллардаги мулкчилик ташкил этиши ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб берилган.

“Мулкчилик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мулкчиликнинг барча шаклларининг ҳуқуқий ҳимояси ва тенгҳуқуқлигини кафолатлади.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг самарали фаолиятига ва ҳалқ ободончилигининг ўсишига ёрдам берадиган ҳар қандай шаклдаги мулкчиликнинг мавжуд бўлиши учун шароит яратилган. Куйидаги чизмага эътибор беринг.



Давлат мулкига Ўзбекистон Республикасидаги маъмурӣ-худудий бирликларнинг мулклари (коммунал мулклар) киради.

Ўзбекистон Республикаси тасарруфидаги мулклар: ер (савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари билан бирга юридик ва жисмоний шахсларга берилган ерлар бундан мустасно) ва ер ости бойликлари, ички сувлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, республика ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси.

Ерга эгалик ҳақидаги масалага муносабат қонунчиликка биноан белгиланган. Суғориладиган деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан, ердан фойдаланишнинг тарихан таркиб топган хоссаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ерни экадиганларга, унга мерос қолдириш ҳуқуқидан фойдаланиш шарти билан узоқ муддатли ижарага бериш тартиби ўрнатилган:

- Ўзбекистон Республикаси бошқаруви ва давлат ҳокимияти органларининг мол-мулклари;
- республика халқларининг маданий ва тарихий қадриятлари;
- республика бюджети воситалари, республика ва давлат банклари, суғурта, захира ва бошқа давлат жамғармалари;

— давлат аҳамиятига молик корхоналар. Давлат олий ўқув юртлари, ижтимоий-маданий соҳалардаги обьектлар ва республиканинг иқтисодий мустақиллиги ва суверенитетини таъминлайдиган давлатнинг бошқа мулклари.

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб хусусий мулкчилик ҳуқуқини тан олди ва мулкчиликнинг барча шакллари учун тенг шароит яратди.

Хусусий мулкчилик ўз мол-мулкидан ўз эрки бўйича фойдаланиш ва тасарруф этишни, унга ҳуқуқий жиҳатдан хусусий эгаликни билдиради. Хусусий мулк, мулкчиликнинг бошқа шакллари билан бир қаторда дахлсиз ва давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Жамоа (ширкат) мулки оиланинг мол-мулкини, маҳалла мулкини, шунингдек юридик шахс бўлган кооперативлар, ижара, жамоа корхоналарининг, жамоат ва диний ташкилотларнинг, турли ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг, ассоциациялар ва бошқа бирлашмаларнинг мулкларини ўз ичига олади (2-чизма).

Бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларга қарашли юридик ва жисмоний шахсларнинг мулклари жумласига Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларга фойдаланиш ва тасарруф этиш, эгалик қилиш ҳуқуқи билан берилган мол-мулклар ва номулкий ҳуқуқлар киради.

Мулкчиликнинг аралаш шаклида, эришилган битимга мувофиқ, мол-мулкнинг маълум бир қисми давлатга ва нодавлат юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Мулкчиликнинг аралаш шаклларига мисол қилиб акционерлик корхоналарини ёки муассис сифатида бир томондан Давлмулккўмита сиймосида давлат, иккинчи томондан нодавлат хусусий юридик ва жисмоний шахслар (жумладан хорижий) чиқадиган чегараланган масъулиятли жамиятларни келтириш мумкин.

Ислоҳотлар даврида мулкчилик шакллари бўйича иқтисодиёт тузилмалари жиддий ўзгарди. Модомики, ислоҳотлар жараёни бошлангунга қадар иқтисод давлатлаштирилган ва мулкчиликнинг давлат, колхоз-кооператив шакли устунлик қилган бўлса, ҳозир эса, мулкчиликнинг нодавлат шакли анча тарақкий этди ва унинг аҳамияти ошди.

## Жамоа (ширкат) мулки турлари

### Жамоа (ширкат) мулки

- Оила мулки
- Маҳалла мулки
- Кооперативлар мулки
- Ижараби корхоналар мулки
- Жамоат ва диний ташкилотлар мулки
- Ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ассоциациялар, юридик шахс бўлган бошқа бирлашмалар мулки

Ўзбекистон иқтисодиётида мулкчиликнинг давлат ва нодавлат шакли солиштирма миқдорининг 1996 йил 1 июлдаги аҳволи қуйидагича: (1-қаторда давлат сектори, 2-қаторда нодавлат секторининг кўрсаткичлари).

### Корхоналар сони

|       |       |
|-------|-------|
| 25,4% | 74,6% |
|-------|-------|

### Иқтисодда банд бўлганлар сони

|       |       |
|-------|-------|
| 30,6% | 69,4% |
|-------|-------|

### Ишлаб чиқаришда миллий даромад

|       |       |
|-------|-------|
| 56,2% | 43,8% |
|-------|-------|

### Саноат маҳсулоти

|       |       |
|-------|-------|
| 49,8% | 50,2% |
|-------|-------|

## Қишлоқ хўжалик маҳсулоти

4,9%

95,1%

## Пудрат ишлари ҳажми

39%

61%

## Чакана товар айланиши ҳажми

6,2%

93,8%

Давлат корхоналари — мулки давлат мулки ҳисобланиб, хўжалик юритиш ҳуқуқи тўла ўз ихтиёрида бўлган корхоналар.

Кооператив — мулкчиликнинг жамоа (ширкат) шаклига асосланган, жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун тузилган ва ташкилий жиҳатдан шаклланган кўнгилли бирлашма (кооператив)лари, пайчилик ширкатлари.

Кооператив — юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, мустақил хўжалик юритувчи субъект. У жамоа мулки ҳуқуқидаги мулкка эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

Маъмурий, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш — матлубот кооперативлари фаолият кўрсатмоқда. Улар аҳолининг маҳсулотга, ишга ва хизматга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шунингдек даромад олиш мақсадларида тузилади.

Ишлаб чиқариш — матлубот кооперативларининг фаолияти аъзоларининг, шунингдек меҳнат битими шартномаси бўйича ишлаётганларнинг меҳнатда бевосита иштирок этишларига асосланган.

Кооперация, шунингдек ўз аъзоларининг уй-жойга, майший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондириш бўйича кооперативларни ҳам ичига олади (уй-жой қурилиши, уй-жой, гараж қурилиши, далажой қурилиши кооперативлари ва ш.к.).

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари деб, юридик шахслараро, юридик ва жисмоний шахслараро, шунингдек жисмоний шахсларнинг ўзаро, уларнинг хўжалик ёки тадбиркорлик фаолиятни амалга ошириш мақсадларида ўз жамғармалари ва мулкларини бирлашти-

риш асосида, ихтиёрий равишдаги шартномага биноан тузилган корхонасига айтилади.

Акционерлик жамияти — устав жамгармаси маълум миқдордаги акцияларга бўлинган, жамиятнинг акциядорлар олдиаги мажбуриятларини тасдиқлайдиган хўжалик субъекти. Жамият ўз мажбуриятлари учун ўзига тегишли бўлган барча мол-мулклари билан жавобгар ҳисобланади.

Акционерлик жамиятлари очиқ ёки ёпиқ турда бўлиши мумкин.

Очиқ турдаги акционерлик жамияти деб, акциядорлари ўзларига тегишли акциялари билан, бошқа акциядорларнинг розилигисиз, эркин тасарруф қила оладиган жамиятга айтилади.

Ёпиқ турдаги акционерлик жамияти деб, акциялари фақат таъсисчилар орасида ёки бошқа, олдиндан белгиланган шахслар доирасида тақсимланадиган жамиятга айтилади.

Акционерлик жамиятининг устав жамгармаси ёпиқ турдагилар учун меҳнат ҳақининг 100 минимал миқдоридан ва очиқ турдагилар учун меҳнат ҳақининг 200 минимал миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

Масъулияти чекланган жамият деб, устав жамгармасӣ мавжуд бўлган ва пайларга бўлинган, миқдори таъсисчилик ҳужжатларида белгиланган, мажбуриятлари бўйича фақат ўз мулки доирасида жавобгар бўлган жамиятга айтилади.

Кўшимча масъулиятли жамият деб, устав жамгармаси мавжуд бўлган ва пайларга бўлинган, миқдори таъсисчилик ҳужжатларида белгиланган жамиятга айтилади. Бундай жамиятнинг мулкида камчилик бўлганда унинг қатнашчилари жамиятнинг мажбуриятлари бўйича барча иштирокчилар учун teng, уларнинг омонатларининг карра йифиндиси миқдорида ўз мулки билан ҳам жавобгар ҳисобланадилар.

Чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларнинг устав жамгармалари меҳнат ҳақининг 50 минимал миқдоридан кам бўлмаган ҳажмда ташкил топади. Давлат рўйхатидан ўтиш пайтида жамиятнинг ҳар бир қатнашчиси омонатнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорини тўлашга мажбур бўлиб, бу банк муассасалари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Хўжалик ширкатлари — таъсисчилар фақат мулкий

бадаллари билан эмас, балки шахсий фаолияти билан ҳам иштирок этадиган шахслар бирлашмаси.

Тұла хұжалик ширкатлари деб, барча иштирокчилари ҳамкорликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ва жамиятнинг мажбуриятлари бүйича, үзларига тегишли бұлган барча мулклари билан ҳаммаси бирдан жавобгар бўлганлар жамиятига айтилади.

Аралаш хұжалик ширкатлари деб, ширкатнинг мажбурияти бўйича үзининг бутун мулки билан жавобгар бўлган бир ёки бир неча иштирокчилар билан бирга, жавобгарлиги улар қўшган улуш миқдори доирасидаги на чегараланган бир ёки бир неча иштирокчилари ҳам бор бўлган ширкатга айтилади.

Кейинги йилларда жадал ривожланиб бораётган корхона шаклларидан бири кичик корхоналардир. 1996 йил 1 июляга қадар республикада 83,5 минг кичик корхона рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатган.

Кичик корхона — юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хұжалик юритувчи субъект. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, жумладан, ишловчилар сони чекланган аралаш мулкчиликни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Үзига тегишли мулкка эгалик ҳуқуқи билан тұла хұжалик юритади ёки оператив бошқарувни амалга оширади, маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади, турли ишлар ва хизматларни бажаради.

Кичик корхонага тегишли юридик шахслар:

- саноат ва қурилишда — ишловчилар сони 200 кишигача;
- фан ва илмий хизмат кўрсатища — ишловчилар сони 100 кишигача;
- ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармокларида — ишловчилар сони 50 кишигача;
- носаноат соҳа тармокларида — ишловчилар сони 25 кишигача;
- чакана савдода — ишловчилар сони 15 кишигача.

Кичик корхона мұассасалари:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, республика худудида яшовчи, лекин фуқаролиги бўлмаган шахслар, уларнинг оила аъзолари ва биргаликда меҳнат хўжалиги юритувчи фуқаролар гурухи;
- давлат, ижара, жамоа ва қўшма корхоналар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлар, хўжалик бирлашмалари (ассоциация, уюшма, концерн, консорциумлар ва б.), жамоат ва диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа

жамғармалар, юридик шахс бўлган бошқа корхона ва ташкилотлар;

— давлат мулкини бошқаришга ваколатли бўлган давлат органлари;

— хорижий юридик шахслар ва фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Аралаш мулкли корхона ва ташкилотларнинг кўришишларидан бири хорижий сармоя иштирокидаги қўщма корхоналардир.

Хорижий инвестицияли корхоналар деб, Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган, акция (улуш, пай)ларининг ёки устав жамғармасининг камидаги 100 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этган корхоналарга айтилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ҳар қандай ташкилий-хуқуқий шаклларда фаолият қўрсатадилар.

1997 йил бошларида Ўзбекистон худудида хорижий инвестициялар иштирокида, жаҳоннинг 80 дан ортиқ мамлакати вакиллари томонидан ташкил этилган 3200 га яқин корхона рўйхатга олинган.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари корхоналарнинг хўжалик ассоциацияларига бирлашишлари мумкин:

- ⇒ уюшма (иттифоқ)лар;
- ⇒ ассоциациялар;
- ⇒ концернлар;
- ⇒ корпорациялар;
- ⇒ Холдинг компаниялари;
- ⇒ миллий компаниялар;
- ⇒ концорциумлар ва бошқа бирлашмалар.

Уюшмалар — жисмоний ва юридик шахсларнинг кўнгилли жамоат бирлашмалари. Ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, манфаатларини ҳимоя қилиш ва ягона илмий-техник сиёсатни таъминлаш мақсадида республика худудида кенг тармоқ ёзган. Бундай бирлашмага мисол қилиб, Аҳолига майший хизмат қўрсатиш корхоналари ва ташкилотларининг Ўзбекистон Республика уюшмаси — “Ўзмайшийуюшма”ни келтириш мумкин.

Ассоциация — корхоналарнинг пайчилик асосидаги кўнгилли бирлашмаси. Хўжалик ҳисобига асосланиб,

ҳамкорликда фаолият кўрсатиш мақсадида тузилади. Ассоциация илмий-техник, тижорат, ижтимоий, ишлаб чиқариш ва иқтисодий масалаларни биргаликда ҳал қилиш учун ташкил этилади. Ассоциациялар таркибига, одатда, муайян худудда жойлашган ва турдош касбга ихтисослашган корхоналар киради. Ассоциацияни Муассислар кенгаши бошқаради. Бу Кенгаш раис сайлайди, бошқарувни тузади.

Ассоциацияга мисол қилиб, Кимё саноати корхоналари ассоциацияси — “Ўзкимёсаноат”, Монтаж ва маҳсус ишлар бўйича Ўзбекистон ассоциацияси — “Ўзмонтажмаҳсус-курилиш”, Мева-сабзавот ва узумчилик бўйича Ўзбекистон Республика ассоциацияси — “Ўзмевасабзавотузумсаноат” ва бошқаларни келтириш мумкин.

Концерн — илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш функцияларини марказлаштириш асосида ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган, шунингдек инвестициявий, молиявий ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган, корхоналарга хўжалик ҳисобида хизмат кўрсатишни ташкил этадиган корхоналарнинг кўнгилли бирлашмаси. Концерн таркибига кирган корхона ва ташкилотлар орасида ўзаро коорпорациялашган турғун алоқалар мавжуд бўлиб, улар концерн ривожи йўлида умумий молиявий ресурслардан, ягона илмий-техник имкониятлардан муштарак фойдаланадилар. Концерн, қоидага кўра, ишлаб чиқариш белгиларига қараб тузилади ва ягона хўжалик мажмуи саналади.

Ўзбекистонда Курилиш материаллари ишлаб чиқариш Ўзбек давлат концерни — “Ўзқурилишматериал”, Фармецевтика саноати Ўзбек давлат — акционерлик концерни — “Ўзфармсаноат”, “Шарқ” нашриёт матбаа концерни ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.

Корпорация — мулкчиликнинг барча шаклларидағи корхоналарнинг акционерлик асосидаги кўнгилли бирлашмаси. Корпорация таркибига кирган корхоналар ишлаб чиқариш ва илмий-техника кооперация орқали ўзаро боғланадилар. Шу билан корпорация инвестициявий сармоянинг жамланишига ҳам ёрдам беради. Фаолиятининг тижорийлиги, яъни фойда олишни мақсад қилиб қўйиши, чекланган жавобгарлик, марказий бошқарув, акциядорнинг акция сармоясининг ўзига тегишли қисми билан эркин тасарруф этиши ва бошқалар корпорацияга хос бўлган асосий хусусиятлардир.

Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси — “Ўзнефтгаз”, Давлат корпорацияси — “Маҳаллий саноат”, Давлат-акционерлик корпорацияси “Ўзномонмаҳсулот” ва бошқаларни корпорацияларга мисол қилиб келтириш мумкин.

Холдинг компаниялари - корпорация шаклларидан бири. Холдинг компанияси таркибига кирувчи акционерлар жамиятлари “акцияларнинг назорат пакети” компаниянинг ихтиёрида бўлади. Бундан мақсад акционерлик жамиятлари фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш ва дивиденdlар кўринишида фойда олишdir. Хўжалик бирлашмасининг бундай шакли ягона тармоқ ва илмий-техникавий сиёsat юргизиш, умумий манфатларга бўйсунишни назорат қилиш учун тез-тез қўлланилади.

Холдинг компаниясига мисол тариқасида Қишлоқ хўжалик машинасозлиги Холдинг компанияси — “Ўзқишлоқ хўжмашхолдинг”ни келтириш мумкин.

Миллий компания — ноишлаб чиқариш тармоқлари, ижодий жамоалар, транспорт, алоқа ва телекоммуникация корхоналари ва ташкилотларининг пайчилик ёки акционерлик асосидаги кўнгилли бирлашмаси.

Ўзбекистондаги миллий компаниялар жумласига куйидагилар киради: “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акционерлик темир йўл компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Ўзбекистон миллий авиакомпанияси, “Ўзбеккино” давлат-акционерлик компанияси ва б.

Консорциум — аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган корхоналарнинг муваққат бирлашмаси; қўптарафлама қўшма корхона; молиявий операцияларни ҳамкорликда амалга ошириш учун тузилган банклараро ёки саноат корхоналариаро битим. Консорциумнинг ўзига хос хусусияти — мустақил юридик шерик бўлган ҳар бир иштирокчи — корхона билан битим тузилишидадир. Бошқарувни марказлаштириш ҳам консорциумга хос хусусият. Консорциумларга бошқарув бўйича қўмиталар, директорлар кенгаши capabilityар бошчилик қиласи. Юридик шахслар томонидан ташкил қилинган ва битимларга асосланган консорциумлар бўлади.

Халқаро тажрибадан, консорциумлар авиаация, космос, компьютерлар, алоқа каби юксак технологик ва катта микдордаги сармояли соҳаларда кенг тарқалганилиги маълум.

## 4. Тадбиркорлик

“Тадбиркорлик” — мулкчилик субъектларининг ҳаракатдаги қонунчилик доирасида товар ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга ҳамда даромад ва фойда олишга қаратилган ташаббускорлик фаолияти”.

*Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида” қонуни, 1-модда .*

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг кенг миқёсда ривожланишининг асосий тамойиллари қуидагилардан иборат:

— тасарруфидаги мулкни қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда тадбиркорнинг эркинлиги;

— мулкчилик шаклларидан қатъий назар тадбиркорлар ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятининг барча турларининг қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;

— қайси йўллар билан ва қандай манбалардан олинганлигидан қатъий назар даромадлар ҳақида солиқ идоралари олдидаги ҳисоботнинг декларатив шаклдалиги; тадбиркорларнинг даромадларини яшириш (камайтириб кўрсатиш) учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мулкий жавобгарлик.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси республика қонунчилигига белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда, тадбиркорлик ишида бошқа хўжалик субъектлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида қуидагиларга ҳақлидир:

— корхоналар ва ташкилотларни тузиш, ташкил этиш, сотиб олиш ва қайта қуриш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва юритиш;

— турли даражадаги мулкий жавобгарлик мажбурияти билан ўз тадбиркорлик ташкилотини тузиш;

— тадбиркорлик ишини юритиш учун бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки ва пул маблағларини ихтиёрийлик асосида жалб этиш;

— мустақил равишда ишчилар ёллаш ва бўшатиш;

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, амалга ошириш учун ва бошқа тўловлардан кутулиш учун сарфланган ҳаражатлар (мехнат ҳақи тўлаш, ижара ҳақи, қарзлар

бўйича фоизлар каби)дан кейин қолган даромад мулкдорнинг тадбиркорлик даромади ҳисобланади. Тадбиркорлик даромади хусусий тадбиркорнинг шахсий даромади бўлиб, ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ ундан солиқ олинади.

Хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат қафолатлайди, эркин ва ҳалол рақобат учун шароит яратади, моддий, молиявий, меҳнат, ахборот ва бошқа ресурслардан бошқалар билан тенг равища фойдаланиш учун, бироқ бу ресурслар бозорини монополияга айлантиришга йўл қўймаган ҳолда, имкон туғдиради.

Иқтисодий фаолиятнинг, тадбиркорлик ва меҳнатнинг эркинлигини, мулкчиликнинг барча шаклларининг ҳимояси ва тенг ҳуқуқилигини, харидор ҳуқуқларининг устунлигини ҳисобга олган ҳолда, давлат қафолатлайди.

1997 йил бошида хусусий ва кичик корхоналар сони 100 мингдан ошиб кетди.

*И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..., 199-бет.*

Деҳкон (фермер) ҳўжаликлари Ўзбекистонда тадбиркорлик шаклларидан биридир.

Деҳкон ҳўжалиги мустақил ҳўжалик обьекти бўлиб, юридик шахс ҳуқуқига эга. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланади ва шу жумладан, ўз тасаруфидаги таморқа ерларидан фойдаланади.

Деҳкон ҳўжалиги аъзолари — ҳўжалик бошлиғи, унинг рафиқаси (ёки эри), фарзандлари, олиб сақланган ўгай болалари, ота-оналари, бошқа қариндошлари, шунингдек меҳнат ёшига етган ва меҳнат фаолиятини ўтаётган асосий иш жойи бўлган ушбу деҳкон ҳўжалигига ҳамкорликда ишлаётган бошқа шахслар.

Деҳкон ҳўжалиги мустақил ишлаб чиқариш бирлиги бўлиб, у мулкчилик шакллари бошқача бўлган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар билан тенг ҳуқуқлидир.

Деҳкон ҳўжалиги ихтиёрийлик асосида вужудга келади ва ерга доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақидаги давлат далолатномасини олган кунидан бошлаб ташкил топган ҳисобланади. Туман ҳокимия-

тида рўйхатдан ўтгандан сўнг деҳқон хўжалиги юридик шахс мақомига эга бўлади.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун айрим бир шахсга ер участкаси умрбод эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга ёки 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади.

Деҳқон хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилмайди, олди-соттига, бадалга, совға қилиш ва алмашишга йўл қўйилмайди.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вафот этганда ёки меҳнат қобилиятини батамом йўқотганда, унга эгалик ёки ер участкасидан фойдаланиш хуқуқи, қонунчиликда белгиланган тартиб ва шарт-шароитларга мувофиқ хўжалик аъзоларининг розилиги билан улардан биронтасига ёки бошқа шахсга берилади.

“Деҳқон хўжалигининг ўзига тегишли мулкка эгалик хуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади”.

“Деҳқон хўжалиги тўғрисида” қонун, 11-модда.

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштирган, ишлаб чиқарган маҳсулотларни тасарруф этишда, шу жумладан уларни харидорларга ўз хоҳишига кўра сотишда мутлақ хуқуқقا эга.

... тадбиркорликдан, тегишли солиқларини тўлаган ҳолда, чегараланмаган миқдорда даромад олиш;

... ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғуртадан фойдаланиш;

Ўзбекистонда тадбиркорлик турли шаклларда фаолият кўрсатмоқда. Буни куйидаги чизмадан яққол кўриш мумкин.

### Тадбиркорлик шакллари

→ шахсий (хусусий) фаолият

→ ёлланма меҳнатни жалб қилиб амалга ошириладиган тадбиркорлик

→ фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамоа ёки қўшма тадбиркорлик

Хусусий тадбиркорлик — шахсий ташаббусга асосланиб, ўз мулкига жавобгарлик ва қалтис таваккалчилик асосида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида, ҳаракатдаги қонунчилик доирасида, жисмоний шахс(лар) томонидан бажариладиган хўжалик фаолияти.

Ишга ёлланма меҳнатни жалб қиласидан хусусий тадбиркор юридик шахс ҳисобланади ва у корхонасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга мажбур.

Ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган (шахсий тадбиркорлик билан шуғулланадиган) хусусий тадбиркор ўз фаолиятини юридик шахс бўлмасдан туриб ҳам юритиши мумкин.

Хусусий корхона мулкини унинг асосий ва айланма маблағлари, шунингдек қиймати корхонанинг мустақил балансида акс этган бошқа моллари ташкил этади.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари учун, хусусий мулкчилик ҳуқуқи асосида, ўзига тегишли бўлган бутун мол-мулки билан жавобгар ҳисобланади.

Хусусий корхона мулкдори ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мустақилликка эга.

### Хусусий деҳқон хўжаликлари

|                   | 1992 | 1993 | 1994 | 1995 | 1996 | 1997 | 1998 |
|-------------------|------|------|------|------|------|------|------|
| Сони (минг)       | 1.9  | 5.9  | 7.5  | 14.2 | 18.1 | 19.8 | 21.4 |
| Майдони (минг га) | 14   | 45   | 71   | 193  | 265  | 308  | 352  |

Манба: Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш асосий кўрсаткичлари, 1996 ва 1997 йиллар учун, Ўзбекистон 1997, 1998 йиллар.

Мазкур жадвалдан кўриниб турибдики, 1992-1998 йиллар Ўзбекистонда деҳқон хўжаликлари сони 11 баравар, уларга бириктирилган ер майдони эса 25 баравар ўсди. Деҳқон (фермер) хўжаликларига берилган ер майдонининг ўртача ҳажми 1991 йилда 7.4 гектар бўлган бўлса, 1998 йилда 16.4 гектарни ташкил этди.

Ўзбекистонда тадбиркорлик қўйидаги қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ривожланмоқда.

- Ўзбекистон Республикасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида қонуни (1995 йил 21 декабрь);

- Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашувчи жамгарма ташкил этиш тўғрисида қонуни (1993 йил 21 июль);
- Республикада дехқон (фермер) хўжаликларини мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида Президент фармони (1991 йил 29 ноябрь);
- Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлар уюшмасини ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш ташкилотларини ташкил қилиш тўғрисида Президент фармони (1992 йил 7 апрель);
- Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашувчи жамгармани ташкил қилиш тўғрисида Президент фармони (1993 йил 21 июль);
- Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент фармони (1994 йил 21 анварь);
- Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни сугурта йўли билан ҳимоя қилувчи Агентликни ташкил қилиш тўғрисида Президент фармони (1995 йил 26 июль);
- Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил этиш ҳақида Президент фармони (1995 йил 26 июль);
- Ўзбекистон товар ишлаб чиқаришлар ва тадбиркорлар Палатасини ташкил қилиш тўғрисида Президент фармони (1996 йил 12 марта);
- Вазирлар Маҳкамасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш давлат дастури тўғрисида қарори (1995 йил 28 август);
- Вазирлар Маҳкамасининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида қарори (1997 йил 7 февраль);

## 5. Бозор инфраструктурасини шакллантириш

Бозор инфраструктурасини яратиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишлардан биридир.

“Бозор муносабатларини шакллантиришини тегишли муҳитсиз-товар, пул бозорларида ва меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаш керак бўлган бозор инфраструктурасисиз тасаввур этиб бўлмайди.”

*Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, 97-бет.*

Бозор инфраструктураси деганда бозор муносабатларини шакллантириш ва уларни самарали юритишга хизмат қилувчи муассаса, ташкилот ва корхоналар мажмуаси тушунилади. Куйидаги чизмага эътибор қилинг.

## БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИННИГ БЎГИНЛАРИ

| Т/Р | Инфраструктура турлари                                     | Инфраструктура тармоқлари   |
|-----|--|---|
| 1.  | Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфраструктура              | <ul style="list-style-type: none"> <li>• транспорт</li> <li>• алоқа</li> <li>• омбор хўжалиги</li> <li>• йўл хўжалиги</li> <li>• сув ва энергетика таъминоти ва бошқалар</li> </ul>   |
| 2.  | Товар ва хом ашё бозорида хизмат қилувчи инфраструктура    | <ul style="list-style-type: none"> <li>• биржалар</li> <li>• савдо уйлари</li> <li>• акционерлар</li> <li>• тижоратчилик идоралари</li> <li>• реклама фирмалари</li> <li>• савдо-сотиқ ва уларни назорат қилувчи давлат муассасалари</li> </ul> |
| 3.  | Молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфраструктура | <ul style="list-style-type: none"> <li>• банклар</li> <li>• ўз-ўзини кредитлаш идоралари</li> <li>• сугурта компаниялари</li> <li>• молия компаниялари</li> <li>• солиқ ундириши идоралари</li> <li>• пул жамгармалари</li> </ul>               |
| 4.  | Аҳолига хизмат қилувчи (ижтимоий) инфраструктура           | <ul style="list-style-type: none"> <li>• уй-жой, коммунал ва транспорт хизмати</li> <li>• маданият</li> <li>• соғлиқни сақлаш</li> <li>• аҳолини ишга жойлаштириш хизмати (меҳнат биржалари)</li> </ul>   |

|    |                          |   |
|----|--------------------------|---|
| 5. | Ахборот инфраструктураси | <ul style="list-style-type: none"> <li>• иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ахборотлар, хабарлар ва маълумотларни тупловчи, умумлаштирувчи воситалар</li> <li>• сотиш билан шугулланувчи компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари, давлат муассасалари</li> </ul> |
|----|--------------------------|---|

Ислоҳотларни ўтказиш мобайнида бозор инфраструктурасини асосий бўғинлари шакллантирилди. Суғурта тармоқлари консалтинг ва аудитор компаниялари ташкил этилди. Замонавий компьютер техникаси ва телекоммуникациялар тизими билан жиҳозланган Ўрта Осиёда энг йирик биржа маркази ишга туширилди. Кўчмас мулк савдоси бўйича 190 брокерлик идоралари, лицензиялар сотиш бўйича 132 брокерлик идоралари, Республика биржа жамгармасининг 13 филиали ва бўлимлари, 62 жамгарма дўкони ва 38 бизнес маркази, бозор инфраструктурасининг қатор бошқа кўринишлари фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ, бозор тузилмаларини шакллантиришнинг ўзигина бирдан бир мақсад эмас. Булар бўлаётган ўзгаришларни намойиш қилиш учун тузилаётгани йўқ, балки иқтисодиётга, хўжалик субъектларига, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун қилинмоқда.

Бозор инфраструктурасининг муҳим бўғини сармоя бозоридир. Шу ислоҳотларнинг биринчи босқичидаёқ сармоя бозорининг ишлашини таъминловчи тузилмалар, молияни ва пул-кредитни тартибга солувчи янги тизим яратилди.

Бозор инфраструктурасида банк тизими муҳим бўғин ҳисобланди. Шу сабабдан Республика банк тизими тубдан ислоҳ қилинди, янги банк тизими яратилди.

“Марказий банк тўғрисида”, “Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши билан республикада миллий банк тизимининг икки даражали тузилмаси ҳуқуқий ва меъёрий мустаҳкамланиши амалда охирига етди.

### Ўзбекистон Республикаси банк тизими

#### Марказий банк

I-даражали

Тижорат банклари

II-даражада

Тижорат банклари, қоидага мувофиқ, акционерлик жамиятлари шаклида мулкчиликнинг ҳар қафдай шакли асосида ташкил қилинади. Банк муассислари-тъисисчилари юридик ва жисмоний шахслар, жумладан чет элликлар, хорижий давлат ҳокимияти органлари бундан мустасно, жамоат бирлашмалари ва жамоат жамгармалари бўлиши мумкин.

Ҳар бир акциядорнинг иштирок улуши устав сармоя миқдорининг 35 фоиздан ошмаслиги керак. Бу чеклаш банкнинг устав сармоясида давлат улушкига ва хорижий банкларга тааллуқли эмас.

Ўзбекистон Республикасида банклар банк операцияларини ўтказиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилларлар.

Ўз фаолиятини амалга оширишда банклар қуидаги операцияларни ўтказишга ҳақли:

- ◆ жисмоний ва юридик шахсларга, жумладан мубиранкларга ҳисоб очиш ва юритиш, ҳисоблар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- ◆ омонатларни жалб этиш;

- ◆ қайтариш, тўлаш, шошилинчлилиги учун тўлаш шартлари билан ўз номидан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлардан кредитлар бериш;

- ◆ мулкдор билан ёки маблағнинг тасарруфчиси билан шартнома асосида пул маблағларини бошқариш;

- ◆ пул маблағларини, векселларни, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкасация қилиш;

- ◆ қимматбаҳо қофозларни чиқариш, сотиб олиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва сақлаш, мижозлар билан шартнома асосида қимматбаҳо қофозларни бошқариш, қимматбаҳо қофозлар билан бошқа операцияларни амалга ошириш;

- ◆ молиявий лизинг;

- ◆ ҳалқаро банк тажрибаларига мувофиқ бошқа операциялар ўтказиш;

Тижорат банклари ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолиятлари билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмаслар.

Ўзбекистонда 36 тижорат банки рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатмоқда. Улардан 22 таси акционерлик-тижорат банклари шаклида, 5 таси жавобгарлиги чекланган жамиятлар, 1 кооператив, 4 таси хорижий сармоя иштироки билан, 2 таси давлат ва 2 таси хусусий шаклда фаолият кўрсатдилар. 1995 йилда тижорат

банкларининг умумий устав сармояси 10 млрд. сўмдан кўпроқни ташкил этди.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Халқ банки, "Саноатқурилишбанк" акционерлик-тижорат банки, "Пахтабанк", "Тадбиркорбанк", "Ўзинвестбанк", "Авиабанк", "Тошуйжойжамғармабанк", "Турон" акционерлик-тижорат банки, "Трастбанк" акционерлик-биржа банки, "Заминбанк" акционерлик-гаров банки, "УТ-Банк" қўшма банки, "Асакабанк", "Приватбанк", хусусий банклар, "Умар-банк", "Олимбанк" ва бошқалар Республикадаги энг йирик тижорат банклариданdir.

Тижорат банклари республика худудида ўзининг 4 мингга яқин филиалларига эга.

Тижорат банкларидан 18 таси валюта операцияларини амалга ошириш бўйича лицензияга эга. Бундан ташқари яна 5 банкнинг валюта — алмашув операцияларини амалга ошириш бўйича ички лицензиялари бор (Геолбанк, Инвестбанк, "Ўзенгилкомбанк" "Ўзавиабанк" ва "Тошуйжойбанк").

Банклар билан бир қаторда давлат молия тизими-нинг муҳим таркибий қисми бўлган ихтисослаштирилган молия-кредит институтлари ташкил этилди ва фаол иш олиб бормоқда. Бизнесфонд, "Мадад" суфурта компанияси, "Ўзбекинвест" Миллий суфурта компанияси, хусусий суфурта ва инвестициявий компания каби ихти-сослаштирилган молия-кредит институтлари ташкил этилди. Республикада ҳаммаси бўлиб 70 га яқин суфурта ташкилотлари рўйхатга олинган бўлиб, улардан кўпчилиги худудлар бўйича ўз филиалларига эга.

1997 йил бошларида акциядорлик жамиятлари си-фатида иш олиб борувчи 40 дан ортиқ давлатга қарашли бўлмаган суфурта компаниялари фаолият кўрсатди.

Суфурта — жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини суфуртавий муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий оғат, баҳтсиз ҳодиса ва бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида улар кўрган зарарни суфурта қилинувчилардан тушган бадаллар ҳисобига шаклланадиган суфурта жамғармаси ҳисобидан тўла ёки қисман қоплаш усуllibаридан бири.

Фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, мол-мулки, меҳнат лаёқати, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулклари, масъулияtlари, мулкий ва номулкий хуқуқлари ва манфаатлари суфурта манбаи ҳисобланади.

Мулкни суурита қилишда суурита миқдори мулкнинг шартнома тузилаётган пайтдаги ҳақиқий қийматидан юқори бўлиши мумкин эмас.

Суурита миқдори — сууртавий ҳолат рўй берганда суурита қилинувчига тўланиши лозим бўлган ва суурита шартномаси ёки қонун билан белгиланган пул маблағи миқдори.

Хорижий инвесторларнинг республикада ўтказилаётган ислоҳотларга ишончини ортириш мақсадида 1994 йил охирида “Америка Интернешнл Групп” (АИГ) ёрдам агентлиги “АИГ — Узбекинвест” ва сиёсий хавфхатардан суурталаш компанияси “Узбекинвест интернешнл” каби қўшма суурита компаниялари очилди.

Тижоратдаги хавфхатарлардан суурталаш бўйича ўзбек-америка “Уз-АИГ” компанияси, “Узбексуурта-Хауден-Лиху” ўзбек-инглиз суурита компанияси, “ЭВД-Центразия”, “Англо-Тошкент” каби бир қанча қўшма суурита компанияларининг Ўзбекистонда ташкил этилиши Республикада суурталаш тизимининг ривожида катта аҳамият касб этди.

Давлат буюртмаси билан маҳсулот тайёрлаш, товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимловчи давлат ташкилотлари тугатилиб, уларнинг ўрнига товарлар бозорини шакллантирувчи муассасалар тизими ташкил қилинди. Бундай муассасалар орасида товар хомашё биржалари алоҳида ўринга эга. Биржа тизими бозор инфраструктурасининг муҳим бўғини ҳисобланади. 1995 йилда Ўзбекистон республика товархомашё биржаси ва унинг 12 филиалининг обороти 7,7 млрд. сўмни, 1996 йилнинг 1 ярмида эса, 6.5 млрд. сўмни ташкил этди. Республика кўчмас мулк биржаси томонидан 1995 йилда 900 млн. сўмдан кўпроқ миқдорда 8.5 минг объект, 1996 йилнинг биринчи ярмида эса 650 млн. сўмга тенг бўлган 10.1 минг обьект сотилди.

Биржа — юридик шахс ҳисобланувчи корхона. Олдиндан аниқланган жойда ва маълум вақтда, белгилangan муайян қоидалар асосида оммавий савдолар ўтказиб, биржа молларининг эркин кўтара савдоси учун шароит яратади.

Биржа фаолияти — биржа молларининг кўтара савдосини ташкил этишга қаратилган ҳаракат ва фаолиятлар мажмуи.

Биржа молларига бўлган талаб ва таклифлар ўрганилади ва ундан келиб чиқиб молниң нархи белгиланади.

**Биржа фаолиятининг асосий тамойиллари:**

birja savdolarinini oldindan belgilangan joida va vaqtida utkaziш йули билан uning samaradorligini ta'minlash;

⇒ birja mollari bозорини шакллантириш;

⇒ savdoni ommaviy va oshkora utkaziш;

⇒ birja bitimlарини tasdiqlangan қoидалар asosida erkin tuzish va bu bitimlarни ruyhatdan utkaziш;

⇒ mollarning birja narxlari қiymatini aniqlash va ular haқida axborot eъlon қилиш;

⇒ monopoliyaга қarshi қonunchilikka riоя қiliш.

**Биржа фаолияти иштирокчилари** жумласига mulk-chilikning barча шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар, xujaliq уюшмалари, брокерлик ва дилерлик firma (идора)лари, брокерлар, дилерлар, shuningdek boшқа юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет элликлар ҳам кирадилар.

Брокерлар ва дилерлар birja dalollariidir.

Брокер даллол (воситачи) — oldi-sotdi iш bitimlariда ўз mijozи топшириги билан va uning nomidan воситачилик вазифасини bажарувчи шахс.

Birjada қуйидагича oldi-sotdi bitimlari bажарилиши mumkin:

- tайёр molni сотиш va сотиб oliш, жумладан molni шу vaqtning ўзида bериш va oliш ёки molga эгалик ҳуқуқи билан tezda ҳujжатlarini etkazib bериш bitimlari;
- etkazib bериш vaqtin ўтиб ketgan tайёр molni сотиш va сотиб oliш (форвард) bitimlari;
- bir қолипдаги bitimlar сотиш va сотиб oliш (фьючерс) bitimlari;
- mollarни belgilangan narx бўйича ёки ularni сотиш учун etkazib bериш bitimlарini kelajakda сотиб oliш бўйича oldi-sotdi (опцион) bitimlari;
- mollarни, bitimlarни, tijorat ҳуқуқlarini oldi-sotdi бўйича birja savdosи қoидalariда назарда тутилган boшқa bitimlar.

Жамғарма birjasasi — қимmatli қofozlarning bir meъorda ailaniшини ta'minlash учун зарур шароит яратиш iшлари билан shugullanadigan tashkiлот. Қimmatli қofozlarning bозор narxini (қimmatli қofozga bўlgan talab va taklif muвозanatini aks ettiрадиган narxni), қimmatli қofozlar bозори қatnaшchilari orasida axborotning tarқалишини ta'minlайди.

Биржалар акциядорлик жамиятлари, жавобгарлиги чекланган жамиятлар ва бошқа кўринишдаги уюшмалар каби хўжалик жамиятлари шаклида ташкил этилиши мумкин.

Биржа турларини қўйидаги чизмада аниқ кўриш мумкин.

### Биржа турлари



Бозор инфратузилишининг самарали ривожланишини таъминлайдиган шакллардан яна бири аудиторлик фаолиятиdir.

Аудит деганда — хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботини ваколатли шахслар аудиторлар (аудиторлик фирмалари) томонидан мустақил равишда текширилиши ва таҳлил этилиши тушунилади. Улар ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, молиявий ва хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларига мос келиши, шунингдек муҳосаба ҳисоби ёки бошқа молиявий ҳисоботларнинг тўвалигини, тўғрилигини, уларни расмийлаштириш талабларига жавоб бериш-бермаслиги кабиларни текширади.

Аудитор — аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини белгиланган тартибларга биноан олган ва аудиторларнинг касб рўйхатига киритилган мутахассис.

Аудиторлик фирмаси — юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ташкил этилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ҳамда уставига мувофиқ аҳолига аудиторлик хизмати кўрсатиш билан шуғулланадиган корхона.


## 6. Қимматли қоғозлар бозори

Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори фаолият кўрсатишининг механизмлари тўғрисида”ги Конунига мувофиқ корхоналарни кенг акциялаштириш мобайнида республикада қимматли қоғозларнинг бозори ташкил топди ва ривожланмоқда.


Қимматли қоғозлар бозори — қимматли қоғозларни чиқариш, айлантириш, тўлаш билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тизими.

Қимматли қоғозлар — эгалик ҳуқуқини ёки эгасидан қарзга олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган, шунингдек дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад, фойда тўлашни назарда тутадиган ҳамда бошқа шахсларга бериш имконияти мавжуд бўлган пул ҳужжатлари.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорида уларнинг қўйидаги турлари муомалада фаол қўлланилмоқда



### Қимматли қоғоз турлари



Акциялар — акционерлик жамиятининг устав жамғармасига маълум бир жисмоний ёки юридик шахс томонидан муайян миқдорда киритилган, мазкур жамият мулкига унинг эгалик ҳуқуқини тасдиқлайдиган ва унинг дивиденд олиши ва қоидага кўра жамиятни бошқаришда қатнашиш учун ҳуқуқ берадиган қимматли қофозлар.

Алоҳида бир акциянинг баҳоси 100 сўмдан кам бўлиши мумкин эмас. Акция бўлинмайди.

Номли акциядор деб, фақат номи акцияда кўрсатилган ва жамиятнинг акциядорлар рўйхати китобига киритилган жисмоний ва юридик шахсларга айтилади.

Даъвогарлик акцияларига эга бўлганлар шу акцияларнинг эгалари ҳисобланадилар. Даъвогарлик акциялари бошқа шахсларга рўйхат қилинмасдан берилиши ҳам мумкин.

Олдий (одатдаги) акциялар — овоз берувчи, шунингдек унинг эгаларига дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи ва жамиятнинг умумий мажлисларида, бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи акциялардир.

Имтиёзли акциялар — эгаларига дивидендерларни, шунингдек агар акциядорлик жамияти тутатиладиган бўлса, қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар.

1996 йил 1 июлгача Ўзбекистонда 34 млрд. сўмдан ортиқ 100 мингдан кўпроқ акция муомалага чиқарилди, шундан 4.5 млрд. сўмлик 15 мингта атрофида нақд акциялар.

Дивиденд — солиқлар, мажбуриятлар бўйича тўловлар ва акциядорлар орасида бўлиб олинадиган маблағлардан сўнг акциядорлик жамияти ихтиёрида қоладиган даромаднинг бир қисми.


Дивидендерлар акциядорлар орасида, уларга тегишли акцияларнинг тури ва миқдорига мос ҳолда тақсимланади.

Дивидендерлар жамиятнинг соғ даромадидан ўтган йил учун тўланади. Айрим турдаги имтиёзли акциялар учун дивидендерлар жамиятнинг шу мақсадлар учун белгиланган махсус жамғармасидан тўланиши ҳам мумкин.

Облигация (заём)лар — қимматли қофозлар; соҳибининг пул маблағлари ўтказганлигини тасдиқлайди ва белгиланган муддатда облигацияда кўрсатилган нархни қоплаш, шунингдек (агар облигация шартларида бошқа

ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса) тегишли фоизини тўлаш мажбуриятини тасдиқлайди.

### Облигация (заём)ларнинг турлари



Мақсадли облигацияларни чиқаришнинг асосий щарти кўрсатилган мол-буюм (хизмат)ларнинг бўлиши муқаррарлигидир. Облигациялар уларнинг эгаларига корхонани бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини бермайди.

Акциядорлик жамиятлари чиқариш акциялари тўловидан тўла қутулғанларидан сўнгтина ва устав фондининг 20 фоизидан кўп бўлмаган қимматда облигациялар чиқариши мумкин.

Хазина мажбурияти — қимматли қофозлар тури, кўрсатувчи (даъвогар)нинг бюджетга пул маблағи ўтказганлигини тасдиқлайди ва мазкур қимматли қофозга эгалик даврида унга белгиланган миқдордаги фойдани олиш ҳуқуқини беради.

Депозит сертификат — қимматли қофоз чиқариш ҳуқуқига эга бўлган — эмитент-банк гувоҳномаси, омонатчи ҳуқуқини тасдиқлайди ва унинг ёки меросхўрнинг тегишли миқдордаги пулни ва унинг фоизларини олишга ҳуқуқ беради.

Вексель — қимматли қофоз, пул қарз олганлик ҳақидаги тилхат, қарз хужжати. Вексель берган шахснинг қарзга пул олганлигини ва уни вексель олган шахсга, яъни векселдорга векселда кўрсатилган муддатда сўзсиз тўлаш мажбуриятини ёзма равища тасдиқлайди.

Векселлар оддий ва ўтказилувчи бўлиши мумкин.

Оддий вексель — оддий ёзма хужжат. Олинган қарз пулини векселдор (вексель олган шахс)га белгиланган муддатда ва жойда қайтариш, тўлаш бўйича вексель берувчи (қарздор) шахс зиммасига ҳеч қандай мажбурий шарт юкламайди.

Ўтказилувчи вексель (тратта) — оддий ёзма хужжат. Вексель берувчининг векселдорга тегишли қарзини бел-

гиланган муддатда ва жойда албатта тўлашини тасдиқлайди. Ўтказилувчи вексель, моҳиятига кўра, оддий қарз тилхати бўлиб, қарзнинг бир шахсдан иккинчи бир шахс ихтиёрига ўтказилишини билдиради ва шу хусусиятига кўра оддий векселдан фарқ қиласди.

Қисқа муддатли давлат облигациялари (ҚДО) — қимматли қофозларнинг бир тури бўлиб, инвесторлар учун барқарор фойдалиги ва ишончлилиги билан ажralиб туради.

Акция, облигация ва ҳазина мажбуриятларига тегишили ишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, депозит, сертификат ва векселларга тегишили ишлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Қимматли қофозларни муомалага чиқариш (эмиссия) қуйидагича турларда амалга оширилади:

\* қимматли қофозларни тарқатишни оммавий эълон қилмасдан, олдиндан маълум бўлган инвесторлар орасида тақсимлаш;

\* эмиссияларни, уларнинг режаси, қисқача баёнини рўйхат ва эълон қилиш орқали чекланмаган миқдордаги инвесторлар орасида очиқ сотиши.

### Қимматли қофозлар бозори иштирокчилари

- Қимматли қофоз эмитентлари
- инвесторлар
- инвестиция муассасалари
- фондли биржалар
- давлат мулкини бошқаришга ваколатли идора
- Қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича давлат ваколатли идоралар

Қимматли қофоз эмитентлари — қимматли қофозлар чиқариш хуқуқига эга бўлган ва қимматли қофозлар эгалари бўлган инвесторлар олдида ўз номидан муайян мажбуриятлар олган юридик шахслар, давлат органлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланадиган ҳолатлар ва шароитларда эса, ўз ваколат-

ли органлари сиймосида хорижий юридик шахслар ва давлатлар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар.

Қимматбаҳо қоғозлар бозори ривожланишини таъминлаш, туриб қолган пул маблағларини жамлаш ҳамда пул муомаласини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 26 марта 119 сонли қарорига асосан қисқа муддатли давлат облигациялари (КДО) муомалага киритилди. Дастлаб 3 ой муддатли облигациялар киритилган булса, 1997 йилдан бошлаб КДО бозори 6 ойлик облигациялар билан тўлдирилди.

1997 йил мобайнида умумий ҳажми 65.6 млн. сўм бўлган 3 ойлик ва 6 ойлик КДО 23 маротаба муомалага чиқарилди. КДОларни муомалага киритиш натижасида олинган пул маблағларининг умумий ҳажми 53.0 млн. сўмни ташкил қилди.

Ма н ба : Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари,  
1998 йил, биринчи чорак, 65-бет.

Биржаларда савдоларни ташкил этиш борасида ҳам чукур таркибий ўзгаришлар юз берди. Бир вақтнинг ўзида 9 та чиқарилиш муддати турлича бўлган КДОлар муомаласи амалга оширилмоқда.

1998 йилдан бошлаб КДОлар янги эмиссияси ҳар ой чиқарилмоқда. Биринчи чоракда муддати 6 ой бўлган жами 11.0 млрд. сўмлик ва муддати 3 ой бўлган жами 11.5 млрд. сўмлик КДО чиқарилди.

Ма н ба : Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари,  
1998 йил, биринчи чорак, 66-бет.

КДО бозорларида тижорат банкларининг тутган ўрни ўсib бормоқда. 1996 йилда КДОларни жойлаштириш бўйича жами тижорат банклардан 14 нафари қатнашган бўлса, 1997 ва 1998 йилларда буларнинг сони мос равишда 19 ва 21 тагача ўсди.

Инвесторлар — қимматли қоғозлар учун ўзининг ёки ўз жавобгарлиги остида бўлган сармояси (маблағи)ни киритган юридик ёки жисмоний шахс, давлат идораси, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланадиган ҳолатлар ва шароитларида эса, ўз ваколатли органлари сиймосида хорижий юридик шахслар ва давлатлар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар.

Фондли биржалар (биржаларнинг фондли бўлимлари) — қимматли қоғозлар савдосини ташкил этувчи муассасалар; уларнинг фаолияти қонунчилик билан тартибга солинади.

Давлат мулкини бошқаришга ваколатли идора — тасарруфида акцияларнинг давлат улуши бўлган давлат корхоналарини қайта тузиш натижасида ташкил топган акциядорлик жамиятларининг муассиси, таъсис этувчиси. Ўзбекистонда Давлат мулки ва тадбиркорликни қўллаб-куватлашни бошқариш бўйича давлат қўмитаси (Давмулкқўмита) ана шундай идорадир.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича давлат ваколатли идоралар — қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш, ривожлантириш, тартибга солиш ва унинг иштирокчилари фаолиятини рафбатлантиришга масъул идоралар тузилди. Республикада Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича марказ ана шундай ваколатли идорадир.

Инвестиция муассасаси — асосий фаолияти қимматли қоғозлар билан ишлашдан иборат бўлган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тузилган юридик шахс.

Ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ инвестиция муассасаларининг қўйидагича турлари мавжуд.

### Инвестиция муассасалари турлари

инвестиция воситачиси, молиявий брокер ва дилер

Инвестиция маслаҳатчиси

инвестиция компанияси

инвестиция фонди

инвестиция банки

бошқарувчи компания

депозитчи

ҳисоб-клиринг палатаси (ташкилот)

Қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхатини ушлаб турувчи

қимматли қоғозларни номига ушлаб турувчи

Инвестиция компанияси — қимматли қоғозларни чиқариш, уларни учинчи шахс фойдасига жойлаштириш кафолатини бериш, қимматли қоғозлар учун маблағ тұлаш, уларни үз номидан ва ҳисобидан олиш ва сотиши ишларини амалга оширувчи юридик шахс.

Инвестиция фонди — инвесторларнинг пул маблағларини сафарбар этиш мақсадида ва уларни жамғарма номидан қимматли қоғозларга, банк ҳисоби ва омонатларга құйиши учун акциялар чиқариш ва сотиб олишни амалга оширувчи юридик шахс.

Инвестиция банки — банк фаолиятини амалга оширишга лицензияси бұлған юридик шахс. Қимматли қоғозлар операцияларини үтказади, уларни сотиб олиш билан шуғулланади, бошқа инвестиция муассасалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг инвестиция активларини бошқариш бүйича хизмат күрсатиш ишларини амалга оширади.

Бошқарувчи компания — бошқа инвестиция муассасалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг инвестиция активларини бошқариш бүйича фаолиятни амалга оширадыган инвестиция муассасаси.

Депозитчи — депозит фаолиятини амалга оширувчи инвестиция муассасаси. Қимматли қоғозларни сақлаш ва (ёки) уларға ҳуқуқни ҳисобға олиш ишлари бүйича хизмат күрсатади. Ўзбекистонда, вилоятларда 10 филиали мавжуд бұлған “Вақт” Миллий депозитчи-си фаолият күрсатмоқда.

Хисоб-клиринг палатаси (ташкилоти) — қимматли қоғозлар билан битимлар бүйича клеринг — ҳисобкитоби операцияларини амалга оширувчи инвестиция муассасаси. Қимматли қоғозлар билан фуқаровий-хуқуқий битимларни бажариш учун бухгалтерлик хужожатларини тайёрлаш ва битимлар бүйича ахборот тұплаш, қиёслаш ва уларға тузатыштар киритиш, үзаро мажбуриятларни аниқлаш ва белгилаш ишларини амалга оширишни Клиринг фаолияти дейилади.

Кимматли қоғозлар эгаларининг рўйхатини ушлаб турувчи — қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхатини юритиш бүйича хизмат күрсатиш билан шуғулланувчи инвестиция муассасаси. Қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхатини юритишга оид маълумотларни түплайди, белгилайди, ишлаб чиқади, саклади ва ҳ. к. Қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхати — номлари рўйхатда келтирилгандар ва уларнинг сони, уларға тегишли қимматли қоғозларнинг қиймати кабилар күрсатилған рўйхат.

Кимматли қоғозларни номига ушлаб турувчи — акцияларни ўз номидан бошқа шахс топшириғига күра ушлаб турувчи шахс. У мазкур қимматли қоғозларнинг эгаси эмас. Бундай акциялар буйича битимларни банклар, депозитчилар, инвестиция муассасалари уларнинг эгалари, ваколатли шахслари топшириғига мувофиқ амалга оширадилар.

## 7. Иқтисодиётнинг барқарорлаштирилиши ва тараққиёти

Давлат мустақиллигини ўз қўлига олган Ўзбекистон собиқ тузумдан батамон барбод бўлган иқтисодий ва молиявий тизимни, издан чиқсан бошқарув механизми ва иқтисодий муносабатларни мерос қилиб олди. Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки йилларида иқтисодий кўрсаткичлар янада пасайиб борди. Шу бойдан иқтисодиётни барқарорлаштириш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор вазифаларидан бири деб белгиланди.

“Барқарорлаштириш сиёсати — энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслиkdir... Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади бошқарив бўлмайдиган, иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин бўлган ички ва ташқи мувозанатсизликни четлаб ўтишдан, зарур бўлган тақдирда эса, уни тўғрилашдан иборат”.

*Ислом Каримов, Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, 197-бет.*

Жаҳон тажрибасида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда бир неча хил ёндашувлар бор:

*Биринчиси* — монетар ёндашув деб аталиб, пулнинг қадрсизланиши даражасини пасайтириб туришга, пул массасини ҳамда тўловга қодир бўлган жами талабни кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланган.

*Иккинчиси* — ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рафбатлантиришга,

таркибий қайта ташкил қилишларни амалга оширишга асосланади.

Ўзбекистон иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилишга, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга қодир корхоналар куришга, моддий бойликларни бевосита яратувчиларга таянди.

Иқтисодий барқарорликка эришишда қуйидаги мезонлар асос қилиб олинди:

- ишлаб чиқариш ҳажмини, агар у таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлмаса, камайишига йўл қўймаслик;
- устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни яратиш ва рафбатлантириш;
- давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлаш;
- пулнинг қадрсизланиш жараёнини тұхтатиш;
- тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатлардаги ўринини мустаҳкамлаш;
- кучли ижтимоий сиёsat юритиш, аҳолининг турмуш даражасини мумкин қадар тутиб туриш ва яхшилаш.

Иқтисодиёт тузулмасини янгилаш, қайта куришга давлат йўли билан баҳоли қудрат сармоя ажратишга эътибор берилди. Биргина, 1997 йилда таъминотнинг барча манбалари ҳисобига 270 млрд. капитал маблағ ўзлаштирилди. Унинг 63 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш секторида ўзлаштирилди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш чоралари кўрилди. 1992-1997 йилларда иқтисодиётга 7 млрд. АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестициялар жалб этилди. Биргина 1997 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар салмоғи 1.1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

1997 йилда дунёнинг 80 мамлакати сармоядорлари иштирокида тузилган 3200 қўшма корхона фаолият кўрсатди.


Мустақиллик йилларида нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жиддий кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон ҳудудида 2 трилион кубометрга яқин газ захиралари, 160 дан ортиқ нефть кони мавжуд. Бироқ мустақилликкача республикага четдан келтирилди. Бунинг учун қарийб 600 минг тонна пахта толаси Россияга ва бошқа мамлакатларга беришга мажбур этиларди.

“Насиб қилса, — деган эди И. Каримов 1993 йил сентябрда бўлиб ўтган Олий Кенгашининг XIII сессиясида, — Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари чегарасидаги Қорувулбозор нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводини қуриб олсан, биз ўзимизни ўзимиз таъминлашдан ташқари, нефть маҳсулотларини Афғонистон орқали Покистон ва бошқа давлатларга ҳам сотишимиз мумкин”


*И. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.  
т. 2, 31-бет.*

Ўзбекистон чет эл инвестициялари иштирокида 2.5 млрд. куб. метр газ ҳайдаш қувватига эга бўлган Кўкдумолоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни ҳайдаш заводи қурилди ва ёқилги ишлаб чиқариш анча ўсади.

### **Нефть ва газ конденсати қазиб чиқаришнинг ўсиши (фоизда)**



## Четдан келтирилган нефть (млн. тонна)



Матбаба: Халқ сўзи, 1998 йил 5 апрель.

1997 йилда 7.9 млн. тонна нефть ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон нефть маҳсулотларини экспорт қиласабошлиди.

1992 йилнинг август ойида Жанубий Корея билан ҳамкорликда Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этишга келишилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 5 ноябрда “Сельхозмаш” концерни ва “Daewoo corporation” корпорацияси билан ҳамкорликда Асака шаҳрида автомобиллар ишлаб чиқарувчи “Uz-Daewoo Auto” қўшма корхонаси ташкил қилиш тұғрисида қарор қабул қилди. Уни қуришга сарфланадиган сармоянинг 50 фоизини “DAEWOO” корпорацияси ва 50 фоизини “Ўзсаноат” уюшмаси ажратишиди. Курилиш ишлари 1993 йилнинг февраль ойидан бошланди ва унинг биринчи навбати 1996 йил март ойида ишга туширилди. 1996 йилнинг март ойида “Damac”, июнь ойида “Tico”, юль ойида “Nexia” русумли автомобиллар ишлаб чиқариш бошланди.

“Uz-Daewoo” қўшма корхонаси 1996 йилда 25.3 минг автомобиль ишлаб чиқарган бўлса, 1997 йилда 64.9 минг дона енгил автомобиль ишлаб чиқарди.

Манба: Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари, 1998 йил, биринчи чорак, 33-бет.

Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28-мамлакатга айланди. Автомобиллар учун бутловчи

қисмлар тайёрловчи яна күпгина корхоналар ташкил этилмоқда.

Республикада барпо этилган “Заравшон-Ньюмонт” күшма корхонаси, Қизилқұм фосфорит комбинати, Құнғирот сода заводи, Қувасой кварц заводи, Самарқанд тамаки фабрикаси, Яңгийүл ва Андижон спирт заводи, Тошлоқ ип йигириув фабрикаси ва бошқалар макроиқтисодий барқарорлыкни таъминлашда муҳим ўрин эгалламоқда.

Иқтисодиёт таркибидаги туб ўзгартиришлар, янги корхоналарнинг бунёд этилиши самарали натижалар бермоқда.

“Ўзбекистон собиқ шүролар ҳудудидаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилда 1990 йилдаги бошланғич дарајадан 12.7 фоиз, жумладан, 1996 йилга нисбатан 6.5 фоиз ортган ягона мамлакатдир”.

*Ислом Каримов. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 февралдаги Мажлисіда сұзлаган нұтқидан, Халқ сұзы, 1998 йил 26 февраль.*

Ўзбекистонда саноат тараққиётининг мағзини чақиш учун қуидаги қиёсий жадвалга эътибор қилинг.

#### **МДҲ мамлакатларида 1997 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида)**

|             | 1990 | 1991  | 1992 | 1993 | 1994 | 1995  | 1996  | 1997  |
|-------------|------|-------|------|------|------|-------|-------|-------|
| Ўзбекистон  | 100  | 101.5 | 94.7 | 98.1 | 99.7 | 100.0 | 106.0 | 112.7 |
| Беларус     | 100  | 99.0  | 89.7 | 80.7 | 66.9 | 59.1  | 61.0  | 71    |
| Қирғизистон | 100  | 99.7  | 73.4 | 54.8 | 39.5 | 32.4  | 35.0  | 51    |
| Украина     | 100  | 95.2  | 89.1 | 82.0 | 59.6 | 52.4  | 50.0  | 49    |
| Қозогистон  | 100  | 99.1  | 85.4 | 72.8 | 52.3 | 48.0  | 48.0  | 49    |
| Россия      | 100  | 92.0  | 75.4 | 64.8 | 51.3 | 49.6  | 48.0  | 48    |
| Арманистон  | 100  | 92.3  | 47.8 | 42.9 | 45.2 | 46.2  | 47.0  | 47    |
| Озарбайжон  | 100  | 104.8 | 80.0 | 74.4 | 57.5 | 47.6  | 44.0  | 44    |
| Малдова     | 100  | 88.9  | 64.8 | 65.0 | 47.0 | 45.2  | 42.0  | 41    |
| Грузия      | 100  | 77.4  | 41.9 | 30.8 | 18.6 | 16.8  | 18.0  | 19    |

Манба: Халқ сұзы, 1998 йил 25 март

Мустақиллик йилларида исътемол буюмлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эътибор берилди. Натижада исътемол буюмлари импорти камайди. Масалан, 1997 йилда 1996 йилга нисбатан дон маҳсулотлари импорти 2 марта, ун ва ун маҳсулотлари импорти 5 марта, шакар ва қандолат маҳсулотлари импорти 2 марта, кийим-кечак импорти 7 марта, пойабзал маҳсулотлари импорти 4 марта камайди.

Ўзбекистон импортида техник мақсадларга мўлжалланган товарлар, асбоб-ускуналар асосий ўринни эгаллайди, уларнинг салмоғи умумий импорт ҳажмида 74 фоизни ташкил этди. Бу юксак технология билан жиҳозланган янги корхоналар қуриш, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш деганидир.

Ўзбекистоннинг экспорт қобилияти ҳам ўсиб бормоқда.

“1997 йилда ташқи савдо обороти қарийб 9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Маҳсулотларимиз дунёнинг 78 мамлакатига экспорт қилинмоқда”.

*И. Каримов. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 февралдаги мажлисida сўзлаган нутқидан, Халқ сўзи, 1998 йил 26 февраль.*

Экспортнинг анъанавий турлари — пахта, рангли металл билан бир қаторда калава, бензин, автомобил сотиши йўлга қўйилди.

1997 йилда экспортнинг умумий ҳажми ўсиши нефть, нефть маҳсулотлари ҳам табиий газ (4 марта), автомобиллар (74 марта), кимёвий штапел тола (6.8 марта), кийим кечаклар (64 фоиз) ўсиши ҳисобидан эришилди.

### Ўзбекистон товарлар экспорти

|      | Экспорт млн.<br>АҚШ доллари | МДҲга экспорт<br>салмоғи, % | Бошқа мамлакат-<br>ларга, % |
|------|-----------------------------|-----------------------------|-----------------------------|
| 1994 | 2.549                       | 62.1                        | 39.9                        |
| 1995 | 2.821                       | 39.3                        | 60.7                        |
| 1996 | 4.210                       | 21.1                        | 78.9                        |
| 1997 | 4.384                       | 34.4                        | 65.6                        |

Манба: Ўзбекистон иқтисодиёт йўналишлари, 1998 йил, биринчи чорак, 16-бет.

Пахта толаси Ўзбекистоннинг энг муҳим экспорт маҳсулоти бўлиб, дунёда биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. Пахта толасининг Ўзбекистон экспортидаги умумий салмоғи 36 фоизни ташкил этади. 1997 йилда пахтанинг дунё бозоридаги нархи ўтган икки ўн йиллик ўртacha нархига яқин бўлиб келди.

1998 йилнинг бошларида пахта нархининг пасайиши экспортдан тушган даромадларга бевосита таъсир қиласди.

### **Товар ва хом ашёларнинг экспортдаги салмоғи, %**

|   | 1996 | 1997 |
|---|------|------|
| Пахта толаси  | 36.3 | 36.0 |
| Кимё маҳсулотлари, пластик ва ундан тайёрланадиган товарлар | 2.3  | 1.7  |
| Қора ва рангли металлар                                     | 3.4  | 4.6  |
| Машина ва ускуналар   | 2.8  | 6.3  |
| Озиқ-овқатлар   | 7.7  | 3.8  |
| Ёқилги-энергия маҳсулотлари                                 | 5.7  | 12.0 |
| Хизматлар   | 7.9  | 8.2  |
| Бошқалар  | 33.9 | 27.4 |

Манба: Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, Тошкент, 1998 й.

### **Ўзбекистон экспортининг давлатлар бўйича тақсимланиши, фойзларда**

| Давлатлар     | 1996 | 1997 |
|---------------|------|------|
| МДҲ           | 22.9 | 34.4 |
| Швецария      | 7.8  | 10.0 |
| Жанубий Корея | 6.4  | 7.4  |
| Буюк Британия | 8.7  | 5.8  |
| Италия        | 2.6  | 4.2  |
| Голландия     | 3.2  | 3.1  |
| Хитой         | 3.0  | 2.0  |
| Белгия        | 1.6  | 2.0  |
| Олмония       | 2.2  | 1.1  |
| АҚШ           | 6.7  | 0.9  |
| Бошқалар      | 34.9 | 29.1 |

Манба: Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари, 1998 йил, биринчи чорак, 16-бет.

## МДҲ айрим мамлакатларига экспорт

| Мамлакат     | Экспорт млн. АҚШ доллары |      | Умумий экспорттаги салмоги % |      |
|--------------|--------------------------|------|------------------------------|------|
|              | 1994                     | 1995 | 1994                         | 1995 |
| Россия       | 779                      | 585  | 29.0                         | 18.8 |
| Қозоғистон   | 312                      | 238  | 11.6                         | 7.7  |
| Тожикистан   | 225                      | 156  | 8.4                          | 5.0  |
| Туркманистан | 174                      | 150  | 6.5                          | 4.8  |
| Қирғизистон  | 102                      | 68   | 3.8                          | 2.2  |

### 8. Кучли ижтимоий сиёсат

Ўзбекистонда ислоҳотлар бошланган дасталабки пайтдаёқ, унинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини **вужудга** келтиришдан иборат, деб белгиланган эди. Бозор муносабатларига ўтишнинг илк давридан бошлаб аҳолини олдиндан ижтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриб борилди:

“Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишидир”

*Ислом Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. т. 1, 322-бет.*

Кучли ижтимоий сиёсат юритиш бозор муносабатларига ўтиш даврида нархларни эркинлаштириш билан боғлиқ.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида нархлар ислоҳоти ўтказилди ва нархларни эркинлаштиришда жиддий ўзгаришлар юз берди.

Нархлар 1992 йил январидан бошлаб босқичмабосқич, оҳисталик билан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган чораларни олдиндан кўриб кўйган ҳолда эркинлаштирила бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг “Нархларни эркинлаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 1992 йил 10 январдан бошлаб Ўзбекистонда кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлари, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг келишилган (эркин) нархлари ва тарифларига ўтилди. Ҳукумат аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегарасини, кўрсатиладиган айрим турдаги хизматларнинг энг юқори тарифларини белгилаб қўйди. Шу муносабат билан дон, буёдой етиштириш учун, ун ва бошқа озиқ-овқат молларини ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларнинг бир қисми республика бюджетидан тўланди. Ўқувчи ва талабаларга бепул ионушта ва имтиёзли овқат беришдан қўрилган зарар давлат ҳисобидан қопланди, болаларга мўлжалланган айрим турдаги товарларни, дори-дармонларни ишлаб чиқаришга давлат дотацияси берилди.

1993 йилда қатъий белгиланган ва тартибга солиб туриладиган нархларда сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхати анча қисқарди. Келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди.

1994 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари нархларни эркинлаштириш жараёнида жиддий босқич бўлди. Халқ истеъмоли моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди. Нон ва уннинг нархлари, уй-жой коммунал хўжалиги, шаҳар умумий транспорти хизматларининг тарифларигагина қисман дотация бериладиган бўлди, холос.

Шундай қилиб, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни тўла эркинлаштириш билан тугади, бу жараён ижтимоий ларзаларсиз ўтди. Негаки, давлат турли компенсация жамғармалари тузди, болалар учун нафақалар жорий этди, энг кам иш ҳақи, пенсия, нафақалар ва стипендиялар мунтазам суратда ошириб борилди.

Нархни эркинлаштириш иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш билан бевосита боғлиқ. 1992 йил август ойида Ўзбекистон Республикасининг “Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонуни кучга киритилди. Бу қонун асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Молия вазирилиги тизимида тузилган Антимонополь ва нарх-

наво сиёсатини ўтказиш Баш бошқармаси монополия мавқеидаги корхоналарни белгилаб, уларнинг маҳсулотлари бўйича нархларни ва рентабелликни тартибга солиб турибди. 1625 гуруҳдаги товарлар хили бўйича 658 корхона монополиячилар рўйхатига киритилган.

Нархларни эркинлаштириш билан боғлиқ ҳолда аҳолини ҳимоялаш мақсадида миқдори мунтазам ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар, турли нафақалар, стипендиялар, компенсация тўловлари тарзидаги пул тўловлари кенг қўлланилди. Энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмайдиган бўлди. Корхоналарнинг ўз ходимларига ижтимоий ёрдам қўрсатиш соҳасидаги харажатларидан бир қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиб турди. Кенг истеъмол моллари ва хизматларининг кўпгина турлари нархларидағи тафовутларнинг ўрни давлат бюджети ҳисобидан қопланди. Бошлангич синф ўқувчилари, 2 ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва талабалар учун овқатнинг арzonлаштирилиши каби имтиёзлар жорий қилинди. Айрим тоифадаги фуқароларга уйжой бепул хусусий мулк қилиб берилди, коммунал хизматлар ҳақини тўлашда енгилликлар берилди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичи давомида ижтимоий ҳимоялаш харажатлари республика бюджетининг салкам учдан бир қисмини ташкил этди.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимида уч йўналиш яққол намоён бўлди.

*Биринчиси*, нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиши даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражаси мунтазам ошириб борилди. Бу соҳада 1993 йил январда жорий этилган янги ягона тариф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Ягона тариф сеткаси барча ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорини тариф коэффициентлари орқали, энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди. Энг кам иш ҳақини ошириш йўли билан аҳолининг ўртача иш ҳақи, пул даромадлари ҳам ўз-ўзидан кўтарила борди. 1995 йилда энг кам иш ҳақи 250 сўм бўлган бўлса, 1996 йилда 600 сўм, 1997 йилда 750 сўм, 1998 йилдан 1100 сўмга етди.

*Иккинчиси*, республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва

ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўйича қўрилган чоратадбирлар аҳолини ижтимоий ҳимояялаб турди. 1992-1994 йилларда нон ва ун маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут, қанд-шакар, ўсимлик мойи, кир соғун, болаларга керакли айрим моллар, коммунал ва транспорт хизматлари учун давлат дотацияларининг сақланиб турилганлиги аҳолига ижтимоий жиҳатдан катта ёрдам бўлди.

Учинчидан, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари қўрилди. Булар жумласига нафақаҳўрлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оиласлар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар кирап эди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари бюджет имкониятига боғлиқ рашида ўтказилди.

1994 йил 24 августда “Кам таъминланган оиласларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида” Президент фармони қабул қилинди. Фармонга кўра 1994 йил октябрдан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими такомиллаштирилди. Негаки, илгари фақат республика бюджети йўли билангина 30 та турли соҳа ва йўналишлар бўйлаб ижтимоий ҳимоя амалга ошириларди, бу маблағларнинг сочилиб кетишига олиб келди. Қўрилган чора-тадбирлар янги ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган бўлиб, ёрдамга муҳтоҷ бўлган фуқароларни қўллаб қувватлашда тўла самара бермаётган эди.

1994 йилда ижтимоий ҳимоянинг асоссиз тенглаштириш тизимидан аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган тизимга ўтилди. Маҳалла орқали болалар ва кам даромадли оиласларга моддий ёрдам бериладиган бўлди. 1995 йилда 500 мингга яқин эҳтиёжманд оиласларга маҳалла қўмиталари орқали 6 млрд. сўм нафақа берилди. Бундай тизимнинг яратилиши ислоҳотлар биринчи босқичининг ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги муҳим якуни бўлди. 1995-1996 йиллар тажрибаси бу тизимнинг ҳаётийлигини, тўғрилигини тасдиқлади.

Ўқитувчилар, тарбиячилар, илмий, ижодий ва тиббий ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида, уларга квартира ҳақи ва коммунал хизматлар соҳасида имтиёзлар берилди. Масалан, 120403 ўқитувчининг уйлари белул хусусийлаштирилди, 489256 ўқитувчига коммунал хизматдан фойдаланишда имтиёз яратилди.

Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ўкув юрглари талабаларининг стипендиялари ошириб борилмоқда.

### Асосий тармоқлар бўйича номинал иш ҳақлари (сўм)

|         | Ўртача | Саноат | Кишиюқ ҳужалиги | Транспорт | Курилиш | Савдо | Ахборот ҳисобланган хизматлари | Соликими сақлаш | Халқ таълими | Банк сугурта |
|---------|--------|--------|-----------------|-----------|---------|-------|--------------------------------|-----------------|--------------|--------------|
| 1994    | 274    | 406    | 234             | 347       | 421     | 157   | 244                            | 140             | 167          | 519          |
| 1995    | 1067   | 1529   | 777             | 1427      | 1656    | 556   | 1716                           | 660             | 677          | 1789         |
| 1996    | 2182   | 3054   | 1187            | 2968      | 3638    | 1118  | 3975                           | 1395            | 1537         | 4036         |
| 1997    | 3058   | 4565   | 1171            | 5171      | 4902    | 1889  | 3793                           | 1774            | 1919         | 5688         |
| 1 чорак |        |        |                 |           |         |       |                                |                 |              |              |
| 1998    | 4382   | 6727   | 1752            | 7089      | 6135    | 3478  | 6369                           | 2605            | 2988         | 8461         |
| 1 чорак |        |        |                 |           |         |       |                                |                 |              |              |

М а н б а: Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари, 1998 йил, биринчи чорак, 57-бет.

Бутун республика миқёсида амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирлар натижасида мамлакат тараққиёти учун зарур шарт-шароитлар, инсон манфаатларини рӯёбга чиқаришнинг таъсирчан воситалари вужудга келтирилди.

Иқтисодий ислоҳотлар туфайли давлат мулкини нодавлат мулкига айлантириш ва хусусийлаштириш, бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган, замонавий корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини яратиш, бозор инфраструктурасини — янги молиявий, банк ва солиқ тизимини фаол шакллантириш, хом ашё, товар маҳсулотлари, меҳнат, сармоя ва қимматбаҳо қофозлар бозорини ташкил этиш — буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кўпукладли иқтисодиёт вужудга келганлигини исботлайдиган оммиллардир.

Ўрта мулкдорлар қатламишининг шаклланиши учун ҳуқуқий, моддий ва бошқа тартиб-қоидавий шарт-шароитлар яратилди. Ўрта мулкдорлар қатлами вужудга келди.

Молиявий ва иқтисодий барқарорликка эришиш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар, инфляцияга қарши кучли сиёsat юритилиши ва инфляция даражасининг жиддий пасайишига эришилганлиги, ишлаб чиқаришдаги инқизозни бартараф этишга ва ижтимоий аҳволни барқарорлаштиришга муваффақ бўлинганлиги, булар ҳаммаси иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки ва энг қийин босқичидаги устувор, асосий мақсадлар ва вазифаларни таъминлашга қаратилган тадбирлардир.

Иқтисодий ислоҳот жараёнларини чуқурлаштириш, иқтисодни ўстириш масалаларини ҳал қилиш, инвестициявий фаолиятни янада яхшилаш учун мустаҳкам мөддий ва ижтимоий пойдевор яратилди. Ислоҳотлар жараёни — узлуксиз жараён. Ислоҳотлар тобора чуқурлашиб ва кенг миқёсларда амалга оша борган сайин иқтисодий муносабатлар ҳам такомиллаша боради, мулкчиликнинг давлат ва нодавлат шакллари орасидаги нисбатлар ўзгаради, айрим хўжалик субъектлари ва умуман иқтисодиётни бошқаришни ташкил этишнинг шакл ва усуллари мукамаллашади, корхоналарнинг, бозор инфраструктурасининг янги, бозор иқтисодининг тобора ошиб бораётган талабларига жавоб берадиган анча такомиллашган ташкилий-ҳуқуқий шакллари пайдо бўлади.

## Маълумотнома бўлими

- \* Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1992 йил 8 декабрь;
- \* “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” қонун 1993 йил 7 май, 1994 йил 23 сентябрь;
- \* “Корхоналар тўғрисида”ги қонун ва унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қарор, 1991 йил 15 февраль, 1994 йил 23 сентябрь;
- \* “Тадбиркорлик тўғрисида” қонун ва унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида қарор, 1993 йил 7 май;
- \* “Кооперация тўғрисида” қонун, 1991 йил 14 июнь, ўзгартишлар ва қўшимчалар билан, 1993 йил 28 декабрь;
- \* “Ижара тўғрисида” қонун, 1991 йил 19 ноябрь, ўзгартишлар ва қўшимчалар билан, 1993 йил 2 сентябрь;

- \* “Биржа ва биржа фаолияти тұғрисида” қонун, 1992 йил 2 июль;
- \* “Деңқон хұжалиги тұғрисида” қонун, 1992 йил 3 июль;
- \* “Аудиторлик фаолияти тұғрисида” қонун, 1992 йил 9 декабрь;
- \* “Хұжалик жамиятлари ва ширкатлари тұғрисида” қонун, 1992 йил 9 декабрь, үзгартышлар ва құшимчалар билан, 1994 йил 23 сентябрь;
  - \* “Гаров тұғрисида” қонун, 1992 йил 9 декабрь;
  - \* “Суғурта тұғрисида” қонун, 1993 йил 6 май;
  - \* “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тұғрисида” қонун, 1993 йил 7 май;
  - \* “Қимматли қоғозлар ва биржа фонди тұғрисида” қонун, 1993 йил 2 сентябрь;
    - \* “Банкротлик ҳақида” қонун, 1994 йил 5 май;
    - \* “Концессиялар тұғрисида” қонун, 1995 йил 30 август;
    - \* “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тұғрисида” қонун, 1995 йил 21 декабрь;
    - \* “Марказий банк” тұғрисида” қонун, 1995 йил 21 декабрь;
    - \* “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият күрсатиши механизми тұғрисида” қонун, 1996 йил 25 апрель;
    - \* “Банклар ва банк фаолияти тұғрисида” қонун, 1996 йил 25 апрель;
    - \* “Эркин иқтисодий зоналар тұғрисида” қонун, 1996 йил 25 апрель;
    - \* “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқтарини ҳимоя қилиш тұғрисида” қонун, 1996 йил 25 апрель;
    - \* Үзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тұғрисида” Фармони, 1995 йил 7 февраль;
    - \* Үзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар дарражасини камайтириш тұғрисида” Фармони, 1995 йил 24 февраль;
    - \* “Үзбекистон Республикаси Президентининг референдум орқали узайтирилган ўз ваколатларини Президентлик лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб

эътироф этиш тўғрисидаги баёноти ҳақида”, Олий Мажлис қарори, 1995 йил 5 май;

\* “Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1995 йил 30 август;

\* “Концессиялар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1995 йил 30 август;

\* “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1995 йил 21 декабрь;

\* “Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1995 йил 22 декабрь;

\* “Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1996 йил 26 декабрь;

\* “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1996 йил 27 декабрь;

\* “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1996 йил 27 декабрь;

\* “Ер кодекси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1998 йил 30 апрель;

\* “Қишлоқ хўжалик ширкати тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1998 йил 30 апрель;

\* “Фермер хўжалиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1998 йил 30 апрель;

\* “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1998 йил 30 апрель;

\* “Чет эл инвестициялари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1998 йил 30 апрель;

\* “Чет эллик инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1998 йил 30 апрель;

\* “Ер кадастри тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1998 йил 30 август.

## **Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари**

\* “Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 1991 йил 21 декабрь;

\* “Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тұғрисида”, 1992 йил август;

\* “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тұғрисида”, 1992 йил февраль;

\* “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тадбирлари тұғрисида”, 1994 йил 21 январь;

\* “Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йұналишлари тұғрисида”, 1994 йил 15 март;

\* “Ўзбекистон Республикасининг миллий валюта-синаи киритиш тұғрисида”, 1994 йил 16 июнь;

\* “Хусусий тадбиркорликда ташаббус күрсатиш ва уни рағбатлантириш тұғрисида”, 1995 йил 5 январь;

\* “Давлат мулки корхоналарини акциялаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш тадбирлари тұғрисида”, 1995 йил 12 май;

\* “Хусусий тадбир ва кичик бизнесни суғурта йұли билан ҳимоя қылувчи Агентликни ташкил қилиш тұғрисида”, 1995 йил 25 июль;

\* “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни құллаб-құвватлаш Фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил этиш ҳақыда”, 1995 йил 26 июль;

\* “Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг құшымча тадбирлари тұғрисида”, 1995 йил 7 сентябрь;

\* “Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тұғрисида”, 1996 йил 12 март;

\* “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк құмита-си ҳузурида қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказини ташкил этиш тұғрисида”, 1996 йил 26 март.

## IV БОБ.

# Ўзбекистоннинг маънавий ва маърифий равнақи

### 1. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши

Одамлар онгига мустақиллик, маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантириш, халқнинг миллий руҳини уйғотиш ва тиклаш жамиятнинг барқарор ривожланишининг муҳим шарти ва кафолатидир.

«Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгига маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди».

*И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...,  
137-бет.*

Халқимизнинг кучи, аввало унинг бой маънавий меросга эга эканлигидадир.

«Халқимизнинг маънавий пойдевори — бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам».

*И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқтол,  
иқтисод, сиёсат, мағкура. т. 1, 203-бет.*

Мамлакатимиз бир неча бор ажнабий босқинчилар ҳужумига дучор бўлган, қарамлик зулми остида қолган бўлса-да ўзлигини йўқотмади, халқимиз ўзининг бой маънавий меросини авайлаб сақлаб ва бойитиб келди. Айниқса, сўнгги мустамлакачилик даврида маънавий меросга синфий нуқтаи назаридан ёндошиш оқибатида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз прогрессив ва реакцион блокларга бўлинди, машҳур олимлар, адиллар ва санъат усталари материалист ва идеалистга бўлинди. Реакцион деб баҳолангандар миллий қадриятларимиз, одатларимиз ва анъаналаримиз, идеалистга ажратилган алломаларимиз қораланди, танқид остига олин-

ди, күпгина тарихий ёдгорликлар бузилди, қаровсиз қолди, китоблар ва қўлламаларни нашр этиш, ўргатиш ман этилди ёки эътиборсиз қолдирилди.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавият зуғумларидан озод бўлди, эркин фикрга, миллий таф-факкурга, миллий тикланишга кенг йўл очилди. Миллий тикланиш ўз-ўзидан содир бўлмайди, бунинг учун халқ дунёқарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилиш зарур.

“Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар — ўз йўлига.

Уларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислоҳотлар — қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда!”

И. Каримов.

Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. т.1, 202-бет.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз қолдирган маънавий меросини тиклаш ишлари бошланиб кетди. Хўш, маънавий мерос нима, унинг тикланиши нималарда намоён бўлмоқда?

Маънавий мерос қадими замонлардан бери аждодларимиз, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар — сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асаллари мажмуудир. Маънавий қадриятлар, бойликлар инқилобий йўл билан ҳосил қилинадиган ҳодиса эмас, у жамият тараққиётининг барча босқичларида унинг эҳтиёjlари туфайли юзага келади ва ўша давр ҳаётини акс эттиради, у жамият ўзгариши билан йўқолиб кетмайди, кеъинги авлодлар учун маънавий мерос бўлиб қолади. Ҳар бир авлод маънавиятни янгидан яратмайди, маънавий меросга таянади, бироқ уни қандай бўлса шундайлигича, кўр-кўрона қабул қиласермайди, тараққиёт-парварлик, инсонпарварлик, адолат нуқтаи назаридан қабул қиласи ва ривожлантиради.

“Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзлигимизни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида муҳим ўрин тутади”.

И. Каримов.

*Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ... , 140-бет.*

Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини ёритиш ва ўрганиш масалалари партиявилик, синфиийлик ёндашувларидан, ҳукмрон коммунистик мафкурага хизматкор бўлишдан холос этилди. Неча 10 йиллар давомида бузиб кўрсатилган ёки сўз очилмай келган тарихий воқеаларни холислик, тарихийлик, ҳаққонийлик тамойиллари асосида тадқиқ қилишга киришилди ва дастлабки асарлар яратилди.

Советлар даврида Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Мирзо Улугбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари мутафаккирларнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси қисман ёритилган бўлсада, уларнинг жаҳон тарихи дурдонасига айланиб қолган асарлари тўла нашр этилмади, айримлари чегараланган нусхалардагина чоп этилган. Абдухолиқ Фиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Исмоил Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Бурҳониддин Марғилонийларнинг гоялари зарарли, диний-мистик қарашлар деб ҳисобланди, уларнинг ижоди тўғрисида лом-мим дейилмас эди. Советлар ҳокимияти даврида миллий истиқдол учун курашган минглаб зиёлилар, олимлар, ёзувчилар, шоирлар қатағон қилинди, қувғин остига олинди. Уларнинг номи бадном қилинди, улар ҳақида сўзлаш ман этилди, асарлари йўқ қилинди.

Мустақиллик шарофати билан маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Улуғ боболаримиз руҳи шод этилди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Ноҳсири каби Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган халқ жигарбандларининг номи, иззат икроми, хурмати ўз жойига қўйилди, уларнинг маънавий мерослари халқимизга қайтарилиди. Мирзо Улугбек, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг таваллуд топган кунлари байрамона нишонланди, уларга ҳайкаллар қўйилди, қадамжолари таъмирланди, асарлари етарли нусхада нашр

этилиб, китобхонларга етказилди. ЮНЕСКОнинг қарорига биноан 1994 йилда Парижда, Истанбул ва Қаро-чидаги буюк фалакиёт олимни Мұхаммад Тарагай Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилейи байрам қилингандылыги халқимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссасининг эътироф этилиши бўлди.

Мамлакатимиз Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Миср каби қадимий давлатлар қаторида туради, миллий давлатчилигимиз қадимий, диёримиз йирик давлат арбоблари билан машҳур. Бобомиз Амир Темур мамлакатимизни жаҳондаги энг қудратли давлат даражасига кўтарган. Шўролар даврида кўхна тарихимизнинг ана шу қирралари беркитилган бўлса, мустақиллик даврида ўзининг асл баҳосини олди. Миллий давлатчилигимиз тажрибаси, Амир Темур тузуклари, Форобий, Алишер Навоийларнинг одил давлат қуриш ҳақидаги доно фикрмuloҳазалари мустақиллик даврида демократик ҳукуқий давлат қурилишида катта мадад берди. Амир Темурнинг номи тикланди. 1996 йил мамлакатимизда ва жаҳон миқёсида Амир Темур йили сифатида кенг нишонланди. ЮНЕСКО қарори билан 1996 йил апрелда Парижда машҳур давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағищланган ҳафталиқ тантаналар бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрида Амир Темурга ҳайкал қўйилди, Темурийлар тарихи давлат музеи ташкил этилди, унинг номи билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар таъмиранди. Амир Темур шахси бутун маърифий инсониятнинг бойлиги эканлиги тан олинди.

«Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда».

И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...,  
140-бет.

Ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп саҳифалари, энг аввало, темурийлар даври, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейлари муносабати билан бир неча минг йиллик тарих, XIX аср охири XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди.

Ватанимиз тарихида ҳали ўрганилмаган долзарб му-

аммолар кўп. Ўзбек халқи ва ўзбек давлатчилиги тарихини, тарихимизнинг бошқа саҳифаларини холисона илмий асосда ёритиш вазифалари Президент И. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан 1998 йил июнь ойида бўлган сұхбатида, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июля қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилди.

Қадим замонлардаёқ юртимизда дин эркинлиги мавжуд бўлган оташпарастлар, буддийлар, монийлар, мусулмонлар ва бошқа диний эътиқоддагилар иноқликда яшаган, tenglik, эркинлик гояларига амал қилишган. Халқимиз маънавий жиҳатдан кўпгина афзалликларга эга бўлган ислом динини қадрлайди. Буюк ватандошимиз Муҳаммад ибн-Исмоил ал-Бухорий ислом дини таълимотида Куръони Каримдан кейинги асосий манба ҳисобланувчи “Саҳийх ал-Бухорий” номли асар яратиб ислом тарихини бойитди. Бобокалонларимиз Йомат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳўжа Аҳмад Ясавийлар инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматларнинг ижодкорларидир. Мустақиллик даврида ана шу алломаларимизнинг номи тикланди, халқимиз уларнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлдилар.

Республика Вазирлар Маҳкамаси қошида Дин ишлари буйича маҳсус қўмита тузилди. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида”, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида” қонунда давлатнинг дин ва диндорлар вакилларига муносабати ўзининг аниқ ифодасини топди.

«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қараашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.»

ЎзР Конституцияси, 31-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири)нинг баъзи моддалари:

- “Виждон эркинлиги — фуқароларнинг ҳар қан-

дай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган Конституцияйи хукуқидир.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди”.

### 3 - м о д д а .

■ “Ўзбекистон Республикаси таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанларни киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳукуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъий назар таъмин этилади”.

### 7 - м о д д а .

■ “Диний ташкилот деб, диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастир ва бошқалар эътироф этилади. Диний ташкилотларни 18 ёшга тўлған 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билан тузилади”.

### 8 - м о д д а .

■ “Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади”.

### 9 - м о д д а .

■ “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилот хизматчилари бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди”.

### 14- м о д д а .

■ “Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино-фото-аудио-видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, саклаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади”.

### 19- м о д д а .

Кейинги йилларда ислом динининг фаоллашуви, сиёсийлашуви жараёни жонланиб қолди. Исломнинг

сиёсийлашуви кўпгина адабиётларда “Ислом омили” деб ҳам аталади. Исломнинг сиёсий фаоллашувига олиб келган сабаблар бор.

Биринчидан, мусулмонлар яшовчи мамлакатлардаги ижтимоий-иктисодий аҳвол сабаб бўлди. Яъни, аҳоли қуи табақаларининг майда мулкдорларнинг ўз даромад манбаидан маҳрум бўлиб йирик шаҳарларга оқиши кучайди. Ишсизлар, қашшоқлар кўпайди, норозилик кучайди. Шунингдек, жамиятнинг олий табақа вакиллари ўртасида ҳам сиёсий фаоллашув кучайди.

Иккинчидан, мустамлакачи давлатларнинг узоқ йиллар давомида мусулмон мамлакатларини фарбга хос тараққиёт йўлидан етаклаб бориш, фарб маданияти ва ахлоқини сингдиришдан иборат сиёсати барбод бўлди. Мусулмон халқларининг фарб маданияти ва ахлоқига нисбатан нафрати ва норозилиги кучайди.

Учинчидан, мусулмон мамлакатларидағи ижтимоий ҳаракатларга диний тасаввурларнинг таъсири кучайди. Уз тарихи, маданияти ва анъаналарига мурожаат қилишга интилиш ўсади.

Тўртинчидан, дунёдаги айрим сиёсий кучлар ўз мақсади йўлида “Ислом омили”дан фойдаланиб қолишга уринмоқдалар. Унга араб-исроил можароси мисол бўла олади.

Ислом экстремистлари қадимги ислом ғоялари ва анаъаналарини қайта тиклаш байроби остида террорчилик, суиқасд ўюнтириш йўллари билан шуғулланадилар. Ислом фундаменталистлари исломнинг фундаментал принципларини тиклаш, исломда вужудга келган дастлабки шарт-шароитларга қайтиш щиори остида ҳаракат қилувчилардир. Улар дин ва сиёсатни бир тушунча, ислом билан миллат манфаатларини бир деб тарғиб қиласидар, давлатни исломийлаштириш, давлатни “Ислом тараққиёт йўли”га киритишга уринадилар.

Дин, шу жумладан ислом дини ҳам асрлар давомида инсон табиатида чуқур илдиз отди, ўзига хос бўлган вазифаларни адо этиб келмоқда. Диннинг юксак роли шундаки, у умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уни ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган, одамларни баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда.

Диннинг яна бир ижобий томони шундаки, у одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаб, уларни поклаб,

юксалтириб, ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгидиң ўтишда куч бағишилаб келмокда. Дин умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақладаб қолиш, уни авлоддан авлодга етказишига ёрдам бериб келган. Шу тариқа дин жамият ҳаётининг бир қисми бўлиб қолди.

Жамиятда дин, диний тасаввурлар билан бирга дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам ёнма-ён яшаб келган. Ҳаётининг мазмунини тушунишга турлича - диний ёки дунёвий ёндашувлар кўмаклашиб келган.

Ҳаётининг мазмунини тушунишга турлича ёндашишларнинг ... ёнма-ён мавжуд бўлиши, эҳтимол, инсоният дунёсининг, маънавий ҳаётининг бойлиги ва хилма-хиллигини таъминлаб берган ҳамда унинг ривожланишини рагбатлантириб тургандир.

И. Каримов

Шунинг учун бугунги кунда бутун дунёда ва Ўзбекистонда инсоннинг эркин фикрлаш эрки, хоҳлаган динига эътиқод қилиш эркига ёки ҳеч қандай динга эътиқод қиласлик эркига бўлган ҳукуқи тан олинган.

Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларда қуидаги тамойилларга амал қилинмоқда:

- диндорларнинг диний туйгуларини ҳимоя қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳукуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўйаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида диний уюшмалар билан мулоқот қилиш;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бермаслигини эътироф этиш;
- дин ва эътиқодга сифиниш эркига қонун билан белгиланган чеклашлар орқалигина дахл қилиш мумкин;
- диний даъватлар билан ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт, қонунчиликка аралашишга йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг мустақиллигини

мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда, диний экстремизм ва фундаментализм таҳдиidi намоён бўлмоқда. Улар қуидагилардан иборат:

Биринчидан, ислом фундаменталистлари ақида-парастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўқотишга, демократик жамиятни обруғизлантиришга, барқарорликни ва миллий тотувликни бузишга уринмоқдалар.

Иккинчидан, фундаменталистлар адолат ҳақида оломбонбоп, жозибадор, асоссиз даъватлар орқали одамларга таъсир этиб, уларни, айниқса ёшларни қулларча мутелик, эрксизлик ҳолига тушуриб қўйиш, уларнинг ақлига ва тақдирига ҳукмрон бўлиб олиш хавфи мавжуд.

Учинчидан, мамлакат минтақалари аҳолида “ҳақиқий” ва “сохта” диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик чиқариш орқали миллатларни парчалашга уринмоқдалар.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг жанубий қўшни мамлакатлардаги фуқаролар уруши халқимизга мудҳиш тасавурларини зўрлаб сингдиришни хоҳловчи ўзларини чин мусулмон, дин учун курашувчilar деб ҳисоблайдиган жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтирмоқда.

Бешинчидан, фундаменталистлар мусулмон ва номуслмон мамлакатлар жамоатчилиги орасида Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутишга, бизни гоҳ динсиз даҳрийлар қилиб, гоҳ давлатларни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатишга уринадилар.

Олтинчидан, ислом цивилизацияси билан бошқа цивилизациялар ўртасида янги қарама-қаршиликни келтириб чиқаришга ҳаракат қиласилар.

Еттинчидан, омманинг онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган сохта тасавурни қарор топтиришга уринадилар.

Айрим давлатларда маълум сиёсий кучлар томонидан юритилаётган мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми, мусулмонларга қарши зўравонлик, иқтисодий камситиш сиёсати ҳам диний экстремизм, фундаментализмнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда экстремизм, фундаментализм хавфи ни олдини олиш, турли маданиятларнинг ёнма-ён тинч

яшашлари учун зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳарақатларини жаҳондаги таъсир доираси кенг кучлар тўғри тушумоқда, қўллаб-кувватламоқда.

Мустақиллик йилларида диннинг, энг аввало, ислом динининг ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатидаги мавқеи тикланди, диний уламоларнинг қадрқиммати ўз жойига қўйилди. Баҳовуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигининг нишонланиши, унинг номи билан боғлиқ масжид мажмуасининг таъмирлаши фикримизнинг далилидир.

Наврӯз байрами, Рӯза ва Қурбон ҳайитларининг тикланиши фақат диндорлар учун қилинган марҳаматгина эмас, бу байрамларнинг тикланиши аслида халқимизнинг қадимий расм-руsum, анъана ва удумларининг, қадриятларимизнинг тикланиши, аждодлар руҳининг қайта уйғонишидир.

■ 1994 йил 23 апрелда “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида Президент фармони эълон қилинди.

■ 1996 йил 9 сентябрда “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида Президент фармони чиқди.

■ “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди.

■ 1998 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.

Маънавиятни ривожлантириш йўлида қўйилган муҳим қадамлардан бири 1994 йилда республикада “Маънавият ва маърифат” жамоат марказининг ташкил этилиши бўлди. “Маънавият ва маърифат” жамоат марказининг вилоят, шаҳар ва туманларда бўлимлари фаолият кўрсатмоқда, тобора кўпроқ маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолисини маънавий-маърифий ишларга жалб этмоқда, аҳоли ўртасида ақд-заковат, илм, зиё, маърифатни тарқатмоқда. Марказ томонидан нашр этилаётган “Тафаккур” журнали аҳоли орасида кенг тарқалмоқда, халқнинг миллий уйғонишида, ёшлиарни тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг халқ ва давлат турмushiдаги асосий аҳамияти ва ўрни қайта тикланди.

Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисинг тўртинчи сессияси 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда “Давлат тили ҳақида”ги қонунини қабул қилди. Қонунда ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулки эканлиги, унинг равнақи, қўлланилиши ва муҳофазаси давлат томонидан таъминланиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда Олий давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг фаолияти, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб, статистика ва молия ишлари ўзбек тилида юритилмоқда. Республикаning маъмурий-худудий бирликлари, майдонлари, кучалари, географик ўринларнинг номларига ягона миллий шакл берилди ва ўзбек тилида ёзиб қўйилди. Натижада ўзбек халқининг миллий қадр-қиммати, мустақил давлатимизнинг қадр-қиммати қайта тикланди ва мустаҳкамланди. Шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг тиллари, қадр-қиммати ҳам ўз ўрнига қўйилди.

■ 1993 йил сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди.

■ 1995 йил май ойида Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар кириши ҳақида” Қонун қабул қилинди.

Бу қонунлар ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тұла жорий этиш 2005 йилгача босқичма-босқич амалга оширилади.

## 2. Миллий истиқлол мафкураси

Мафкура деганда нимани тушунасиз?

Ўзбекистонда демократик жамият қуришда мафкура қандай ўрин тутади?

«Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин».

И. Каримов.

«Тафаккур» журнали 1998 йил, 2 сони...

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган кундан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

1993 йил 23 апрель куни Президент Ислом Каримов бир гурӯҳ адиблар билан сұхбат қилиб миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқиш заруриятини асослаб берди.

Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида 1993 йил 7 май куни нутқ сўзлаб бундай деган эди.

«Олдимиизда турган энг муҳим масала, бу — миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир».

*И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. т.1, 203-бет*

Мазкур нутқида Ислом Каримов қўйидагиларни таъкидлаган эди:

■ миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсон, сабртоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

■ Шу билан бирга бу мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоги керак.

Президент И. Каримовнинг асарларида, ижодкор зиёлиларнинг асарлари ва мақолаларида миллий истиқлол мафкурасининг назарий қоидалари асосланмоқда, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқ тўлдирилмоқда.

“Тафаккур” журналининг 1998 йил 2-сонида журнал бош муҳаррирининг саволларига Президент И. Каримовнинг жавоблари эълон қилинди. Мазкур жавобларда мафкуранинг назарий ва амалий жиҳатлари янада чуқурроқ ёритилди.

Бугунги кунда собиқ советлар замонида ҳукмронлик қилган, одамларни қуллик, мутеълиқ ҳолатига солган,

манқуртга айлантирган коммунистик мафкурани танқид қилиш, таъқиқ қилиш, маъмурӣ чоралар кўриш йўли билан енгиб бўлмайди. “Фояға қарши фақат фоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан бахсга киришиш, олишиш мумкин”, — деган ҳақ фикрни илгари сурди Ислом Каримов.

Буни ҳар бир инсон чуқур англаши, мағиз-мағзига етиб олиши керак. Негаки, жамиятнинг, жамият аъзоларининг мустаҳкам ва равshan мафкураси, фояси, мақсади бўлмаса, инқирозга юз тутади.

Миллий истиқбол мафкурасидан кутилган мақсад нима?

«Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гуур-ифтихорини, кепрак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир... Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қиласа билсин, қўлимиизда енгилмас бир кучга айлансин».

*И. Каримов. «Тафаккур» журнали 1998 йил  
2-сони...*

И.Каримов жамият мафкурасини қандай тушунасиз деган саволга қўйидагича жавоб берди.

«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунё қарashi ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равshan белгилаб беришга хизмат қиласидиган, кечаги ва эртаниги кун ўртасида ўзига хос қўпrik бўлишга қодирояни мен жамият мафкураси деб биламан».

*И. Каримов. «Тафаккур» журнали, 1998 йил  
2-сони...*

Миллий мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қарашлари юзага чиқиши керак?

«Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг танячи бўлиши одий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-файрат манбаи бўлиши лозим».

И. Каримов. «Тафаккур» журнали, 1998 йил  
2-сони...

Президент И. Каримов сұхбатда “Хўш миллий гоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлаштириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак?” деган саволни қўяди ва унга жавоб берар экан қуйидаги дастурий аҳамиятга молик фикр-мулоҳазаларни, вазифаларни илгари сурди:

■ Миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйфуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамият олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

■ Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма хил фикрлар ва гоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашибдан қатъий назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона гоя — мафкура бўлиши керак.

■ Учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо ҳоли бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда, муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойdevор ва раҳнамо бўлиш даркор.

■ Тўртинчидан, миллий гоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбиға инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур.

■ Бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши

ва буюк келажакни узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуг аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларда муттасил даъват қиласидан бўлиши керак.

Миллий мафкура халқни, миллатни бирлаштиради, бунёдкорлик ишларида кучга-куч қўшади. Миллий истиқлол мафкураси билан қуролланган халқни ўз йўлидан қайтариб бўлмайди.

### **3. Таълим ислоҳоти. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури**

Мустақиллик йилларида таълим тарбия тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш соҳасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати таълимга ислоҳотларнинг барча босқичлари учун ҳам устувор соҳа деб қараб келмоқда.

■ 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

■ Мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш, бозор иқтисодиёти шароитида педагог ҳодимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 30 дан зиёд Фармонлари ва қарорлари эълон қилинди.

1992 йилдан 1997 йил бошларигача таълимни ривожлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида бирмунча ютуқларга эришилди. Буни қуйидаги маълумотларда яққол тасаввур этиш мумкин.

■ Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда “болалар боғчаси-мактаб” мажмуи тармоғи ривожланди. Болаларга чет тилларни, хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилди.

■ Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожлантирилди. 1997 йилда 238 лицей ва 136 гимназия ишлади.

■ “Софлом авлод учун”, “Маънавият ва маърифат”, “Иқтисодий таълим”, “Қишлоқ мактаби”, “Ривожла-

нишда нуқсони бўлган болаларни тиклаш” ва бошқа тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилмоқда.

■ Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 73 фоизи олий маълумотлидир.

■ Меҳнат бозорини, энг аввало қишлоқ жойларда меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар-техника таълими-ни қайта ташкил этиш ишлари амалга оширилди. Бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 ўқув юрти, шу жумладан, 209 қасб-хунар мактаби, 180 қасб-хунар лицейи ва 53 бизнес-мактаб ишлади, уларда қарийб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда.

■ Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 ўрта қасб-хунар таълими ўқув юрти ишлаб турибди. Уларда қарийб 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда.

■ Ўзбекистон олий мактаби тизими 58 олий ўқув юртини, шу жумладан 16 университет ва 42 институтни ўз ичига олади, уларда 164 минг талаба таълим олмоқда; 16 университетнинг ўн иккитаси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Олий ўқув юртларида ишлаётган 18,5 минг ўқитувчининг 52 фоизи фан доктори ва фан номзодлариридир.

■ Билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш бошлаб юборилди, олий мактабни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилмоқда

■ Абитуриентлар ва талabalарнинг билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илфор усуллари жорий этилди.

■ Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар сифатига ошган талабларга мувофиқ аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлаш иши кенгайди. Олий аттестация комиссияси ташкил этилди. Республикада қарийб 4 минг аспирант бўлиб, улардан 69 фоизи олий таълим тизимида ва 31 фоизи илмий-тадқиқот институтларида таълим олмоқда. Жами илмий ва илмий-педагог кадрларнинг 8 фоизи фан докторлари ва 37 фоизини фан номзодлари ташкил этади.

■ Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, 4 марказ ва 14 малака ошириш курслари ишлаб турибди.

■ Иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-куватлаш бўйича давлат сиёсати сабитқадамлик билан олиб борилмоқда.

■ Истеъдодли ўсмир ва қизларни излаб топиш, уларга қўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича маҳсус фонdlар ташкил этилди, қобилиятли ёшларни чет эллардаги етакчи ўқув юртлари ва илмий марказларда ўқитиш ва стажировкадан ўтказиш йўлга қўйилди.

■ Истеъдодли ёшларни моддий ва маънавий рафбатлантириш, чет элда ўқишини қўллаб-куватлаш мақсадида “Улуғбек”, “Умид”, Республика болалар фонди, “Соғлом авлод учун”, “Истеъдод” жамғармалари ташкил этилди.

■ Узбекистон таълим соҳасида АКСЕЛС, АЙРЕКС, Америка Коллежлари Консорциуми, САРЕ, Тинчлик Корпуси (АҚШ), ДААД, Конрад Аденауэр Фонди (Германия), Британия Кенгаши (Буюк Британия), Сауд Ал-Баптин Фонди (Миср) каби халқаро ташкилотлар ва бошқа ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиди.

■ 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди.

■ 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди.

■ 2000 дан ортиқ талаба ва мутахассислар чет элларда ўқиб келди.

Таълим тизимида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилсада, ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Таълим тизимидаги камчиликлар, мавжуд муаммолар “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да очиқ-ойдин кўрсатиб берилди.

— Таълим-тарбия тизими, мутахассислар тайёрлаш жамиятда бўлаётган демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талаблари билан боғланмаган;

— Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан боғлаш, яъни узлуксиз таълим тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинмаган;

— ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси қониқарсиз аҳволда;

— мактаблар, ўқув юртлари сифатли ўқув услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материаллар билан етарли таъминланмаган;

- таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро ҳамкорлик, интеграция ўрнатилмаган;
- мактабларда, ўқув юртларида ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўзларига ишонч шакллантирилмаяпти;
- мажбурий түқкіз йиллик таълимга асосланған ўн бир йиллик умумий таълим илмий асосланмаган, у ўқувчиларда касбга йұналтириш ва меңнат фаолияти күнімалари шаклланишини таъминлай олмаяпти;
- ўқув жараёни билим даражаси ўртача бұлган ўқувчиларга мұлжалланған, иқтидорли ёшлар билан якка тартибда ишлаш механизмларидан яхши фойдаланилмаяпти;
- хунар-техника билим юртларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтилаётган бұлсада, уларда таълим эскича, юзаки бўлиб қолмоқда;
- бир босқичли олий таълим меңнат бозори әхтиёжларини, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ва илфор халқаро тажрибаны тұлиқ ҳажмда ҳисобга ололмаяпти;
- олий малакали кадрлардан самарали фойдаланилмаяпти;
- таълим хизмати күрсатиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг мавжуд әмас;
- ўқитувчilar, мураббийлар, илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб бормоқда, юқори малакали педагог кадрлар етишмайди;
- ишлаб турған ўқитувчи ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик күрмаган, билим ва касб савияси етарли даражада әмас.

Юқорида қайд этилган камчиликлар туфайли амалдаги таълим тизими замонавий, тараққий топған давлатлар даражасидан анча орқада. Шу боисдан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш масаласи күндалант бўлиб қолди.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан таълимни ислоҳ қилиш йўллари ишлаб чиқилди.

1997 йил 27 август куни Олий мажлиснинг IX сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг таълим тұғрисида” Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

- таълимнинг узлуксиз ва изчилиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқиши танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашда ягона ва табакалаштирилған ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъодони рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш

Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида қонуни,

### 3 - м о д д а .

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;
- таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.
- Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксизdir.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида қонуни,

### 9 - м о д д а .

Ўзбекистон Республикасида таълим қуидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
  - мактабдан ташқари таълим.
- Ўзбекистон Республикасининг таълим тӯғрисида қонуни,

10- м о д д а .

■ Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатимизда таълим ислоҳоти ўтказишдан кўзда тутилган мақсад, таълимнинг вазифалари, дастурни рӯёбга чиқариш босқичлари, кадрлар тайёрлашнинг миллий модели асослаб берилди.

■ Мазкур дастурнинг мақсади — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишидир.

■ Ушбу мақсадни рӯёбга чиқариш қуидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади:

— “Таълим тӯғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

— таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

— кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаoliyatning нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

— кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш;

— таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

— таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва акредитация қилиш

сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

— янги ижтимоий-иктисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

— таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

— узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётта жорий этиш;

— кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётимизнинг барча соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган сиёсий-ижтимоий, иктисодий, маънавий ислоҳотларга монанд равишда амалга оширилади. Миллий дастурда таълим ислоҳотларини уч босқичда амалга ошириш назарда тутилди.

*Биринчи босқич* (1997-2001 йиллар). Бу даврда мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиши асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун хуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратилади.

Ушбу босқичда қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

■ “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ таълим тизим мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш;

■ педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

■ таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлилик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиёсининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

■ ўқув махсус, касб-хунар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш

■ таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;

■ таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

■ халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек Республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

■ Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш;

Ушбу босқичда болаларни олти-етти ёшдан мактабга қабул қилиш уларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланганлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Тақозо этилаётган ўқувчи ўринлари зарур моддий-техника шарт-шароитлари ва педагог кадрлар билан таъминлаган ҳолда изчил тайёрланади.

*Биринчи босқич* бажарилишнинг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

*Иккинчи босқич* (2001-2005 йиллар). Бу даврда Миллий дастур тўлиқ рўёбга чиқади, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқичда қўйидагилар амалга оширилади.

■ Мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилияtlари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

■ Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади;

■ Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқувтарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илгор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади;

Таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқ ишга солинади.

*Учинчи босқич* (2005 ва ундан кейинги йиллар). Мазкур босқич:

■ Тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштирилади ва янада ривожлантирилади;

■ Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқувтарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

■ Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини-ўзи бошқариш шакллари мустаҳкамланади.

■ Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

■ Миллий дастур ҳар томонлама камол топган, турмушга мослашган, таълим турлари ва касб-хунарни онгли равишда танлай оладиган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни вояга етказишни назарда тутади, дастурни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий модели шаклланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қўйидагилардан иборатdir:

■ шахс — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

■ давлат ва жамият — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

■ узлуксиз таълим — малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча тур-

ларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

■ фан — юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

■ ишлаб чиқариш — кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

(Манба: “Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т: 98, 34-42 бетлар)

## Маълумотлар бўлими

“Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида”ги Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши қарорига ўзgartiriшлар киритиш тўғрисида”, Олий Мажлис қарори, 1995 йил 6 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент Давлат Авиация институтини ташкил қилиш тўғрисида” Фармони, 1995 йил 31 май.

“Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона Конвенцияга қўшилиш ҳақида”, Олий Мажлис қарори, 1995 йил 24 февраль.

“Гиёҳвандлик воситалари психотроп моддаларини файриқонуний равиша мумомалаға киритишга қарши кураш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенциясига қўшилиш ҳақида”, Олий Мажлис қарори, 1995 йил 24 февраль.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида”ги қонунга ўзgartiriш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон республикасининг қонуни, 1995 йил 21 декабрь.

“Ўқитувчи ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1996 йил 26 декабрь.

“Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1997 йил 24 апрель.

“Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1997 йил 27 август.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1997 йил 27 август.

“Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, Ўзбекистон Республикасининг қонуни (янги таҳририда), 1998 йил 30 апрель.

## **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**

Республика байналмилал маданий маркази тўғрисида, 1992 йил 13 январь №10.

Ўзбекистон Республикаси Давлат театрлар ва концерт ташкилотларининг мақоми тўғрисида, 1992 йил 13 январь №11.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида” 1992 йил 28 февралдаги Фармонини бажариш чоралари тўғрисида, 1992 йил 11 март №125.

Ўзбекистон Давлат телерадиоэшигтириш компанияси тўғрисида, 1992 йил 11 март №123.

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар уюшмасини ташкил этиш тўғрисида, 1992 йил 25 март №142.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридағи дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини ташкил этиш масалалари, 1992 йил 2 апрель №159.

Ўзбекистон Республикаси “Наврўз” хайрия жамғармасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ривожлантириш тўғрисида, 1992 йил 13 июнь №279.

Докторантлар ва аспирантларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида, 1992 йил 20 июль №332.

Ўзбекистон ёшларини чет мамлакатларга ўқишга юбориш тўғрисида, 1992 йил 20 июль №334.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларини ташкил этиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисида, 1992 йил 6 октябрь №462.

Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида, 1992 йил 17 октябрь №480.

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усулида танлаш тўғрисида, 1993 йил 5 февраль №61.

Ижодкор ёшларнинг “Истеъдод” Республика жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида, 1993 йил 19 май №238.

“Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида, 1993 йил 3 июнь №268.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришиларининг тартиби тўғрисида, 1994 йил 17 март, №141.

Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида, 1994 йил 8 июнь №288.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейини ташкил этиш тўғрисида, 1994 йил 5 август №402.

Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг ташкил этиш тўғрисида, 1994 йил 9 ноябрь №542.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида, 1995 йил 12 май №167.

Тошкент шаҳрида Халқаро ислом тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида, 1995 йил 19 май №175.

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида, 1995 йил 3 июнь №211.

Олий ва ўрта маҳсус мактаб муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисида, 1995 йил 31 июнь №302.

Хива шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида, 1996 йил 3 январь №5.

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида, 1996 йил 3 январь №6.

Темурйлар тарихи Давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида, 1996 йил 11 март №88.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари, 1996 йил.

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида, 1996 йил 31 май №207.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида иқтисодий таълим ва бозор иқтисодиёти асослари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш тўғрисида, 1996 йил 19 июнь №221.

Ўзбекистон қўшиқ байрами тўғрисида, 1996 йил 18 ноябрь №403.

Имом ал-Бухорий таваллудининг хижрий-қамарий тавқим 1225 йиллигини нишонлаш түғрисида. 1997 йил 29 апрель №217.

Академик лицейлар ва касб-хунар колледжларини ташкил этиш ва уларни фаолиятини бошқариш түғрисида, 1998 йил 24 февраль №77.

## Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти

### 1. Ўзбекистоннинг геосиёсий аҳволи ва миллий хавфсизлиги

XXI аср бўсафасида Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиб жаҳон ҳамжамиятияга кириш, интеграциялашиш томон юз тутди.

Бу жараённи идрок қилиш учун, аввало, асrimiz сўнгиди дунёда қандай ўзгаришлар содир бўлганини, дунёning қиёфаси қандай эканлигини билиш зарур.

СССРнинг парчаланиши, социалистик дунёning барбод бўлиши натижасида “совуқ уруш” сиёсати, икки система қарама-қаршилифи тугаган бўлсада, дунё ҳамон мўрт, мураккаб ва муаммоли бўлиб турибди. Дунё тинчлигига, умумий хавфсизликка таҳдид солувчи хавфхатарлар сақланиб қолди. Дунёning қалтис, таҳликали эканлиги Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсафасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида теранлик билан таҳдил қилиб берилган.

Кўйидаги омиллар дунёning ҳамон таҳликали эканлигидан далолатдир:

■ Кучлар нисбати илгари асосан икки жойда (СССР ва АҚШ) тўпланган, икки қутбли бўлган бўлса, энди кўп қутбли бўлиб қолди, назорат қилиш қийинлашди.

■ Турли даражада ривожланган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий хотенглик ва зиддиятлар янада ўси. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланган табиий ресурсларини ривожланган мамлакатлар ўз қўлига олишга, назорат қилишга интилиши кучайди. Дунёning катта қисмida иқтисоди заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар мавжуд.

■ Кўпгина мамлакатларда ижтимоий осойишталика қарши хавф-хатарлар ўсиб бораяпти. Бой ва камбагаллар ўртасидаги мулкий тафовут кучайди, ишсизлик, қашшоқлик янада авж олмоқда

■ Бир қатор минтақаларда, ҳатто бир мамлакат фуқаролари ўртасида миллий-этник ва диний низолар

келиб чиқиб можароларга, қонли урушларга айланмоқда. 1997 йилги маълумотларга кўра қарийб 50-миллиондан ортиқ қочоқ бор; 1996 йилда бошқа мамлакатларда бошпана топган 13 миллион киши рўйхатга олинган; фуқаролар уруши туфайли 30 миллионга яқин одам ўзи яшайдиган жойларни ташлаб, бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлган.

Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...” асарида Афғонистон ва Тожикистон можароларини таҳлил қилиб, уларнинг Ўрта Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон хавфсизлиги учун солаётган таҳдидини курсатиб берди. Бу можаролар туфайли Ўзбекистон фронт олди мамлакатига айланиб қолди. Қуроли ёки бошқача тарздаги қўпорувчилик ҳаракатларининг, фитначи элементларнинг, қочоқларнинг Ўзбекистонга ҳам ўтиб кетиш хавфи вужудга келди.

■ Умумий, минтақавий ва миллий хавфсизликка диний экстремизм ва фундаментализм ҳам таҳдид қилмоқда. Динни сиёсийлаштириш натижасида вужудга келган экстремистлар, шу жумладан ислом фундаменталистлари одамлар ўртасида “ҳақиқий” ва “сохта” диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик чиқаришга, миллатларни парчалашга интиладилар. Улар давлатларни исломлаштиришга, ислом цивилизацияси билан бошқа цивилизациялар ўртасида янги қарама-қаршиликлар, можаролар келтириб чиқаришга уринадилар. Ислом экстремистларининг қадимги ислом фоялари ва анъаналарини қайта тиклаш байроби остида қилаётган террорчилик, суиқасд уюштириш ишлари дунё аҳлини ташвишлантироқда. Исломнинг сиёсийлашувига, бир томонидан, ижтимоий-иқтисодий аҳвол, ишсизлик ва қашшоқликнинг кўпайиши сабаб бўлди. Иккинчи томонидан, ривожланган давлатлардаги муайян сиёсий кучлар томонидан юритилаётган мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик сиёсати, мусулмонларга қарши зўровонлик, иқтисодий камситиш каби иллатлар ҳам диний ва бошқа турдаги экстремизми вужудга келтиради, пировардида дунё тинчлигига миллатлар ўртасидаги тутувликка раҳна солади.

■ Умумий хавфсизликка, халқлар ўртасидаги ҳамжихатликка айрим давлатлардаги муайян сиёсий кучлар томонидан юритилаётган буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик сиёсати ҳам хавф солмоқда. Бундай сиёсатнинг хавфи халқаро, давлат-

лааро, миллатлааро ва элаталааро қарама-қаршиликни, можароларни келтириб чиқаришда намоён бўлмоқда. Шовинистлар кичик давлатларнинг, эндиғина мустақилликни кўлга киритган ёш давлатларнинг халқаро — ҳуқуқ ва ички давлат суверенитетини рўёбга чиқаришга қаршилик кўрсатади, ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга ва камситишга уринади.

■ “Совуқ уруш” сиёсатига чек қўйилиши натижасида ялпи ядро уруши хавфи камайган бўлсада, бу турдаги оммавий қирғин қуролининг бошқа мамлакатларга тарқалаётганлиги, кўп миқдорда сақданаётганлиги дунё аҳлини ташвишлантирмоқда.

■ Жаҳон миқёсида атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги, носоғлом экологик вазият, жумладан Ўрта Осиёдаги экологик танглик, биогенетик бузилишлар инсоният бошига хавф солиб турибди.

■ Тобора кучайиб бораётган коррупция, уюшган жиноятчилик, экстремизм, террорчилик, гиёҳвандлик, яширин қурол олди-соттиси бутун дунёни, инсониятни ташвишлантирмоқда.

Ҳозирги дунёда бирон-бир мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон республикаси ҳам, бошқалардан ажralган ҳудуд эмас. Сайёрамиз яхлит ва бўлинмасдир. Ҳар бир мамлакат жаҳон ҳўжалик алоқаларининг муайян жуғрофий ва сиёсий тизимлари таркибиға киради. Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистоннинг геосиёсий вазияти, имкониятлари қандай?

Бу саволга бир хил жавоб бериб бўлмайди. Ўзбекистоннинг геосиёсий вазияти, имкониятлари ҳақида фикр юритсан, унинг қулай ва ноқулай томонларини англаш мумкин.

Кулай геосиёсий имкониятлари қуйидагича:

■ Қадим замонларда Шарқ билан Фарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятлар туташиб бир-бирини бойитган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Осиёни боғлайдиган йўллар Ўрта Осиёдан, унинг ўртасида жойлашган Ўзбекистондан ўтади.

■ Ўрта Осиёда географик-сиёсий марказий ўрин тутган Ўзбекистон ушбу минтақада кучлар нисбати ва мувозанатини сақлаш, барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятларига эга. Ўзбекистон бугунги кунда қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғон

нистон ўртасида боғловчи ҳалқа вазифасини ўтамоқда. Минтақа доирасида манфаатлар ўрнатиш имконияти Ўзбекистон орқали очилади.

■ Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг транспорт, энергетика, сув тизими марказида жойлашган. Аҳоли сони, илмий-техникавий ва бошқа имкониятлари жиҳатидан минтақадаги қўшниларидан маълум даражада устун туради.

■ Табиий-иқлим шароити қулай, улкан минералхом ашё захиралари ва стратегик материалларга эга, дехқончилик маданияти ривожланган, озиқ-овқат билан ўзини таъминлашга қодир, Ўзбекистон саноатнинг базавий ва замонавий тармоқларига эга, ўзини нефть, газ, рангли металлар билан таъминлабгина қолмай уларни экспорт қилиш имкониятига эга.

■ Юртимизнинг жаҳонга машҳур бой маънавий мероси бор, шу туфайли инсоният цивилизациясида салмоқли ўрин эгаллаб, дунёнинг маънавий ва сиёсий жараёнларига таъсир ўтказиб келган.

Жуғрофий-сиёсий жиҳатдан Ўзбекистонга қийинчиликлар туғдирувчи қуйидаги омиллар ҳам мавжуд.

■ Ўзбекистон ўзининг жуғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан колектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган минтақада жойлашган. Ўзбекистон Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефть ва газга жуда бой конлари жойлашган яrim ҳалқанинг стратегик марказида жойлашган. Шу боисдан бу ҳудудда бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида қўргина давлатларнинг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари ўзаро тўқнашмоқда. Дунёдаги кучли давлатлар мазкур минтақада ўз манфаатларини изламоқда.

■ Яна бир ноқулайлик шундан иборатки, Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган мамлакатлар қуршаб турибди. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги диний экстремизм, этник муросасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош.

■ Советлар даврида Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда коммуникациялар номақбул равища шакллантирилди. Жанубий йўналишда транспорт коммуникациялари амалда ривож топмади. СССР парчалангач, коммуникациялар муаммоси Ўзбекистон учун янада кескинлашди. Ўзбекистон бевосита денгизга чиқа

олмайдиган, бунинг устига денгиз бандаргоҳларидан энг узокда жойлашган мамлакат. Қора денгиз, Болтиқ денгизи, Япон денгизи ва Шимолий денгизларга олиб чиқувчи энг қисқа темир йўли қарийб 3 минг километрни ташкил этади. Бу бир неча давлатлар ҳудудидан ўтадиган олис йўл бўлиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий алоқаларини чегаралайди, юк ташишини қимматлаштириб, маҳсулотларни рақобатга бардош беролмайдиган қилиб қўяди.

■ Сув ресурсларининг чекланганлиги, экологик муаммолар, Орол фожиаси ҳам мамлакатимиз учун ноқулайлик омилидир. Шунингдек, мустамлакачилик даврида юритилган Туркистонни бўлиш, миллат ва элатлари устидан ҳукмонлик қилиш сиёсатининг асоратлари ҳозиргacha ташвишли омил ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон бу қийинчиликларни барта-раф этиш, жуғрофий сиёсий имкониятларни мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширмоқда.

«Миллий хавфсизлик масаласида ягона давлат сиёсати бўлмоғи, барча сиёсий, иқтисодий, ташкилий, ҳарбий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларнинг ўзаро үйғун ва мұкаммал тизими бўлмоғи шарт»

*И. Каримов. Олий Мажлиснинг I сессиясидаги нутқи, 1995 йил 23 февраль. Ватан саждагоҳ қаби мүқаддасдир, т.3. 43-бет.*

Мазкур нутқда миллий хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқиши, унинг ҳуқуқий асосини белгиловчи қонунлар яратиш зарурлиги кўрсатиб берилди.

■ 1996 йил 24 апрелда Олий Мажлиснинг V сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

■ 1995 йил 1 майда “Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик кенгаши тўғрисида”ги Президент фармони эълон қилинди.

■ 1991 йил 6 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” Президент Фармони эълон қилинди.

■ 1992 йил 14 январда қабул қилинган Олий Мажлиснинг қарори асосида Ўзбекистон Қуролли Кучлари барпо этилди. 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни” бўлиб қолди.

■ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июля бўлиб ўтган X сессиясида мамлакат мудофааси, хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган қўйидаги муҳим қонунлар қабул қилинди:

- “Мудофаа тўғрисида”
- “Муқобил хизмат тўғрисида”
- “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”
- Мамлактимиз хавфсизлигини мустаҳкамлашга парламентда қабул қилинган “Мудофаа доктринаси” хизмат қилмоқда.

## 2. Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсати ва унинг асосий тамойиллари

Президент И. Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” ва бошқа асарларида мустақил ташқи сиёсат юритиш қоидаларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида мамлакатимиз ташқи сиёсат қоидалари қонунлаштирилди ва у жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик жараёнлари ортга қайтмаслигининг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонни ҳалқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгилайдиган, республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари”, “Хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар ҳамда норматив ҳужжатлар ана шулар жумласидандир. Булар фаол ва кенг қўламли ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолат яратиб берди.

Ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг ички қонунлардан устунлиги республика қонунчилик фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Биринчидан, республика қонунлари ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига доимо мувофиқлаштирилмоқда ва яқинлаштирилмоқда. Иккинчидан, мамлакатимиз ҳалқаро нормаларнинг бажарилишини кафолатлайдиган ҳамма мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

"Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳукуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суврен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳукуқнинг бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлар аро тузилмаларга кириши ва улардан ажрабиб чиқиши мумкин".

*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси,  
17-модда.*

Ўзбекистон ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик, тенг ҳукуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тарафдори. Шунингдек, бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолишни, "катта оға"нинг қош-қовоғига қараб иш тутишни хоҳламайди.

Ўзбекистон дунё учун очиқ мамлакат бўлиб, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка интилади.

Ташқи алоқаларни таъминлайдиган вазирликлар ва муассасалар ташкил этилди: Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки.

И. Каримов ўзининг асарлари, маъруза ва нутқларида мамлакатимиз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий тамойилларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди. Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўлни белгилашда жаҳон тажрибасидан фойдаланилди, мамлакатимиз, халқимиз хусусиятлари ва манфаатлари ҳисобга олинди. Ташқи сиёсатга тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

— Мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкор-

лик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

— давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар даҳлсизлигини ҳурмат қилиш;

— бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

— низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

— куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш;

— ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги;

— давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаронлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажрабиб чиқиш;

— тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;

— давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

— ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати, уни жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олинишини таъминлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги 165 давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Булар жумласига АҚШ, Германия, Франция, Буюқ Британия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек Ўзбекистонда 88 хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларнинг ваколотхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги 20 дан ортиқ давлатда — АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Хитой, Покистон ва бошқаларда Ўзбекистоннинг элчихоналари ишлаб турибди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва Ўзбекистон-

нинг жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилиш йиллари бўлди.

Иттифоқнинг парчаланиши билан биргаликда ташқи алоқаларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар, экспорт ва импортни бир марказдан шакллантирувчи умумиттифоқ тизими, валюта ресурсларининг умумиттифоқ даражасида қайта тақсимлаш тартиби ҳам барбод бўлди. Ўзбекистонда, шунингдек бошқа республикаларда ҳам, бундай тизим амалда йўқ эди. Жаҳон бозоридаги аҳвол ва унинг талаб-эҳтиёжларини биладиган, ташқи савдо қилиш тажрибасига эга бўлган мутахассислар деярли йўқ эди. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўрни йўқлиги сабабли экспорт ҳажми камайди, валюта тушумлари қисқарди.

Вазият ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш тизимини яратишни, жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилиш йўлларини зудлик билан белгилашни тақозо этарди. Республикада иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи муассасалар — Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати, ташқи савдо фирмалари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларда, корпорациялар, концернлар, уюшмаларда ва маҳаллий бошқарув идораларида тегишли ташқи иқтисодий бўлинмалар тузилди. Хорижий ҳамкорлар иштирокида халқаро савдо-сотиқ марказлари ташкил этилди.

### **3. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши**

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўлидан бормоқда.

1992 йил 29 январда БМТ Хавфсизлик Кенгashi ўзининг 737- қарорини овозга қўймасдан қабул қилди ва Бош Ассамблеяга Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилишни тавсия этди.

\* \* \*

1992 йил 2 марта Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 46- сессиясида Ўзбекистон

овозга қуйилмасдан, яқдиллик билан маъқуллаш асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига кабул килинди.

\* \* \*

1992 йил 26 февралда Ўзбекистон республикаси Президенти И. А. Каримов мустақил давлат номидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти (EXXT) нинг ҳужжатини имзолади.

\* \* \*

1992 йил сентябрда Ўзбекистон Парламенти энг кўхна халқаро ташкилотлардан бири — Парламентлар-аро Иттифоқнинг 119- аъзоси бўлди.

\* \* \*

1993 йил январда Ўзбекистон Парламенти Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (EXXT) Парламент Ассамблеясининг аъзоси бўлди. Бу халқаро ташкилот нафақат Европада, балки бутун дунёда давлатлараро муаммоларни жамоа бўлиб ҳал этишда муҳим ўрин эгаллади.

Ўзбекистон БМТ Низомини, халқаро ҳуқуқий меъёрларни, давлатлараро муомала қоидаларини, шунингдек БМТ таркибига кирувчи халқаро ташкилотларнинг талабларига риоя қилишини билдиради. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тӯла тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

И. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил сентябрда бўлган 48-сессиясида иштирок этди ва 28 сентябрда нутқ сўzlади. Жаҳон ҳамжамияти эътиборини Ўзбекистон Республикаси номидан бир қатор таклифларга қаратди:

■ Ўрта Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкентда БМТнинг доимий ишловчи семинарини чақириш;

■ БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келаётган халқаро можароларни таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш бўйича маҳсус гуруҳ ташкил қилиш;

■ Ўрта Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш;

■ Ўрта Осиё минтақасида кимёвий ва бактериоло-

гик қуролни тарқатмаслик устидан халқаро назорат ўрнатиш;

- Наркобизнесга қарши курашни кучайтириш;
- Оролни ва Орол бўйини кутқариш.\*

1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди. Ўзбекистон Республикаси ва БМТ раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари натижасида БМТ нинг Тошкентдаги ваколатхонаси мамлакатимизда БМТ нинг Тараққиёт дастури, қочоқлар иши бўйича олий қўмита комиссари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлашиш жамғармаси, наркотик моддаларни назорат қилиш дастури, Саноат тараққиёти дастури, Болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди. 1993 — 1997 йилларда БМТ ваколатхонасига бошчилик қилган Холид Маликнинг фаол иштирокида Ўзбекистонда кўплаб халқаро тадбирлар ўtkазилди. Чунончи, Тошкентдаги БМТ нинг қочқинлар иши бўйича олий қўмитаси комиссарининг вакили тожик қочоқларни юртига қайтариш, уларга БМТ нинг инсонпарварлик ёрдамини етказиш ишларини амалга ошириди. Ўзбекистон ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йил 15-16 сентябрь кунлари Ўрта Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлиланган Тошкент кенгаш-семинари бўлиб ўтди. Халқаро кенгашда иштирок этган 31 давлат ва 6 халқаро ташкилотдан келган мухтор вакиллар минтақа хавфсизлигининг, мажароларнинг олдини олиш, интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг ишончли тизимини барпо этиш масалалари юзасидан ўз таклифларини айтдилар. Кенгаш яқунлари юзасидан қабул қилинган Баёнот жаҳон халқларини, хусусан Ўрта Осиё халқларини, турли сиёсий кучларни минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва экологик ҳамкорлик тизимларни барпо этишга чақиради.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги Ўрта Осиё минтақасини ядро қуролидан холи зонага айлантириш масаласида ўз ифодасини топди.

Ўрта Осиё давлатлари раҳбарларининг 1997 йил февралда Алматида бўлган учрашувида минтақани ядро қуролидан холи зонага айлантиришга аҳдлашилди ва бу аҳднома мазкур учрашувда қабул қилинган Алмати

\* И. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. т. 2, 47-57-бетлар.

декларациясида ўз ифодасини топди. “Ўрта Осиё — ядро қуролидан холи зона” шиори остида халқаро конференция ўтказиш таклифи илгари сурилди.

1997 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда “Ўрта Осиё — ядро қуролидан холи зона” мавзууда халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. Ушбу масала юзасидан Ўрта Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирликларининг Баёноти имзоланди. Ўрта Осиё минтақасининг ядро қуролидан холи зонага айланиши мазкур минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида БМТ доирасидаги ихтисослашган ташкилотлар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистонни ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилиш маросими бўлди. Ўша куни Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКО дастурига киритилди. 1994 йил октябрида Парижда Улуғбек ҳафталиги тантана билан ўтди. Хива ва Бухоро ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадриятлар рўйхатига киритилди. Бу рўйхатда 411 та обьект бор. Самарқанд, Бухоро, Хиванинг меъморий мажмуаларини қайта тиклаш ишларига ЮНЕСКО эксперти — қайта тикловчи меъмор Жованни Боккарди Ўзбекистонда ишлаб ёрдамлашмоқда.

1994 йил декабрда республикамизда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ташкил этилди, у идоралараро орган бўлиб, таркибига таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасидаги вазирликлар ва идоралардан 49 киши аъзо бўлди.

ЮНЕСКО Ўрта Осиё тараққиётини ўрганиш, тиклаш ва оммалаштиришга катта аҳамият бермоқда. ЮНЕСКО қарорига биноан Самарқандда Ўрта Осиёни тадқиқ қилиш халқаро институти ташкил этилди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистондаги расмий ташрифи чогида институт тантанали равишда очилди. ЮНЕСКО бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсида нишонлашга қарор қилди ва 1996 йил октябрда Парижда Амир Темурга бағишланган халқаро ҳафталик анжуман бўлиб ўтди.

1997 йилда жаҳон маданиятининг дурдоналаридан ҳисобланган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йил-

лик муборак саналари Парижда кенг нишонланди, халқаро анжуман ва күргазмалар үтказилди.

Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисослашган муасасалар — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, БМТнинг болалар фонди, халқаро почта иттифоқи, Электр алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро Олимпиада қўмитаси, Халқаро автомобилчилар иттифоқи ва бошқа ташкилотларнинг аъзоси бўлди, улар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар - Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳам кўмаклашмоқда. Халқаро савдо маркази (ЮНЕКТАД), тарифлар ва савдо Бош битими (ГАТТ) билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон 1992 йил 26 февралда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти - ЕХХТ га аъзо бўлди. И. Каримовнинг 1992 йил 9-10 июлядаги бўлган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мажлисида иштирок этиши, нутқ сўзлаши ва Кенгашнинг 10 июляда бўлган мажлисида раислик қилиши ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносаб ўрин эгаллаётганлигининг далилидир. И. Каримов ўз нутқида у ёки бу минтақада тинчлик ва барқарорликни бузиши мумкин бўлган можаролар яқинлашувининг олдини олиш, можароларга йўл қўймаслик муаммолари билан шуғулланувчи механизми вужудга келтириш, ташкилот қабул қилаётган ҳужжатларнинг таъсирчанлигини ошириш, ҳужжатлар можароларнинг олдини олиш, йўл қўймаслик руҳида бўлишини таъминлаш таклифларини илгари сурди.

ЕХХТ Тошкентда ва Урганчда атроф-муҳитни қайта соғломлаштириш бўйича семинарлар үтказди. Орол муаммосини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. 1995 йил июляда Тошкентда ЕХХТнинг алоқалар бўйича минтақавий бюроси очилди ва фаолият кўрсатмоқда.

ЕХХТнинг 1996 йил декабрда Лиссабонда бўлган Саммитида XXI аср арафасида ялпи хавфсизлик моделини яратиш хусусида мунозара бўлди. Ўзбекистоннинг можаролар юз берган ҳудудларга яширинча қуроляроф етказиб беришни тўхтатиши, ЕХХТнинг Ўрта Осиё фаолиятини кучайтиришга оид таклифлари

маъқулланди ва Лиссабон декларациясида хужжатлаштирилди.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 1996 йилнинг 11-13 сентябрь кунлари Тошкентда ЕХХТ Демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси (ДИИҲБ)нинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар” мавзусидаги халқаро семинар кенгаши булиб ўтди. Унда Ўрга Осиё, Европа, Америкадаги 21 мамлакат экспертларининг, шунингдек 29 та халқаро ва нохукумат ташкилотларининг вакиллари иштирок этилар. Семинар кенгашда Марказий ва Шарқий Европада омбудсман институти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар фаолиятини ривожлантириш, қонунчилик тизимини такомиллаштириш, халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги роли масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон кўпигина минтақавий ташкилотлар, чунончи, Европа иттифоқи, НАТО, ЭКО, Ислом конференцияси ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

1996 йил июль ойида Флоренция шаҳрида Европа иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди. Бу хужжат Ўзбекистон, Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизи булиб, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар учун кенг имкониятлар очди.

Ўзбекистон билан Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотлари — НАТО ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик мавжуд. 1995 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурига қўшилди. “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури томонидан 1995 йилда АҚШда, 1997 йилда Қозогистон ва Ўзбекистонда ўтказган ҳарбий машқларида Ўзбекистон ҳарбий қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий техник тайёргарлигини янада кўтаришга хизмат қилди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида сайёрамиз озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенциясига, озон қатламини камайтирадиган моддалар ҳақидаги Монреал Протоколига, атроф-муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни таъқиқловчи конвенцияга, Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилди.

Ўзбекистон тарихан қисқа бир даврда жаҳон ҳамжамиятияга қўшилди, ҳалқаро ва миңтақавий муаммоларни ҳал қилишда, умумий ва миңтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлашда фаол қатнашаётган нуфузли давлат даражасига кўтарили.

#### **4. Ўзбекистон ва МДҲ: кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик**

1991 йил 8 декабрда Минскига яқин Беловежское Пушчеда уч славян республикалари — Россия, Белорус ва Украина давлатлари бошлиқлари Мустақил давлатлар ҳамдӯстлиги (МДҲ)ни тузиш тӯғрисида шартнома имзоладилар.

\* \* \*

1991 йил 13 декабря Ашгабадда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Президентлари учрашиб Баёнот эълон қилдилар. Баёнотда беш давлат бошлиқлари МДҲга, уни таъсис этувчилар мақомида киришга тайёр эканлигини билдиридилар.

\* \* \*

1991 йил 21 декабря Алматида 11 давлат — Россия (Б. Ельцин), Украина (Л. Кравчук), Белорус (С. Шушкевич), Қозоғистон (Н. Назарбоев), Ўзбекистон (И. Каримов), Қирғизистон (А. Акаев), Тожикистон (Р. Набиев), Туркманистон (С. Ниёзов), Азарбайжон (А. Муталибов), Арманистон (Тер-Петросян), Молдавия (М. Снегур) — бошлиқларининг кенгаши бўлди. Ўша куни улар Беловежское Пушче шартномаси юзасидан протокол имзолаб, “Тенг хукуқли ва аҳдлашаётган олий томонлар” мақомида МДҲ муассиси бўлдилар.

\* \* \*

1993 йил 24 декабря Ашгабадда бўлган МДҲ давлатлари бошлиқларининг кенгашида Грузия раҳбари Э. Шевернадзе қатнашди ва Грузия МДҲга аъзо этиб қабул қилинди.

**МДХ** олдида муаммолар турарди, уларни ечиш учун **МДХ** мамлакатлари раҳбарлари кенгашилар үтказиб, мұхым масалаларни мұхқама қилиб тегишли қарорлар қабул қылдилар.

**МДХ** ташкил этилғандан бери үтган даврда унга айзо бұлған давлат бошлиқтарининг 23 та кенгаши бұлиб үтди. **МДХ** доирасыда 1300 дан ортиқ қарор ва ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳамдүстлик мамлакатларининг иқтисодий интеграцияси, маданий алоқалари катта мاشаққатлар ва секинлик билан мустаҳкамланмоқда.

| <b>МДХ мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқтарининг кенгашлари</b> | <b>Мұхқама қилинган масалалар ва қабул қилинган ҳужжатлар</b>   |
|---|---|
| 1991 йил 21 декабрь.<br>Алмати учрашуви                             | <ul style="list-style-type: none"> <li>— Алмати декларацияси.</li> <li>— Россиянинг СССР ўрнига БМТ ва халқаро ташкилотларда айзоликни давом этказиши тасдиқшының қароры.</li> <li>— Ядро қуороли бүйічка Битим.</li> <li>— Қуролли күчларга құмандонлық қилишни Е. И. Шапошниковга топшириш тұғрисида Протокол.</li> </ul>   |
| 1991 йил 30 декабрь.<br>Минск учрашуви                              | <ul style="list-style-type: none"> <li>— <b>МДХ</b> мамлакатлари давлат бошлиқтарининг кенгаши тұғрисида Битим.</li> <li>— <b>МДХ</b> мамлакатлари ҳукумат бошлиқтарининг кенгаши тұғрисида Битим.</li> <li>— Қуролли күчлар ва чегара қүшинлари тұғрисида Битим.</li> <li>— Космик фазони тәдқиқ этиш, ундан биргаликта фойдаланиш ҳақида Битим.</li> <li>— Собиқ СССРнинг чет эллардаги мол-мұлқи тұғрисидағы Битим.</li> </ul> |
| 1992 йил 9 февраль.<br>Москва кенгаши                               | <ul style="list-style-type: none"> <li>— Экология ва табиий мұхитни мұхофаза қилиш соңасынан үзаро алоқалар тұғрисида Битим.</li> </ul>   |

|                                     |   |
|-------------------------------------|---|
|                                     | <ul style="list-style-type: none"> <li>— Бир-бирларининг ҳудудларидан юкларни бемалол ўтказиш ҳақида Битим.</li> <li>— Гидрометеорология соҳасидаги ўзаро алоқалар ҳақида Битим.</li> <li>— Темир йўл транспортида йўловчилар ва юқ ташишнинг янги ягона тарифлари ҳақида Аҳдлашув.</li> <li>— Электр энергетика соҳасидаги давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш тўғрисида Протокол.</li> </ul>  |
| 1992 йил 15 март.<br>Киев кенгаши   | <ul style="list-style-type: none"> <li>— МДҲ давлатларининг чегараларини ва ҳамдӯстликнинг денгиз иқтисодий зоналарини қўриқлаш тўғрисида Битим.</li> <li>— Собиқ СССРнинг мулки, давлат архиви, қарзлари, Давлат банки масалалари кўрилди, аммо ҳал этувчи битимлар имзоланмади.</li> </ul>  |
| 1992 йил 15 май.<br>Тошкент кенгаши | <ul style="list-style-type: none"> <li>— Коллектив хавфсизлик, тинчликни сақлаш, коллектив кучларнинг мақоми ҳақида Битим.</li> <li>— Молиявий аҳвол ва бу соҳадаги ҳамкорлик тўғрисида Битим.</li> <li>— Ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш ҳақида Битим.</li> <li>— Космик дастурни бажаришга пул ажратиш тўғрисида Битим.</li> <li>— Ягона бюджетни шакллантириш ҳақида Битим.</li> <li>— Чегара қўшинларини пул билан таъминлаш тўғрисида Битим.</li> <li>— Куролли кучларни қисқартириш ҳақида Битим.</li> </ul> |
| 1993 йил январь.<br>Минск кенгаши   | <ul style="list-style-type: none"> <li>— МДҲнинг низоми қабул қилинди.</li> <li>— Давлатлараро банк ва иқтисодий ҳамкорлик маслаҳат кенгаши тузилди.</li> <li>— Афғонистон — Тожикистон чегарасини мустаҳкамлаш учун МДҲнинг тинчлик ўрнатувчи ҳарбий қисми юбориш тўғрисида Битим.</li> </ul>  |

|   |  |
|---|--|
